**XX asrning ikkinchi yarmida O'zbekiston san'atvamadaniyattarixi.** XX asrning ikkinchi yarmida O'zbekiston san'ati va madaniyati. Milliy tasviriy san'at maktablarini shakllanishi. Moskva va Leniningrad (xozir Sankt-Peterburg shaxri) badiiy oliy goxlarini bitirib kelgan milliy rassomlar ijodi. A.Abdullaev, Ch. Axmarov, R. Axmedov, R. Choriev, M. Nabiev, M. Saidovlarlarning O'zbekiston tasviriy san'atiga kushgan xissasi. Grafika san'ati ustalari Usto Mumin (A.Nikolaev), V.Eremyan, S.Malt, V.Kaydalov M.Kagarov va b. ijodi. Xaykaltaroshlik san'ati. F.Grischenko ijodi va uning pedagogik faoliyati. D. Ruziboev, X. Xusniddixujaevlar ijodi. Me'morchilik. A.Schuev, A.Kuznetsov, V.Lavrovlarning badiiy uslubi – maxalliy me'morlik amaliyotidagi namuna sifatida. O'zbekistonning Buxoro, Samarkand kabi kadimgi shaxarlarida rekonstruktsiya ishlari. Ko'p qavatli binolar barpo etilishi. Amaliy dekorativ san'at va uning o'ziga xos jixatlari.

*Qo'llaniladigan ta'lif texnologiyalari: Aqliy hujum namoyish etish, 3x4 texnologiyasi qo'lalsh, savol-javob, munozara.*

*Adabiyotlar: A1;A2;Q1; Q3.*

**Mustaqillik davri O'zbekiston san'atvamadaniyattarixi.** Mustaqillik davrining o'ziga xos jixatlari xaqida umumiylar ma'lumot. Mustakillik davrida vujudga kelgan O'zbekiston tasviriy va madaniy hayotidagi o'zgarishlar. *O'zbekiston Badiiy Akademiyasining* taasis etilishi (1997 yil). Me'morchilik va haykaltaroshlikda kiritilgan yangiliklar. Yangi me'morchilik komplekslarining vujudga kelishi. Shahar ko'rinishlari. Shu davrning yirik vakillari, ularning hayoti va ijodi hamda O'zbekiston san'atiga qo'shgan hissalari. Me'morchilik. Turkiston saroyining qurilishi Yu.Xaldeev loyihasi."Navro'z" restorani (1995 y. R.Yoqubov, V.Ostroverxov, N.Batorin)."Oliy Majlis" binosining qurilishi (1997 y), me'mor. V.Akopdjanyan. Temuriylar tarixi Davlat muzeyi kompleksi (1995y) me'mor A.Turdiev, Toshkent shahar hokimligi (1997 y.) me'mor F. Tursunov.

**Mustaqillik davri O'zbekiston haykaltaroshlik san'ati.** Tarixiy shaxslar siymolarini yaratish. A. Navoiy yodgorligi, A. Temur haykali, Al-Fargoniy haykali, Cho'lpon haykali. E. Aliev, N. Bandeladze, V. Degtyarov, I. Jabborov, R.Mirtojiev, Damir Ro'ziboev va boshqalar ijodi.

**Mustaqillik davri O'zbekiston san'at va madaniyati.** A.Abdullaev, Ch.Axmarov, R.Choriev, N.Qo'ziboev, M.Nabiev, J.Izentaev, B.Aytmurodov, A.Ikromjonov, Y.Tursunnazarov, B.Jalolov, J.Umarbekov, A.Nuriddinov, M.Toshmurodovlar ijodi. Natyurmort janri ustalari - A.Ikromjonov, R. Axmedov, R. Xalilov, E.Melnikov, Ya.Salpinkidi. Manzara janrida ijod kilaettgan rassomlar (I. Shin,

A.Mirsoatov, G.Abduraxmonov, V.Kim, Ya. Salpinkidi, X.Mirzaaxmedov va b.) ijodi va barcha janrlarda vujudga kelgan uzgarishlar. Portret janrida ijod kilayotgan rassomlar (M.Nabiev, N.Oripova, S.Raxmetov). Milliy-romantik oqim namoyondalari: A.Mirzaev, R. Shodiev, O.Qozoqov, I.Valixo'jaev, S.Raxmetovlar ijodi. O'zbekiston tasviriy san'atida falsafiy okimining vujudga kelishi - J.Usmonov, F.Axmadalievlar ijodi.

**Mustaqillik davri amaliy bezak san'ati.** Badiiy qulolchilik. Fargona, Buxoro, Samarqand, Xorazm badiiy kulolchilik mакtablari. Badiiy kandakorlik, zargarlik, ganchkorlik, yogoch o'ymakorligi va naqqoshlik. M.Madaliev, E.Gostev, U.Xolmurodov va A.Ulumbekovalar ijodi. Usta Sh.Murodov, M. To'raev, A. Ilxomov, S. Maxmudovlarning ijod yo'nalishlari. Lokli miniatyura va dizaynning rivojlanishi.

*Qo'llaniladigan ta'lif texnologiyalari: Aqliy hujum namoyish etish, 3x4 texnologiyasi qo'lalsh, savol-javob, munozara.*

*Adabiyotlar: A1;A2;Q1; Q3; .*

### **Mustaqil ishni tashkil etishning shakli va mazmuni**

Oliy badiiy ta'linda mustakil ta'limming axamiyati juda katta. Chunki ijodkor mutaxassisning o'z ustida mustakil ishlashi uning bilim malaka, klinikmalarini egallash darjasini bilan boglik.

Talaba fanni o'zlashtirish jarayonida pedagog raxbarligida olgan bilimlarini mustakil ta'lif ishi jarayonida chuqurlashtiradi.

“San'atvamadaniyattarixi» fanisamarali bo'lishida mustakil ravishda tasviriy san'atga oid adabiyotlar o'qishga, muzeyga, suratlar gallereyalari va ko'rgazma zallariga borishi kerak. Ko'rgan asarlarini to'g'ri taxlil etishi lozim. Xozirgi davrda ijod qilayotgan rassom, xalk ustalari, xaykaltarosh va me'morlar bilan yaqindan tanishish va ularning faoliyatini o'rganish. Jahon va milliy tasviriy san'at durdonalarini mushoxada qilish.

To'garaklar tashkil etish, tasviriy san'at bilan bog'lik konferensiyalar uyushtirish, ijodkorlar bilan uchrashuvlar o'tkazish. Maxsus devoriy gazetalar chikarish, unda tasviriy san'atning umumiyligi tarixiga oid natijalarni, fan nazariyasiya oid fikrlarni bayon etish, talabalarning mustaxkam bilimiga ega bo'lishini ta'minlaydi.

### **Mustaqil ish quydagicha tashkil etiladi:**

- mustaqil ish mavzulari talaba tomonidan o'qituvchi maslahati yordamida tanlanadi;
- mustaqil ish mavzulari asosiy va qo'shimcha adabiyotlardan hamda internet orqali olingan ma'lumotlardan foydalanilgan holda o'zlashtiriladi.

### **Tavsiya etilayotgan mustaqil ishlarning mavzulari:**

No	Mustaqil ishlarning mavzulari. 2 kurs. IV- semestr.	Ajratilgan soat

1	Qadimgi Misr san'at va madaniyat tarixi.	1
2	Qadimgi Gresiya san'at va madaniyat tarixi.	1
3	Qadimgi Hindiston san'at va madaniyat tarixi.	1
4	Qadimgi Xitoy san'at va madaniyat tarixi.	1
5	Qadimgi Misr me'morchiligi.	1
6	Qadimgi Gresiyada ellinizm san'at va madaniyat tarixi.	1
7	Qadimgi Gresiyada gomer san'at va madaniyat tarixi.	1
8	Qadimgi Gresiyada arxaika san'at va madaniyat tarixi.	1
9	Qadimgi Gresiyada klassikasan'at va madaniyat tarixi.	1
10	Qadimgi Gresiyada memorchilik.	1
11	Kadimgi Rim Respublika san'at va madaniyat tarixi.	1
12	Kadimgi Rim Imperiya san'at va madaniyat tarixi.	1
13	Kadimgi Rim forumlari	1
14	Kadimgi Rim me'morchildigi	1
15	Kadimgi Amerika ibodatxonalar	1
16	Kadimgi Egey va Krit-Mikena me'morchiligi	1
	<b>Jami</b>	<b>16 soat</b>

#### **IV semestr uchun mustaqil ishlarning mavzulari 23 c.**

1	Vizantiya me'morchiligi	1
2	Roman davri me'morchiligi	1
3	Avliyo Sofiya ibodatxonasi	1
4	Me'mor Franchesko Barromini ijodi	1
5	Gollandiya natyurmort janri	1
6	Lorenso Jovanni Bernini ijodi.	1
7	Boloniya maktabi avlod rassomlari ijodi	1
8	Italiya barokko me'morchiligi	1
9	Gotika davri me'morchiligi	1
10	Flamand barokko me'morchiligi	1
11	Akademizm va aka -uka Karrachilar ijodi	1
12	Rus realistik rassomlari O.A.Kiprenskiy va V.A.Tropininijodi.	1
13	Rus realistik tankidchi rassomlari P.A.Fedotovijodi.	1
14	Rus realistik rassomlari K.P.Bryulov va A.A.Ivanovijodi.	1
15	XIX asr rus sayyor rassomlari V.G.Perov, I.N.Kramskoy, I.Ye.Repin, V.I.Surikov, V.M.Vasnesov va N.A.Yaroshenko ijodi.	1
16	Rus realistik peyzajchilar A.K.Savrasov, I.I.Shishkin, I.K.Ayvazovskiy va I.I.Levitan ijodi.	1
17	XVIII - XIX asr Barbizon maktabi vakillari ijodi.	2
18	XIX - XX asrda Kubizm, Modern va Favizm okimlar vakillari ijodi.	1
19	XX asr Uzbekiston san'ati ijodkorlari P.P.Benkov,	2

	Z.M.Kovalevskaya, O.K.Tatevasyan ijodi.	
20	XX asr Uzbekiston san'ati ijodkorlari N.V.Kashina va U.Tansikbayev ijodi.	2
	<b>Jami</b>	<b>23 soat</b>

### VI semestr uchun mustaqil ishlarning mavzulari 16 c.

No	IV semestr uchun mustaqil ishlarning mavzulari	Ajratilgan soat
1	Haykaltaroshlikka kirish	2
2	Haykaltaroshning asosiy qonun va qoidalarini o'rghanish	4
3	Haykaltaroshlikka oid maxsus asboblar va xom-ashyolar	4
4	Haykaltaroshlikka oid ijodiy asarlarini o'rghanish va tahlil qilish	2
5	Antik davr haykaltaroshligi	2
6	Mustaqillik davri haykaltaroshligi	2
	<b>Jami</b>	<b>16</b>

### **Fanni o'qitish jarayonini tashkil etish va o'tkazish bo'yicha tavsiyalar**

“San'at va madaniyat tarixi» fanini o'q'itilishida quyidagi tyexnik vositalardan foydalilanadi: Yetuk o'zbyek va xorijiy tasviriy san'at usta rassomlarining jahon miq'yosida tan olingen san'at asarlari namunalari, hamda mukammal asarlarinizamoniaviy kompyutyer tyexnologiyalaridan foydalangan holda multimediali prezентatsiyalar orqali talabalarga tanishtirishni tashkil etish. Buyuk san'at ustalari va ularning ijod etish jarayonlarini aks ettirishga bag'ishlangan fotoslaydlari, chop etilgan namuna va elyektron vyersiyalaridan kyeng foydalilanadi. Shuningdyek ma'ruza va semenar mashg'ulotlarida reproduksiyalar va ilg'or pedagogik texnologiyalar q'o'llaniladi.

### **Didaktik vositalar.**

Jihozlar va uskunalar, moslamalar: elyektron doska-Hitachi, LCD-monitor, elyektron ko'rsatgich (ukazka).

Kompyutyer va multimyediali vositalar: kompyutyer, Dell tipidagi proyektor, DVD-diskovod, Web-kamyera, vidyeo-ko'z (glazok).

### **“San'at va madaniyat tarixi» fanidan talabalar bilimini reyting tizimi asosida baholash mezoni**

“San'atvamadaniyattarixi»fani har bir bo'limi buyicha reyting jadvallari, nazorat turi, shakli, soni hamda har bir nazoratga ajratilgan maksimal ball, shuningdek joriy va oraliq; nazoratlarining saralash ballari xaqidagi ma'lumotlar fan bo'yicha birinchi mashg'ulotda talabalarga e'lon qilinadi.

Fan buyicha talabalarning bilim saviyasi va o'zlashtirish darajasining Davlat ta'lim standartlariga muvofiqligini ta'minlash uchun quyidagi nazorat turlari o'tkaziladi:

- joriy nazorat (JN) - talabaning fan mavzulari buyicha bilim va amaliy kunikma darajasini aniqlash va baholash usuli. Joriy nazorat fanning xususiyatidan kelib chiqqan xolda amaliy mashg'ulotlarda ogzaki sunov, test o'tkazish, suhbat, nazorat ishi, kollekvtum, uy vazifalarini tekshirish va shu kabi boshqa shakllarda utkazilishi mumkin;

- oraliq nazorat (ON) - semestr davomida o'quv dasturining tegishli (fanlarning bir necha mavzularini uz ichiga olgan) bo'limi tugallangandan keyin talabaning nazariy bilim va amaliy kunikma darajasini anikdash va baxolash usuli. Oraliq nazorat bir semestr da ikki marta o'tkaziladi va shakli (yozma, ogzaki, test va xokazo) o'quv faniga ajratilgan umumiylashtirish soatlar xajmidan kelib chiqqan xolda belgilanadi;

- yakuniy nazorat (YaN) - semestr yakunida muayyan fan buyicha nazariy bilim va amaliy kunikmalarni talabalar tomonidan uzlashtirish darajasini baxolash usuli. Yakuniy nazorat asosan tayanch tushuncha va iboralarga asoslangan "Yozma ish" shaklida o'tkaziladi.

ON o'tkazish jarayoni kafedra mudiri tomonidan tuzilgan komissiya ishtirokida muntazam ravishda o'rganib boriladi va uni o'tkazish tartiblari buzilgan xollarda, ON natijalari bekor qilinishi mumkin. Bunday xoll arda ON qayta o'tkaziladi.

Oliy ta'lif muassasasi rahbarining buyrugi bilan ichki nazorat va monitoring bo'limi rahbarligida tuzilgan komissiya ishtirokida YaN ni o'tkazish jarayoni muntazam ravishda o'rganib boriladi va uni o'tkazish tartiblari buzilgan xollarda, YaN natijalari bekor qilinishi mumkin. Bunday xollarda YaN qayta o'tkaziladi.

Talabaning bilim saviyasi, kunikma va malakalarini nazorat qilishning reyting tizimi asosida talabaning fan buyicha o'zlashtirish darajasi ballar orqali ifodalanadi.

“San'atvamadaniyattarixi» g'ani 5 ta tarkibiy bo'limlardan iborat va III,IV semestrlarda o'tiladi. Fanning har bir bo'limi buyicha talabalarning semestr davomidagi o'zlashtirish ko'rsatkichi 100 ballik tizimda baholanadi.

### **100 ball baholash turlari buyicha quyidagicha taqsimlanadi:**

T/r	Nazorat turidagi topshiriqlarning nomlanishi	Maksimal yig'ish mumkin bo'lgan ball	JN va ON o'tkazilish vaqtি
	I. Oraliq nazorat	35 ball	15 15
	Talabaning bilimi oldindan tayyorlangan savollar asosida o'tkazilgan og'zaki savol-javob shaklida baholanadi.	15	Semestrning 9-haftasi
	Talabaning ma'ruza mashg'ulotlaridagi faolligi va blis-so'rov savollarga to'g'ri javobi.	0-10	
	Mustaqil ta'lif topshiriqlarining o'z vaqtida va sifatli bajarilishi. (Keys-stadilar, referat, taqdimot va boshqa turdagilari mustaqil ta'lif topshiriqlari)	0-10	

	<b>II. Oraliq nazorat</b>	35 ball	
2	Talabaning biliimi oldindan tayyorlangan savollar asosida o'tkazilgan og'zaki savolvjavob shaklida baholanadi.	15	Semestrning 17-haftalar
	Talabaning ma'ruza mashg'ulotlaridagi faolligi va blis-so'rov savollarga to'g'ri javobi.	0-10	
	Mustaqil ta'lim topshiriqlarining o'z vaqtida va sifatli bajarilishi (Keys-stadilar, referat, taqdimot va boshqa turdag'i mustaqil ta'lim topshiriqlari)	0-10	
<b>III. Yakuniy nazorat</b>		30 ball	Semestrning oxirgi ikki haftasida
<b>Jami:</b>		100 ball	

### **Birinchi joriy nazoratni baholash mezoni**

Birinchi joriy nazorat ballari semestrning 1-9 haftalari davomida to'planadi. Bu vaqt davomida talaba 20 ballgacha to'plash imkoniyatiga ega.

Talabaning ma'ruza mashg'ulotlaridagi faolligi va blis-so'rov savollarga to'g'ri javobi 10 ballgacha baholanadi. Har bir darsda talaba 2 ballgacha to'plashi mumkin:

- darsga qatnashganligi uchun -1 ball;
- blis savolga to'g'ri javobi uchun -1 ball.

Bundan tashqari birinchi nazorat davrida mustaqil ta'lim topshirig'i 50 foizgacha bajarilishi kerak. Foizlarda bajaralishiga qarab mustaqil ta'lim topshirig'ining bajarilishi 10 ballgacha baholanadi:

- to'planilgan materiallar uchun - 4 ballgacha;
- mavzu bo'yicha bajariladigan ishlar rejasi - 2 ballgacha;
- so'zboshi uchun - 2 ballgacha ;
- foydalaniladigan adabiyotlar ro'yxati uchun -2 ballgacha;

### **Ikkinchi joriy nazoratni baholash mezoni.**

Ikkinchi joriy nazorat ballari semestrning 10-18 haftalari davomida to'planadi. Bu vaqt davomida talaba 20 ballgacha to'plash imkoniyatiga ega.

Talabaning ma'ruza mashg'ulotlaridagi faolligi va blis-so'rov savollarga to'g'ri javobi 10 ballgacha baholanadi. Har bir darsda talaba 2 ballgacha to'plashi mumkin:

- darsga qatnashganligi uchun -1 ball;
- blis savolga to'g'ri javobi uchun -1 ball.

Bundan tashqari ikkinchi nazorat davrida mustaqil ta'lim topshirig'i 51 dan 100 foizgacha bajarilishi kerak. Foizlarda bajaralishiga qarab mustaqil ta'lim topshirig'ining bajarilishi 10 ballgacha baholanadi:

- manbalarga havolalar keltirilgan savollarga (qismlarga) bo'lingan matn ifodasi uchun - 4 ballgacha;
- xulosalar uchun - 2 ballgacha;
- jadval, diagramma, grafik, rasm va sxemalardan tashkil topgan ilovalar uchun - 2 ballgacha;
- himoya uchun - 2 ballgacha.

### **Birinchi oraliq nazoratni baholash mezoni.**

Birinchi oraliq nazorat semestrning 8 haftasida og'zaki savol-javob shaklida o'tkaziladi. Talabalar bilimi 15 ballik tizimda baholanadi. Har bir talaba uchun 3 ta savoldan iborat bo'lgan alohida variantlar tayyorланади. Har bir savolga berilgan javob alohida maksimal 5 ball bilan baholanadi;

Har bir alohida olingen savolga berilgan javobning baholanishi	Baholash mezonlari
5 ball	Savolga berilgan javob aniq va to'g'ri. Har bir fikr misollar, mustaqil kuzatishlar bilan isbotlangan. Kurs bo'yicha asosiy tushunchalar mustahkam o'zlashtirilgan.
4 ball	Savolga to'g'ri javob berilgan, misollar keltirilgan, lekin mustaqil fikr yuritilmagan. Kurs bo'yicha asosiy tushunchalar yaxshi o'zlashtirilgan.
3 ball	Savolga qisman to'g'ri javob berilgan, misollar keltirilgan, lekin mustaqil fikr yuritilmagan. Kurs bo'yicha asosiy tushunchalar qoniqarli o'zlashtirilgan.
2 ball	Savolga javob to'liq berilmagan, faqat darslar jarayonida keltirilgan misollar yozilgan, savol yuzasidan mustaqil fikr yuritilmagan. Kurs bo'yicha asosiy tushunchalar o'zlashtirilmagan.

### **Ikkinchi oraliq nazoratni baholash mezoni.**

Ikkinchi oraliq nazorat semestrning 17 haftasida og'zaki savol-javob shaklida o'tkaziladi. Talabalar bilimi 15 ballik tizimda baholanadi. Har bir talaba uchun 3 ta savoldan iborat bo'lgan alohida variantlar tayyorланади. Har bir savolga berilgan javob alohida maksimal 5 ball bilan baholanadi.;

Har bir alohida olingen savolga berilgan javobning baholanishi	Baholash mezonlari
5 ball	Savolga berilgan javob aniq va to'g'ri. Har bir fikr misollar, mustaqil kuzatishlar bilan isbotlangan. Kurs bo'yicha asosiy tushunchalar mustahkam o'zlashtirilgan.
4 ball	Savolga to'g'ri javob berilgan, misollar keltirilgan, lekin mustaqil fikr yuritilmagan. Kurs bo'yicha asosiy tushunchalar yaxshi o'zlashtirilgan.
3 ball	Savolga qisman to'g'ri javob berilgan, misollar

	keltirilgan, lekin mustaqil fikr yuritilmagan. Kurs bo'yicha asosiy tushunchalar qoniqarli o'zlashtirilgan.
2 ball	Savolga javob to'liq berilmagan, faqat darslar jarayonida keltirilgan misollar yozilgan, savol yuzasidan mustaqil fikr yuritilmagan. Kurs bo'yicha asosiy tushunchalar o'zlashtirilmagan.

### **Mustaqil ta'lif topshirig'ining bajarilishini baholash mezoni:**

Mustaqil ish referat tarzida qabul qilinadi. Mustaqil ishravon tilda aniq yozilgan bo'lishi va jalg etadigan ko'rinishga ega bo'lmosg'i lozim. So'zlar qisqartirilishiga, faqat umumiy qabul qilinganlardan tashqari, shuningdek, xatoliklarga, tushunarsizliklarga, stilistik tafovutlarga yo'l qo'yilmaydi.

Rahbarga taqdim etiladigan referat kompyuterda 14-shrift, 1,5 interval oralig'ida A4 shaklidagi qog'ozning tomonlaridan: chapdan – 2,5 sm, o'ngdan – 1,5 sm, yuqori va pastidan – 2 sm dan kam bo'lmasgan hoshiya qoldirilgan holda terilishi talab etiladi.

Matn sahifalari tartib raqamlariga ega bo'lishi lozim. Tartib raqamlari bir varaqdan ikkinchi varaqqa o'tadigan va 3-betdan boshlanishi (birinchi va ikkinchi varaq - bu titul varag'i va ish rejasi bo'lib, raqamlanmaydi) lozim bo'ladi.

Varaq tartib raqami pastgaga o'rtadan yoki o'ng tomonga qo'yiladi. Mustaqil ish hajmi 16-20 betdan oshmasligi lozim.

Mustaqil ish quyidagilardan:

- 1) titul varag'i;
- 2) har bir savol, savolcha (qism) varag'i tartib raqami ko'rsatilgan ish rejasi;
- 3) so'zboshi, tartib raqami qo'yilmaydi;
- 4) manbalarga havolalar keltirilgan savol va savolchalarga (qismlarga) bo'lingan matn ifodasi;
- 5) xulosa, tartib raqami qo'yilmaydi;
- 6) foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati;
- 7) jadval, diagramma, grafik, rasm va sxemalardan tashkil topganilovadan iborat bo'ladi.

*Ilovalar qa'iy ketma-ket tikiladi.*

### **Umumiy mustaqil ishni baholash me'zoni:**

Qo'yiladigan ball	Qo'yiladigan ballarning izohi
20 ball(a'lo)	Mustaqil ish mundarija, so'zboshi, asosiy qism, adabiyotlar ro'yxati, ilovalardan iborat bo'lib, talab darajasida rasmiylashtirilgan. Ishda ko'rsatilgan muammo bo'yicha zamnaviy fikr va qarashlar yoritilgan. Talaba ish mazmunini aniq ochib bera oladi, misollar keltiradi, muammoga oid bo'lgan o'z fikrlarini bildiradi, chizma va sxemalar yordamida mavzuni yanada aniq va chuqurroq ochib beradi, foydalanilgan adabiyotlar haqida fikr yuritadi
19 ball(a'lo)	Mustaqil ish mundarija, so'zboshi, asosiy qism, adabiyotlar ro'yxati, ilovalardan iborat bo'lib, talab darajasida rasmiylashtirilgan. Ishda ko'rsatilgan muammo bo'yicha zamnaviy fikr va qarashlar yetarli ochib berilmagan. Ishda mantiq va tizimlilik biroz buzilgan.

	Talaba misollar keltiradi, chizma va sxemalar yordamida mavzuni yanada aniq va chuqurroq ochib beradi, foydalanilgan adabiyotlar haqida fikr yuritadi
18 ball(a'lo)	Mustaqil ish mundarija, so'zboshi, asosiy qism, adabiyotlar ro'yxati, ilovalardan iborat bo'lib, talab darajasida rasmiylashtirilgan. Ishda ko'rsatilgan muammo bo'yicha zamonaviy fikr va qarashlar yetarli ochib berilmagan. Mavzu yuzasidan talaba kam mustaqil fikriga ega. Ishda mantiq va tizimlilik biroz buzilgan. Talaba misollar keltiradi, chizma va sxemalar yordamida mavzuni yanada aniq va chuqurroq ochib beradi, foydalanilgan adabiyotlar haqida fikr yuritishga bir oz qiynaladi
17 ball (yaxshi)	Mustaqil ish mundarija, so'zboshi, asosiy qism, adabiyotlar ro'yxati, ilovalardan iborat bo'lsa ham, talab darajasida rasmiylashtirilmagan. Referatda ko'rsatilgan muammo bo'yicha zamonaviy fikr va qarashlar ochib berilgan. Mavzu yuzasidan talaba o'z mustaqil fikriga ega emas. Referat himoyasi jarayonida mantiq va tizimlilik birmuncha buzilgan. O'qituvchining yordami bilan berilgan savollarga javob bera oladi.
16 ball (yaxshi)	Mustaqil ish mundarija, so'zboshi, asosiy qism, adabiyotlar ro'yxati, ilovalardan iborat bo'lsa ham, talab darajasida rasmiylashtirilmagan. Referatda ko'rsatilgan muammo bo'yicha zamonaviy fikr va qarashlar qisman ochib berilgan. Mavzu yuzasidan talaba o'z mustaqil fikriga ega emas. Referat himoyasi jarayonida mantiq va tizimlilik birmuncha buzilgan.O'qituvchining yordami bilan berilgan savollarga javob bera oladi.
15 ball (yaxshi)	Mustaqil ish mundarija, so'zboshi, asosiy qism, adabiyotlar ro'yxati, ilovalardan iborat bo'lsa ham, talab darajasida rasmiylashtirilmagan. Referatda ko'rsatilgan muammo bo'yicha zamonaviy fikr va qarashlar kam ochib berilgan. Mavzu yuzasidan talaba o'z mustaqil fikriga ega emas. Referat himoyasi jarayonida mantiq va tizimlilik buzilgan. O'qituvchining yordami bilan berilgan savollarga javob bera oladi.
14 ball (qoniqarli)	Mustaqil ish mundarija, so'zboshi, asosiy qism, adabiyotlar ro'yxati, ilovalardan iborat bo'lsa ham, talab darajasida rasmiylashtirilmagan. Ko'rsatilgan muammo bo'yicha zamonaviy fikr va qarashlar ochib berilgan. Mavzu yuzasidan o'z mustaqil fikriga ega emas.
13 ball (qoniqarli)	Mustaqil ish talab darajasida rasmiylashtirilmagan. Ish jarayonida talaba xatolarga yo'l qo'yagan. Ko'rsatilgan muammo bo'yicha zamonaviy fikr va qarashlar ochib berilgan. Sxema va chizmalardan foydalana olmaygan.
12 ball (qoniqarli)	Mustaqil ish talab darajasida rasmiylashtirilmagan. Ish jarayonida talaba qo'pol hatolarga yo'l qo'yagan. Sxema va chizmalari yetarli emas.
11 ball (qoniqarli)	Mustaqil ish talab darajasida rasmiylashtirilmagan. Ish jarayonida yozgan narsalarini yaxshi anglamagan. Sxema va chizmalari kam. Foydalangan manbalar noto'g'ri keltirilgan.
10-5 ball (qoniqarsiz)	Mustaqil ish talab darajasida rasmiylashtirilmagan. Ish mavzusi mazmuniga mos kelmaydi. Prezentasiya jarayonida yozgan narsalarini o'qib bermoqchi. Sxema va chizmalari yo'q. Foydalangan adabiyotlari kam.

4-1 ball (qoniqarsiz)	Mustaqil ish talab darajasida bajarilmagan. Talaba ishning prezентasiyasiga tayyor emas.
0 ball	Mustaqil ishni bajarmagan.

### **Yakuniy nazoratni baholash mezoni**

Yakuniy nazorat ishini bajarishga joriy va oraliq nazoratlardan yetarlicha ball (minimum 38,5 ball) to'plagan talabalargagina ruxsat etiladi.

Yakuniy nazorat test shaklida olinadi. Har bir variantda 30 tadan savollar va har bir savolga 4 tadan javoblar bo'ladi. Talaba har bir bergen to'g'ri javobi uchun 1 ball oladi.

Talabaning JN, ON va YaN lardan to'plangan ballari umumlashtiriladi va bahosi aniqlanadi.

Ball	Baho	Talabalarning bilim darajasi
86-100	A'lo	Xulosa va qaror qabo'l qilish. Ijodiy fikrlay olish. Mustaqil mushoxada yurita olish. Olgan bilimlarini amalda qullay olish. Mohiyatini tushuntirish. Bilish, aytib berish. Tasavvurga eta bo'lisch.
71-85	Yaxshi	Mustaqil mushoxdda qilish. Olgan bilimlarini amalda qullay olish. Mohiyatinitushuntirish. Bilish, aytib berish. Tasavvurga ega bo'lisch.
55-70	Qoniqarli	Mhiyatini tushuntirish. Bilish, aytib berish. Tasavvurga ega bo'lisch.
0-54	Qoniqarsiz	Aniq tasavvurga ega bo'lmaslik. Bilmaslik.

- Fan buyicha saralash bali 55 ballni tashkil etadi. Talabaning saralash balidan past bo'lgan uzlashtirishi reyting daftarchasida qayd etilmaydi.
- Talabalarning o'quv fani bo'yicha mustaqil ishi joriy, oraliq va yakuniy nazoratlar jarayonida tegishli topshiriqdarni bajarishi va unga ajratilgan ballar dan kelib chiqqan holda baholanadi.
  - Talabaning fan buyicha reytingi quyidagicha aniqlanadi:  
 $K = V/U$ ,  
 bu yerda: V - semestrda fanga ajratilgan umumiyl o'quv yuklamasi (soatlarda); U -fan buyicha uzlashtirish darajasi (ballarda).
  - Fan buyicha joriy va oraliq nazoratlarga ajratilgan umumiyl ballning 55 foizi saralash ball xisoblanib, ushbu foizdan kam ball to'plagan talaba yakuniy nazoratga kiritilmaydi.
  - Joriy JN va oraliq ON turlari buyicha 55 ball va undan yuqori ballni tuplagan talaba fanni o'zlashtirgan deb hisoblanadi va ushbu fan bo'yicha yakuniy nazoratga kirmasligiga yo'l quyiladi.
  - Talabaning semestr davomida fan buyicha to'plagan umumiyl bali har bir nazorat turidan belgilangan qoidalarga muvofiq to'plagan ballari yigindisiga teng.

- ON va YaN turlari kalendar tematik rejaga muvofiq dekanat tomonidan tuzilgan reyting nazorat jadvallari asosida o'tkaziladi. YaN semestrning oxirgi 2 haftasi mobaynida o'tkaziladi.
- JN va ON nazoratlarda saralash balidan kam ball tuplagan va uzrli sabablarga ko'ra nazoratlarda katnasha olmagan talabaga qayta topshirish uchun, navbatdagi shu nazorat turigacha, sunghi joriy va oraliq nazoratlar uchun esa yakuniy nazoratgacha bo'lган muddat beriladi.
- Talabaning semestrda JN va ON turlari bo'yicha tuplagan ballari ushbu nazorat turlari umumiy balining 55 foizidan kam bo'lsa yoki semestr yakuniy joriy, oraliq; va yakuniy nazorat turlari buyicha tuplagan ballari yigindisi 55 baldan kam bo'lsa, u akademik qarzdor deb xisoblanadi.
- Talaba nazorat natijalaridan norozi bo'lsa, fan buyicha nazorat turi natijalari e'lon qilingan vaqtdan boshlab bir kun mobaynida fakultet dekaniga ariza bilan murojaat etishi mumkin. Bunday holda fakultet dekanining takdimnomasiga ko'ra rektor buyrugi bilan 3 (uch) a'zodan kam bo'lмаган таркібде апеллясиya komissiyasi tashkil etiladi.
- Apellyasiya komissiyasi talabalarning arizalarini ko'rib chiqib, shu kunning o'zida xulosasini bildiradi.
- Baxolashning urnatilgan talablar asosida belgilangan muddatlarda utkazilishi hamda rasmiylashtirilishi fakultet dekani, kafedra muduri, o'quv-uslubiy boshkarma hamda ichki nazorat va monitoring bo'limi tomonidan nazorat qilinadi.

### **Foydalilanidigan adabiyotlar ro'yxati**

1. Abdullayev N.U. San'at tarixi, T.2001.
2. Goryunov V.S., Tubli M. L. Arxitektura yepoxi moderna. SPb.: Stroyizdat, 1992.
3. Ilina T.V. Istorya Iskusstv. Zapadnoyeuropeyskoye iskusstvo.M.: Vysshaya shkola, 2000.
4. Iskusstvo srednih vekov i Vozrojdeniya.Yensiklopediya/Avtor sost-l. Krasnova O.B. M.: OLMA-PRESS, 2001.
5. Yakimovich A.K. Dvadsatyy vek.Iskusstvo.Kultura.Kartina mira. M.: Iskusstvo, 2003
6. «Novaya istoriya iskusstva».SPb., 2000 g.
7. «Iskusstva yepoxi Vozrajdeniya». SPb., 2005 g.
8. «Novaya istoriya iskusstva. Modernizm.»SPb., 2005 g.
9. «Mirovoye iskusstvo».SPb., 2006 g.
10. «Vosstanovleniye modernizma».M., 2001 g.
11. Rempel L.I. Iskusstvo Srednego Vostoka.
12. Pod red. G.A. Pugachenkovoy.Xudojestvennaya kultura Sredney Azii. IX –XIII vv.T-83.

### **Qo'shimcha:**

1. Kun N.A «Legendы i mifы Drevney Gresii» M. 1975
2. Tyajelev V.N, Soposinskiy O.I «Iskusstvo srednih vekov» M. 1975
3. Voshinina A.I «Antichnoye iskusstvo» M. 1962.

### **Elyektron ta'lim ryesurslari**

1. www. tdpu.uz
2. www. pedagog.uz
3. www. Zyonet.uz
4. www.edu.uz
5. tdpu-INTRANET.Ped
6. [www.nbgf](http://www.nbgf). Intal. Uz

---

---

**“САНЬАТ ВА МАДАНИЯТ ТАРИХИ” ФАНИДАН**

**НАМУНАВИЙ ЎҚУВ ДАСТУРИ**

---

---

1691

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУСТА ЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди:  
№ 50-5150900  
2015 йил 7.01



Олий ва ўрта махсус таълим  
вазирликининг 2015 йил  
15.01.2015 даги "50"-сонли  
буруни билан тасдиқланган

**САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ ТАРИХИ**

**ФАНИНИНГ**

**ЎҚУВДАСТУРИ**

Билим соҳаси:	100 000	- Гуманитар соҳа
Таълимсоҳаси:	150 000	- Санъат
Таълим йўналиши:	5150900	- Дизайн (ландшафт)

**ТОШКЕНТ-2015**

1

Фаннинг ўқув дастури Тошкент архитектура-қурилиш институтида ишлабчиқилди.

### **Тузувчилар:**

Маматмусаев Т.Ш. -“Архитектура тарихи ва назарияси” кафедраси мудири, арх.ф.номзоди

Абдуллаева Н.Д. -“Архитектура тарихи ва назарияси” кафедраси катта ўқитувчиси

Ибрагимова М.С.-“Архитектура тарихи ва назарияси” кафедраси катта ўқитувчиси

### **Тақризчилар:**

**Бородина М.Р.** - ТАҚИ “Ландшафт дизайнни ва интеръер” кафедрасимудири, профессор

**Зияев А.А.** - ЎзР ФА “Санъатшунослик” илмий-тадқиқот институтининг катта илмий ходими, арх.ф. номзоди

Фаннинг ўқув дастури Тошкент архитектура-қурилиш институти Илмий - услубий Кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2015 йил “\_\_” даги “\_\_” – сонли баённома).

## **КИРИШ**

Ушбу дастур “Санъат” таълим соҳасидаги “Дизайн (ландшафт)” таълим йўналиши бўйича “Санъат ва маданият тарихи” фанининг энг қадимги замонлардан ҳозиргача бўлган даврларни қамрайди. Дастур мазкур даврлар ривожланишидаги ўзига хос хусусиятларни, услубий ва бадиий маҳорат таснифини, фан ривожининг шаклланиш тамойилларини ҳамда Республикаиз мустақиллиги йилларидағи ижтимоий–сиёсий ҳаётнинг санъат ва маданият билан ўзаро боғлиқлигини ифода этади.

### **Фанинг мақсад ва вазифалари**

Фанни ўқитишдан мақсад – талабаларда санъатва маданият тарихи бўйича йўналиш профилига мос билим, кўникма ва малака шакллантиришдир.

Фанинг вазифаси – талабаларга умумжахон санъати ва маданияти, қадимги Шарқ, антик дунё, Ўрта асрлар санъати ва маданияти, уйғониш даври санъати ва маданиятидан бошлаб XX асргача, айниқса асосий урғуни Ўрта Осиё санъати ва маданиятининг ибтидоий даврдан бошлаб истиқлол йилларигача бўлган даврдаги тарихий стиллар, йўналишларни ажраталишдан иборат.

Санъат ва маданиятдаги муҳим тарихий босқичлар, усуслар ва услублар йўналишларини, уларнинг қайси давр, ҳудудга мансублигини, меъморий жиҳатларини, маданий мерос ва анъаналарини назарий жиҳатдан ажраталишни талабаларга ўргатиш бу фанинг асосий вазифасидир.

### **Фан бўйича талабларнинг билимига, кўникма ва малакасига қўйиладиган талаблар**

“Санъат ва маданият тарихи” ўқув фанини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида бакалавр:

–дунё маданияти ва санъатининг ривожланиши, шаклланиш босқичлари;

– услубларни пайдо бўлиш тарихи;

– санъатнинг жанри ва турлари;

– санъатнинг турли хил йўналишларининг мослашуви ва узвий боғлиқлиги: мусика, рангтасвир, архитектура, театр, ҳайкалтарошлиқ, боғпарк санъати;

- санъат ва маданиятнинг турли жанр ва турларида услугуб йўналишларининг синхрон ўзгариши;
- дунё маданияти ва санъатида машҳур инсонларнинг ҳаёти ва ижоди **ҳақида тасаввурга эга бўлиши**;
- адабиёт, санъат, театр, архитектура соҳасидаги асарларнинг услугубий хусусиятларини фарқлай олишни;
- санъатнинг тури ва жанрларини фарқлашни;
- ўзлаштирган маълумотни баён эта олишни;
- мустақил таълим бўйича тадқиқот ишларини олиб боришни;
- музей коллекцияларини ўрганишни**илиши ва улардан фойдалана олиши**;
- атроф муҳитни эстетик идрок қилиш;
- лойиҳавий таклифда услугубий бирлик ва уйғунликка бўйсиниш;
- санъатнинг турли хил тури ва жанрларини мужассамлаштирувчи комплекс лойиҳаларни яратишда ўзига танқидий нигоҳ ташлаш кўникмаларига эга бўлиши керак.

### **Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услугубий жихатдан узвийлиги**

“Санъат ва маданият тарихи” фани асосий умумкасбий фанларидан бири ҳисобланиб, 3, ..., 8-семестрларда ўқитилади. Дастурни амалга ошириш ўқув режасида белгиланган гуманитар ва ижтимоий – иқтисодий, математик ва табиий илмий фанлар (олий математика, информатика ва ахборот технологияси, бионика ва декоратив дендрология, экология), умумкасбий (чизма геометрия, перспектива ва компьютер графикаси, қаламтасвир, рангтасвир ва ҳайкалтарошлиқ, ландшафтни лойиҳалаш ва макетлашва ҳ.к.) ва ихтисослик (рангшунослик ва композиция асослари, шаҳарсозлик ва транспорт асослари ва ҳ.к.) фанларидан етарли билим ва кўникмаларга эга бўлишликни талаб этади.

### **Фаннинг ишлаб чиқаришдаги ўрни**

Ҳар бир даврнинг ўзига хос санъати ва маданияти мавжуд бўлиб, улар мислсиз даражада тез ўсиб, ривожланиб бормоқда. Айниқса, тарихан таркиб топган, санъат асарлари кўп бўлган жойларни ўрганиш масаласи жуда ҳаётий ва жиддий аҳамиятга эга. Шунинг учун ушбу фан муҳим фан ҳисобланиб, дизайн йўналишининг ажралмас қисмидир. Бу фанни ўзлаштирган талаба дизайнер бўла олмайди.

## **Фанни ўқитишида замонавий ахборот ва педагогик технологиялар**

Талабаларнинг “Санъат ва маданият тарихи” фанини ўзлаштириши учун ўқитишининг илғор ва замонавий усулларидан фойдаланиш, янги информацион – педагогик технологияларни тадбиқ қилиш муҳим аҳамиятга эгадир. Фанни ўзлаштиришида дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар, маъруза матнлари, тарқатма материаллар, электрон материаллар виртуал – кўргазма стендлар ва макетлардан фойдаланилади. Маъруза дарсларида мос равишдаги илғор педагогик технологиялардан фойдаланилади.

### **АСОСИЙ ҚИСМ**

#### **Фаннинг назарий машғулотлари мазмуни**

Санъатнинг келиб чиқиши; бошлангич санъат; қадимги дунё санъати тарихи; ўрта асрлар санъати ва архитектураси; уйғониш даври санъати: Италия (XIII–XIVасрлар); уйғонишнинг илк даври (XVаср); юқори уйғониш даври (XVI аср); кеч уйғониш даври (XVI аср); XVII асрда ғарбий Оврупа санъати; XVII асрда санъатда ва архитектурада асосий стиллар (реализм, классицизм, барокко); миллий-бадиий мактабнинг ривожланиши (Италия, Испания, Голландия, Франция); XVIII асрда Ғарбий Оврупа санъати (Франция, Англия, Германия), даврнинг асосий етакчи архитекторлари ва рассомлари; XIX асрда ғарбий Оврупа санъати ва архитектураси; XX асрда архитектурада ва санъатда асосий йўналишлар: кубизм, абстракционизм, сюрреализм, постмодернизм ва бошқалар; Шарқ давлатлари санъати тарихи ва МДҲ давлатлари архитектураси; амалий-декоратив санъати тарихи.

Ўзбекистон тасвирий санъати тарихи:

Ўрта Осиёнинг ибтидоий жамоа давридаги санъати; Антик даври меъморчилик санъати; Ўрта Осиёнинг илк ўрта асрлар (VI–VIII асрлар) санъати; IX–XIII асрлар санъати; Темур ва темурийлар даври (XIV–XV асрлар) санъати; Ўрта Осиёнинг XVI–XX бошларидағи санъати; Ўзбекистон, МДҲ давлатлари санъати; истиқлол йиллари санъати.

#### **Лаборатория ишларини ташкил этиш бўйича кўрсатмалар**

Фан бўйича лаборатория ишлари намунавий ўқув режада кўзда тутилмаган.

#### **Курс ишини ташкил этиш бўйича услубий кўрсатмалар**

Фан бўйича курс иши намунавий ўқув режада кўзда тутилмаган.

## **Мустақил таълимни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни**

Талаба мустақил ишни тайёрлашда фаннинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуидаги шакллардан фойдаланиши тавсия этилади:

- дарслик ва ўқув қўлланмалар бўйича фан боблари ва мавзуларини ўрганиш;
- санъат асарларидан нусха олиш;
- чизмалар альбомини тайёрлаш;
- шаҳарсозлик таҳлилини бажариш (чизма, жадвал шаклида);
- архитектуравий таҳлил бажариш (чизма, жадвал шаклида);
- реферат тайёрлаш (электрон версияси билан);

### **Тавсия этилаётган мустақил ишларнинг намунавий мавзулари**

1. Ибтидоий жамоа тузуми санъати ва маданияти
2. Миср санъати ва маданияти
3. Олд Осиё санъати ва маданияти
4. Антик давр санъати ва маданияти
5. Яқин ва Ўрта Шарқ санъати ва маданияти
6. Византия санъати ва маданияти
7. Готика санъати ва маданияти
8. Хиндистон санъати ва маданияти
9. Хитой санъати ва маданияти
10. Япония санъати ва маданияти
11. Эрон, Афғонистон санъати ва маданияти
12. Уйғониш даври санъати ва маданияти
13. Модернизм
14. Россиянинг XVIII-XIX асрлар санъати ва маданияти
15. XXаср МДҲ мамлакатлари санъати ва маданияти
16. Ўзбекистон санъати ва маданияти

### **Дастурнинг информацион-методик таъминоти**

Мазкур фанни ўқитиши жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик ва ахборот–коммуникация технологиялари назарда тутилади.

Маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон – дидактик технологияларидан, интернет сайтидан фойдаланиш тавсия этилади.

Талабаларнинг фанни ўзлаштириш – назорат жараёнларида амалий – реферат ишларини ҳимоя қилишларида ақлий хужум, гурухли фикрлаш, “кластер” педагогик технологияларни қўллаш назарда тутилади.

## **Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати**

### **Асосий адабиётлар**

1. Ibragimova M.S. San'at va madaniyat tarixi. T.: 2014.
2. Abdullaeva N.D. San'at tarixi. T.: 2006.
3. Абдуллаева Н.Д. История изобразит. искусства Узбекистана. Т.: 2006.
4. Абдуллаев Н. Санъат тарихи. 1, 2-қисм. Т.: 2002-2003.

### **Кўшимча адабиётлар**

1. Ибрагимова М.С. Тасвирий санъатнинг умумий тарихи. XVII аср Фарбий Европа санъати. Т.: 2012.
2. Абдуллаев Н. Тасвирий санъат умумий тарихи. Т.: 2007.
3. Абдуллаев Н. Шарқ халқлари тавирий санъати тарихи. Т.: 2007.
4. Флиер А.Я. Культура как смысл истории. Общ. науки и современность. М.: 1999
5. Андреева Л.Г. Импрессионизм. М.: 1983.
6. Пугаченкова Г.А. Искусство Средней Азии. Т.: 1982.
7. Глухарёва О.Н. Изобразительное искусство Китая. М.: 1982.
8. Соколов Г.И. Эгейское искусство. М.: 1978.
9. Алексеева В.В. Что такое искусство. М.: 1974.
10. Авдиев В.И. Искусство Древнего Востока. М.: 1974.
11. Шурленова Р. Искусство Древнего Египта. М.: 1974.
12. Алпатов М.В. Всеобщая история искусств. М.: 1960.

### **Интернет сайтлари**

1. [www.centrasia.uz](http://www.centrasia.uz)
2. [www.ZiyoNET.uz](http://www.ZiyoNET.uz)
3. [www.zarnews.uz](http://www.zarnews.uz)

---

---

**“САНЬАТ ВА МАДАНИЯТ ТАРИХИ” ФАНИДАН**

**ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ**

---

---

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASIOLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM  
VAZIRLI GIMIRZO ULUG'BEK NOMIDAGI  
SAMARQAND DAVLAT ARXITEKTURA-QURILISH INSTITUTI



Ro'yxatga olindi:

No 465

«05» 07 2016 yil

## SAN'AT, MADANIYAT VA DIZAYN TARIXI

fanining

### ISHCHI O'QUV DASTURI

Bilim sohasi: 100000 - Gumanitar  
Ta'lif sohasi: 150000 - San'at sohasi  
Ta'lif yunalishii: 5150900 - "Dizayn" ta'lif yunalishi 2 kurs uchun

Samarqand - 2016 yil

Fanning ishchi o'quv dasturi O'zbekiston Respublikasi Oliy va O'rta maxsus ta'lif vazirligining 2012 yil 14 martdag'i 107-sonli buyrug'i bilan tasdiqlangan "San'at, madaniyat va dizayn tarixi" fanining namunaviy dasturi asosida tuzildi.

**Tuzuvchi:**


Sultonova D.N. -SamDAQI, "Tasviriy san'at" kafedrasi dosenti.

**Taqrizchilar:**


Jo'rayev X.X. - SamDAQI, "Tasviriy san'at" kafedrasi dosenti;


Yorqulov T.X.- SamDAQI, "Tasviriy san'at" kafedrasi mudiri,katta o'qituvchi.

Fanning ishchi o'quv dasturi "Tasviriy san'at" kafedrasining 2016 yil 20iyundagi 11 - son yig'ilishida muhokamadan o'tgan va fakultet kengashida muhokama qilish uchun tavsiya etilgan.

Kafedra mudiri:  Yorqulov T.X.

Fanning ishchi o'quv dasturi "Arxitektura" fakulteti kengashida muhokama etilgan va foydalanishga tavsiya qilingan (2016 yil 27 06 dagi 11 - sonli bayonnomma).

Fakultet kengashi raisi:  Abduraimov M.M.

O'quv bo'limi boshlig'i  Sirojiddinov O.S.

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASIOLIY VA O'RTA MAXSUS  
TA'LIM VAZIRLIGIMIRZO ULUG'BEK NOMIDAGI  
SAMARQAND DAVLAT ARXITEKTURA-QURILISH INSTITUTI**

Ro'yxatga olindi:

№ \_\_\_\_\_  
“ \_\_\_\_ ” 2016 y.

**“TASDIQLAYMAN”**

O'quv ishlari bo'yicha prorektor  
“ \_\_\_\_ ” Qo'ldashev A.T.  
“ \_\_\_\_ ” 2016 y.

**San'at va madaniyat tarixi**

**FANINING**

**ISHCHI O'QUV DASTURI**

Bilim sohasi:	100000 - Gumanitar
Ta'lif sohasi:	150000 - San'at sohasi
Ta'lif yunalishii:	5150900 - "Dizayn" (inter'yerni loyihalsh , landshaft) ta'lif yunalishi 2-3 kurs uchun

**Samarqand - 2016**

Fanning ishchi o'quv dasturi O'zbekiston Respublikasi Oliy va O'rta maxsus ta'lif vazirligining 2015 yil 02. 02.dagi 32-sonli buyrug'i bilan tasdiqlangan "San'at va madaniyat tarixi" fanining namunaviy dasturi asosida tuzildi.

**Tuzuvchi:**

Barnoyeva Sh. V. – SamDAQI, "Tasviriy san'at" kafedrasи assistenti.

**Taqrizchilar:**

Jo'rayev X.X.- SamDAQI, "Tasviriy san'at" kafedrasи dosenti;  
Yorqulov T.X.- SamDAQI, "Tasviriy san'at" kafedrasи mudiri

Fanning ishchi o'quv dasturi "Tasviriy san'at" kafedrasining 2016 yil 20 iyundagi 11-son yig'ilishida muhokamadan o'tgan va fakultet kengashida muhokama qilish uchun tavsiya etilgan.

*Kafedra mudiri: \_\_\_\_\_ Yorqulov T.X.*

Fanning ishchi o'quv dasturi "Arxitektura" fakulteti kengashida muhokama etilgan va foydalanishga tavsiya qilingan (2016 yil "—" — dagi "—" - sonli bayonnomasi).

*Fakultet kengashi raisi: \_\_\_\_\_ Abduraimov M.M.*

*O'quv bo'limi boshlig'I \_\_\_\_\_ Sirojiddinov O.S.*

## KIRISH

Ushbu dastur pedagogika oily o`quv yurtlari, amaliy san`at bakalavriyat ta`limy o`nalishlari talabalari uchun mo`ljallangan. Bu fan tasviriy san`at va amaliy san`at tarixini uzoq o`tmishdan, to shu kunga qadar insoniyat tomonidan yaratilgan hamda hozirgi kunda yaratilayotgan eng nodir san`at asarlari namunalari bilan tanishtirish orqali fanni o`qitish va o`zlashtirish samaradorligini oshirish ko`zda tutilgan.

### O`quv fanning maqsadi va vazifalari

#### Fanni o`qitishdan maqsad:

- bu fan talabalarga inson ongi va hissiyotining shakllanishidan tortib, uzoq o`tmishdan, to shu kunga qadar insoniyat tomonidan yaratilgan hamda hozirgi kunda yaratilayotgan eng nodir san`at asarlari namunalari (asosan tasviriy va amaliy hamda memorchilik) bilan tanishtirish. Ularning g`oyaviy badiiy tomonlarini tushunishga yordam berish.

-san`at asarlariga nisbatan badiiy munosabatni, go`zallikga bo`lgan munosabatni rivojlantirish.

-milliy va jahon san`at durdonalari va ularni yaratgan ijodkorlar bilan tanishtirish.

- nodir asarlarni badiiy tahlil etishga talabalarni o`rgatish

#### Fanning vazifasi:

- “San`atvamadaniyattarixi” fanining nazariy va metodik asoslarini mazmun va mohiyatini o`rganish.

- Bu fan o`zining ma`ruza harakteri bilan ajralib turadi. Mashg`ulotning asosiy qismi ma`ruza, savol – javob, suhbat, ma`ruza tinglash, muzey va galereyalarga, ustaxonalarga borish, san`atga oid film va reproduksiyalar ko`rish tarzida o`tadi. Yuqorida ko`rsatilgan vositalarni to`plash.

Jaxon san`ati tarixida muxim bosqichlar, usullar va uslublar yo`nalishlarini, ularning qaysi davr, hududga mansubligini, me`moriy jihatlarini, madaniy meros va an`analarini nazariy jihatdan ajrataolishni talabalarga o`rgatish san`at, arxitektura va shaharsozlik tarixi fanining asosiy vazifasidir.

### Fan bo`yicha talablarning bilimiga, ko`nikma va malakasiga qo`yiladigan talablar.

Bo`lajak bakalavrlar “San`at va madaniyat tarixi” fani bo`yicha to`liq kursni tugatgandan so`ng quyidagilarga ega bo`lmoqliklari lozim. “San`at va madaniyat tarixi” fanining tasviriy san`atda tutgan o`rnii fanni o`tishda - bu fan talabalarga inson ongi va hissiyotining shakllanishidan tortib, uzoq o`tmishdan, to shu kunga qadar insoniyat tomonidan yaratilgan hamda hozirgi kunda yaratilayotgan eng nodir san`at asarlari namunalari (asosan tasviriy haykaltaroshlik, me`morchilik, amaliy) bilan tanishtirish. Ularning g`oyaviy badiiy tomonlarini tushunishga yordam berish, san`at asarlariga nisbatan badiiy

munosabatni, go'zallikga bo'lgan munosabatni rivojlantirish, milliy va jahon san'at durdonalari va ularni yaratgan ijodkorlar bilan tanishtirish, nodir asarlarni badiiy tahlil etishga talabalarni o'rgatishni **bilishi kerak**;

“San'at va madaniyat tarixi” darslarini rejalashtirish va tashkil etish; jaxon san'ati tarihi rivojlanish bosqichlari haqida bilish; jaxon san'ati vakillarining hayoti va ijodi bilan tanishish; va ularning yaratgan buyuk asarlarini badiiy tahlil qila olish, buyuk haykaltaroshlar, tasviriy san'at ustalari, me'morlar hamda amaliy san'at ustalari tamonidan yaratilgan durdona asarlar bilan tanishish; ularning turli texnik usul va uslublari va g'oyaviy mazmuni bilan tanishish; o'quvchi yoshlarga tasviriy san'at umumiy tarihi mashg'ulotlarini tashkil etishda san'at asarlarini tahlil eta olish, yaxshi o'zlashtiruvchi va iqtidorli o'quvchilar bilan individual darlar olib borish, **ko'nikmalariga ega bo'lishlari kerak**;

“San'at va madaniyat tarixi” fanidan chuqur nazariy bilim va malakalarga ega bo'lish pedagogik faoliyat jarayonida san'at tarixining tasviriy san'atga chambarchas bog'liq'ligi, Oliy ta'lim tizimida tasviriy san'at tarixi fanining haykaltaroshlik mashg'ulotlari bilan chambarschas bog'liq'likda olib borilishi, san'at tarixi borasida chuq'ur bilimlarga ega bo'lish, - tasviriy san'at tarixi fani rangtasvir, grafika amaliy san'at mashg'ulotlari bilan chambarchas bog'liqlikda olib borilishi **bilish malakalariga ega bo'lishi kerak**.

### **Fanning boshqa fanlar bilan bog'liqligi.**

“San'at va madaniyat tarixi” fani tasviriy san'atning asoslardan biri sifatida q'uyidagi fanlar bilan chambarchas bog'liq: q'alamtasvir, kompozitsiya, dastgohli, monumental, dyekorativ rangtasvir, tasviriy san'at texnologiyasi va ayniqsa haykaltaroshlik fani bilan kyeng aloq'adordir. Shuningdek arxealogiya, etnografiya kabi fanlar bilan ham uzviy bog'liq. Tasviriy san'at umumiy tarixi fani asosiy umumkasbiy fanlardan biri hisoblanib, 3, 4 va 5-semestrlarda o'qitiladi. Dasturni amalga oshirish o'quv rejasida belgilangan gumanitar va ijtimoiy – iqtisodiy, matematik va tabiiy ilmiy fanlar (tarix, oliy matematika, informatika va axborot texnologiyalari, muhandislik geodeziyasi, qurilish mexanikasi, arxitekturaviy fizika, ekologiya), umumkasbiy (chizma geometriya va muhandislik grafikasi, qalamtasvir, rangtasvir va haykaltaroshlik va h.k.) va ixtisoslik (arxitekturaviy loyihalash va kompozisiya asoslari, yodgorliklarni ta'mirlash va qayta tiklash va h.k.) fanlardan yetarli bilim va ko'nikmalarga ega bo'lishlikni talab etadi.

### **Fanning ishlab chiqarishdagi o'rni**

Qadimgi shaharlar mislsiz darajada tez o'sib, kengayib bormoqda. Ayniqsa, tarixan tarkib topgan, yodgorliklari ko'p bo'lgan shahar markazlarini qayta tiklash, rekonstruksiya qilish masalasi juda hayotiy va jiddiy ahamiyatga ega. Shuning uchun ushbu fan muhim fan hisoblanib, arxitektura yo'naliishing ajralmas qismidir. Bu fanni o'zlashtirmagan talaba arxitektor bo'la olmaydi.

## **Fanni o'qitishda zamonaviy axborot va pedagogik texnologiyalar**

Talabalarning “San’at va madaniyat tarixi” fani o’zlashtirishi uchun o’qitishning ilg’or va zamonaviy usullaridan foydalanish, yangi informasiy – pedagogik texnologiyalarni tadbiq qilish muhim ahamiyatga egadir. Fanni o’zlashtirishda darslik, o’quv va uslubiy qo’llanmalar, MA’RUZA matnlari, tarqatma materiallar, elektron materiallar virtual – ko’rgazma stendlar va maketlardan foydalaniladi. MA’RUZA darslarida mos ravishdagi ilg’or pedagogik texnologiyalardan foydalaniladi.

O’quv jarayoni bilan bog’liq ta’lim sifatini belgilovchi xolatlar quyidagilar: yuqori ilmiy-pedagogik darajada dars berish, muammoli ma’ruzalar o’qish, darslarni savol-javob tarzida qiziqarli tashqil qilish, ilg’or pedagogik texnologiyalardan va multimedia vositalaridan foydalanish, tinglovchilarni undaydigan, o’ylantiradigan muammolarni ular oldiga qo’yish, talabchanlik, tinglovchilar bilan individual ishslash, erkin muloqot yuritishga, ilmiy izlanishga jalg qilish.

“San’at va madaniyat tarixi” fani loyihalashtirishda quyidagi asosiy konseptual yondoshuvlardan foydalaniladi:

**Shaxsga yunaltirilgan ta’lim.** Bu ta’lim o’z mohiyatiga ko’ra ta’lim jarayonining barcha ishtirokchilarini to’laqonli rivojlanishlarini ko’zda tutadi. Bu esa ta’limni loyixalashtirilayotganda, albatta, ma’lum bir ta’lim oluvchining shaxsini emas, avvalo, kelgusidagi mutaxassislik faoliyati bilan bog’liq o’qish maqsadlaridan kelib chiqqan holda yondoshilishni nazarda tutadi.

**Tizimli yondoshuv.** Ta’lim texnologiyasi tizimning barcha belgilarini o’zida mujassam etmog’i lozim: jarayonning mantiqiyligi, uning barcha bug’inlarini o’zaro bog’langanligi, yaxlitligi.

**Faoliyatga yo’naltirilgan yondoshuv.** Shaxsning jarayonli sifatlarini shakllantirishga, ta’lim oluvchining faoliyatni aktivlashtirish va intensivlashtirish, o’quv jarayonida uning barcha qobiliyati va imkoniyatlari, tashabbuskorligini ochishga yo’naltirilgan ta’limni ifodalaydi.

**Dialogik yondoshuv.** Bu yondoshuv o’quv munosabatlarini yaratish zaruriyatini bildiradi. Uning natijasida shaxsning o’z-o’zini faollashtirishi va o’z-o’zini ko’rsata olishi kabi ijodiy faoliyati kuchayadi.

**Hamkorlikdagi ta’limni tashqil etish.** Demokratik, tenglik, ta’lim beruvchi va ta’lim oluvchi faoliyat mazmunini shakllantirishda va erishilgan natijalarni baholashda birgalikda ishslashni joriy etishga e’tiborni qaratish zarurligini bildiradi.

**Muammoli ta’lim.** Ta’lim mazmunini muammoli tarzda taqdim qilish orqali ta’lim oluvchi faoliyatini aktivlashtirish usullaridan biri. Bunda ilmiy bilimni obyektiv qarama-qarshiligi va uni hal etish usullarini, dialektik mushoxadani shakllaitirish va rivojlaitirishni, amaliy faoliyatga ularni ijodiy tarzda qo’llashni mustaqil ijodiy faoliyati ta’minlaiadi.

**Axborotni taqdim qilishning zamonaviy vositalari va usullarini qo’llash** - yangi komiyuter va axborot texnologiyalarini o’quv jarayoniga qo’llash.

**O'qitishning usullari va texnikasi.** Ma'ruza (kirish, mavzuga oid, vizuallash), muammoli ta'lif, keys-stadi, pinbord, paradoks va loyixalash usullari, amaliy ishlar.

**O'qitishni tashqil etish shakllari:** dialog, polilog, muloqot hamkorlik va o'zaro o'rganishga asoslangan frontal, kollektiv va gurux.

**O'qitish vositalari:** o'qitishning an'anaviy shakllari (darslik, ma'ruza matni) bilan bir qatorda - kompyuter va axborot texnologiyalari.

**Kommunikasiya usullari:** tinglovchilar bilan operativ teskari aloqaga asoslangan bevosita o'zaro munosabatlar.

**Teskari aloqa usullari va vositalari:** kuzatish, blis-surov, oraliq va joriy va yakunlovchi nazorat natijalarini tahlili asosida o'qitish diagnostikasi.

**Boshqarish usullari va vositalari:** o'quv mashg'uloti bosqichlarini belgilab beruvchi texnologik karta ko'rinishidagi o'quv mashg'ulotlarini rejalashtirish, qo'yilgan maqsadga erishishda o'qituvchi va tinglovchining birqalikdagi harakati, nafaqat auditoriya mashg'ulotlari, balki auditoriyadan tashqari mustaqil ishlarning nazorati.

**Monitoring va baholash:** o'quv mashg'ulotida ham butun kurs davomida ham o'qitishning natijalarini rejali tarzda kuzatib borish. Kurs oxirida test topshiriqlari, yozma ish variantlari yoki og'zaki so'rov yordamida tinglovchilarning bilimlari baxolanadi.

Fanni o'qitish jarayonida kompyuter texnologiyasidan foydalilanadi. Ayrim mavzular bo'yicha talabalar bilimini baxolash test asosida va kompyuter yordamida bajariladi. Tarqatma materiallar tayyorlanadi, test tizimi hamda tayanch so'z va iboralar asosida oraliq va yakuniy nazoratlar o'tkaziladi.

### **Dasturning informasion – uslubiy ta'minoti**

Mazkur fanni o'qitish jarayonida ta'limning zamonaviy metodlari, pedagogik va axborot – kommunikasiya texnologiyalari nazarda tutilgan.

Umumjahon san'ati, qadimgi dunyo va o'rta asrlar arxitekturasi tarixi, shaharsozlik tarixi, O'rta Osiyo arxitekturasi tarixi, yangi arxitektura bo'limlariga tegishli MA'RUZA darslarida zamonaviy kompyuter texnologiyalari yordamida prezентasjоn va elektron – didaktik texnologiyalaridan, internet saytidan foydalanish tavsiya etiladi.

Talabalarning fanni o'zlashtirish – nazorat jarayonlarida amaliy – referat ishlarini himoya qilishlarida aqliy hujum, guruhi fikrlash, "klaster" pedagogik texnologiyalarini qo'llash nazarda tutiladi.

### **"San'at va madaniyat tarixi"fanidan mashg'ulotlarning mavzular va soatlar bo'yicha taqsimlanishi:**

- **yakuniy nazorat (YaN)** - semestr yakunida muayyan fan buyicha nazariy bilim va amaliy kunikmalarni talabalar tomonidan uzlashtirish darajasini baxolash usuli. Yakuniy nazorat asosan tayanch tushuncha va iboralarga asoslangan "Yozma ish" shaklida o’tkaziladi.

**ON** o’tkazish jarayoni kafedra mudiri tomonidan tuzilgan komissiya ishtirokida muntazam ravishda o’rganib boriladi va uni o’tkazish tartiblari buzilgan xollarda, **ON** natijalari bekor qilinishi mumkin. Bunday xoll arda **ON** qayta o’tkaziladi.

Oliy ta’lim muassasasi rahbarining buyrugi bilan ichki nazorat va monitoring bo’limi rahbarligida tuzilgan komissiya ishtirokida YaN ni o’tkazish jarayoni muntazam ravishda o’rganib boriladi va uni o’tkazish tartiblari buzilgan xollarda, **YaN** natijalari bekor qilinishi mumkin. Bunday xollarda **YaN** qayta o’tkaziladi.

Talabaning bilim saviyasi, kunikma va malakalarini nazorat qilishning reyting tizimi asosida talabaning fan buyicha o’zlashtirish darjasini ballar orqali ifodalanadi.

“San’at va madaniyat tarixi» g’ani 5 ta tarkibiy bo’limlardan iborat va III,IV semestrlarda o’tiladi. Fanning har bir bo’limi buyicha talabalarning semestr davomidagi o’zlashtirish ko’rsatkichi 100 ballik tizimda baholanadi.

### 100 ball baholash turlari buyicha quyidagicha taqsimlanadi:

T/r	Nazorat turidagi topshiriqlarning nomlanishi	Maksimal yig’ish mumkin bo’lgan ball	JN va ON o’tkazilish vaqtি
	<b>I. Oraliq nazorat</b>	<b>35 ball</b>	<b>15</b> <b>15</b>
2	Talabaning bilimi oldindan tayyorlangan savollar asosida o’tkazilgan og’zaki savolvajob shaklida baholanadi.	15	Semestrning 9-haftasi
	Talabaning ma’ruza mashg’ulotlaridagi faolligi va blis-so’rov savollarga to’g’ri javobi.	0-10	
	Mustaqil ta’lim topshiriqlarining o’z vaqtida va sifatli bajarilishi. (Keys-stadilar, referat, taqdimot va boshqa turdagи mustaqil ta’lim topshiriqlari)	0-10	
	<b>II. Oraliq nazorat</b>	<b>35 ball</b>	
2	Talabaning bilimi oldindan tayyorlangan savollar asosida o’tkazilgan og’zaki savolvajob shaklida baholanadi.	15	Semestrning 17-haftalar
	Talabaning ma’ruza mashg’ulotlaridagi faolligi va blis-so’rov savollarga to’g’ri javobi.	0-10	
	Mustaqil ta’lim topshiriqlarining o’z vaqtida va sifatli bajarilishi (Keys-stadilar, referat, taqdimot va boshqa turdagи mustaqil ta’lim topshiriqlari)	0-10	
	<b>III. Yakuniy nazorat</b>	<b>30 ball</b>	Semestrning oxirgi ikki haftasida
	<b>Jami:</b>	<b>100 ball</b>	

### Birinchi joriy nazoratni baholash mezoni.

Birinchi joriy nazorat ballari semestrning 1-9 haftalari davomida to’planadi. Bu vaqt davomida talaba 20 ballgacha to’plash imkoniyatiga ega.

Talabaning ma’ruza mashg’ulotlaridagi faolligi va blis-so’rov savollarga to’g’ri javobi 10 ballgacha baholanadi. Har bir darsda talaba 2 ballgacha to’plashi mumkin:

- darsga qatnashganligi uchun -1 ball;
- blis savolga to’g’ri javobi uchun -1 ball.

Bundan tashqari birinchi nazorat davrida mustaqil ta'lif topshirig'i 50 foizgacha bajarilishi kerak. Foizlarda bajaralishiga qarab mustaqil ta'lif topshirig'ining bajarilishi 10 ballgacha baholanadi:

- to'planilgan materiallar uchun - 4 ballgacha;
- mavzu bo'yicha bajariladigan ishlar rejasi - 2 ballgacha;
- so'zboshi uchun - 2 ballgacha ;
- foydalaniladigan adabiyotlar ro'yxati uchun -2 ballgacha;

#### **Ikkinci joriy nazoratni baholash mezoni.**

Ikkinci joriy nazorat ballari semestrning 10-18 haftalari davomida to'planadi. Bu vaqt davomida talaba 20 ballgacha to'plash imkoniyatiga ega.

Talabaning ma'ruza mashg'ulotlaridagi faolligi va blis-so'rov savollarga to'g'ri javobi 10 ballgacha baholanadi. Har bir darsda talaba 2 ballgacha to'plashi mumkin:

- darsga qatnashganligi uchun -1 ball;
- blis savolga to'g'ri javobi uchun -1 ball.

Bundan tashqari ikkinchi nazorat davrida mustaqil ta'lif topshirig'i 51 dan 100 foizgacha bajarilishi kerak. Foizlarda bajaralishiga qarab mustaqil ta'lif topshirig'ining bajarilishi 10 ballgacha baholanadi:

- manbalarga havolalar keltirilgan savollarga (qismlarga) bo'lingan matn ifodasi uchun - 4 ballgacha;
- xulosalar uchun - 2 ballgacha;
- jadval, diagramma, grafik, rasm va sxemalardan tashkil topgan ilovalar uchun - 2 ballgacha;
- himoya uchun - 2 ballgacha.

#### **Birinchi oraliq nazoratni baholash mezoni.**

Birinchi oraliq nazorat semestrning 8 haftasida og'zaki savol-javob shaklida o'tkaziladi. Talabalar bilimi 15 ballik tizimda baholanadi. Har bir talaba uchun 3 ta savoldan iborat bo'lgan alohida variantlar tayyorlanadi. Har bir savolga berilgan javob alohida maksimal 5 ball bilan baholanadi;

Har bir alohida oltingan savolga berilgan javobning baholanishi	Baholash mezonlari
5 ball	Savolga berilgan javob aniq va to'g'ri. Har bir fikr misollar, mustaqil kuzatishlar bilan isbotlangan. Kurs bo'yicha asosiy tushunchalar mustahkam o'zlashtirilgan.
4 ball	Savolga to'g'ri javob berilgan, misollar keltirilgan, lekin mustaqil fikr yuritilmagan. Kurs bo'yicha asosiy tushunchalar yaxshi o'zlashtirilgan.
3 ball	Savolga qisman to'g'ri javob berilgan, misollar keltirilgan, lekin mustaqil fikr yuritilmagan. Kurs bo'yicha asosiy tushunchalar qoniqarli o'zlashtirilgan.

2 ball	Savolga javob to'liq berilmagan, faqat darslar jarayonida keltirilgan misollar yozilgan, savol yuzasidan mustaqil fikr yuritilmagan. Kurs bo'yicha asosiy tushunchalar o'zlashtirilmagan.
--------	---

### **Ikkinchi oraliq nazoratni baholash mezoni.**

Ikkinchi oraliq nazorat semestrning 17 haftasida og'zaki savol-javob shaklida o'tkaziladi. Talabalar bilimi 15 ballik tizimda baholanadi. Har bir talaba uchun 3 ta savoldan iborat bo'lgan alohida variantlar tayyorlanadi. Har bir savolga berilgan javob alohida maksimal 5 ball bilan baholanadi.;

Har bir alohida olingan savolga berilgan javobning baholanishi	Baholash mezonlari
5 ball	Savolga berilgan javob aniq va to'g'ri. Har bir fikr misollar, mustaqil kuzatishlar bilan isbotlangan. Kurs bo'yicha asosiy tushunchalar mustahkam o'zlashtirilgan.
4 ball	Savolga to'g'ri javob berilgan, misollar keltirilgan, lekin mustaqil fikr yuritilmagan. Kurs bo'yicha asosiy tushunchalar yaxshi o'zlashtirilgan.
3 ball	Savolga qisman to'g'ri javob berilgan, misollar keltirilgan, lekin mustaqil fikr yuritilmagan. Kurs bo'yicha asosiy tushunchalar qoniqarli o'zlashtirilgan.
2 ball	Savolga javob to'liq berilmagan, faqat darslar jarayonida keltirilgan misollar yozilgan, savol yuzasidan mustaqil fikr yuritilmagan. Kurs bo'yicha asosiy tushunchalar o'zlashtirilmagan.

### **Mustaqil ta'lif topshirig'inining bajarilishini baholash mezoni:**

Mustaqil ish referat tarzida qabul qilinadi. Mustaqil ishravon tilda aniq yozilgan bo'lisi va jalg etadigan ko'rinishga ega bo'limg'i lozim. So'zlar qisqartirilishiga, faqat umumiy qabul qilinganlardan tashqari, shuningdek, xatoliklarga, tushunarsizliklarga, stilistik tafovutlarga yo'l qo'yilmaydi.

Rahbarga taqdim etiladigan referat kompyuterda 14-shrift, 1,5 interval oralig'ida A4 shaklidagi qog'ozning tomonlaridan: chapdan – 2,5 sm, o'ngdan – 1,5 sm, yuqori va pastidan – 2 sm dan kam bo'limgan hoshiya qoldirilgan holda terilishi talab etiladi.

Matn sahifalari tartib raqamlariga ega bo'lisi lozim. Tartib raqamlari bir varaqdan ikkinchi varaqqa o'tadigan va 3-betdan boshlanishi (birinchi va ikkinchi varaq - bu titul varag'i va ish rejasি bo'lib, raqamlanmaydi) lozim bo'ladi.

Varaq tartib raqami pastgaga o'rtadan yoki o'ng tomonga qo'yiladi. Mustaqil ish hajmi 16-20 betdan oshmasligi lozim.

Mustaqil ish quyidagilardan:

1) titul varag'i;

2) har bir savol, savolcha (qism) varag'i tartib raqami ko'rsatilgan ish rejasи;

- 3) so'zboshi, tartib raqami qo'yilmaydi;  
 4) manbalarga havolalar keltirilgan savol va savolchalarga (qismlarga) bo'lingan matn ifodasi;  
 5) xulosa, tartib raqami qo'yilmaydi;  
 6) foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati;  
 7) jadval, diagramma, grafik, rasm va sxemalardan tashkil topganilovadan iborat bo'ladi.

*Ilovalar qa'iy ketma-ket tikiladi.*

**Umumiy mustaqil ishni baholash me'zoni:**

<b>Qo'yiladigan ball</b>	<b>Qo'yiladigan ballarning izohi</b>
<b>20 ball(a'lo)</b>	Mustaqil ish mundarija, so'zboshi, asosiy qism, adabiyotlar ro'yxati, ilovalardan iborat bo'lib, talab darajasida rasmiylashtirilgan. Ishda ko'rsatilgan muammo bo'yicha zamonaviy fikr va qarashlar yoritilgan. Talaba ish mazmunini aniq ochib bera oladi, misollar keltiradi, muammoga oid bo'lgan o'z fikrlarini bildiradi, chizma va sxemalar yordamida mavzuni yanada aniq va chuqurroq ochib beradi, foydalanilgan adabiyotlar haqida fikr yuritadi
<b>19 ball(a'lo)</b>	Mustaqil ish mundarija, so'zboshi, asosiy qism, adabiyotlar ro'yxati, ilovalardan iborat bo'lib, talab darajasida rasmiylashtirilgan. Ishda ko'rsatilgan muammo bo'yicha zamonaviy fikr va qarashlar yetarli ochib berilmagan. Ishda mantiq va tizimlilik biroz buzilgan. Talaba misollar keltiradi, chizma va sxemalar yordamida mavzuni yanada aniq va chuqurroq ochib beradi, foydalanilgan adabiyotlar haqida fikr yuritishga bir oz qiynaladi
<b>18 ball(a'lo)</b>	Mustaqil ish mundarija, so'zboshi, asosiy qism, adabiyotlar ro'yxati, ilovalardan iborat bo'lib, talab darajasida rasmiylashtirilgan. Ishda ko'rsatilgan muammo bo'yicha zamonaviy fikr va qarashlar yetarli ochib berilmagan. Mavzu yuzasidan talaba kam mustaqil fikriga ega. Ishda mantiq va tizimlilik biroz buzilgan. Talaba misollar keltiradi, chizma va sxemalar yordamida mavzuni yanada aniq va chuqurroq ochib beradi, foydalanilgan adabiyotlar haqida fikr yuritishga bir oz qiynaladi
<b>17 ball (yaxshi)</b>	Mustaqil ish mundarija, so'zboshi, asosiy qism, adabiyotlar ro'yxati, ilovalardan iborat bo'lsa ham, talab darajasida rasmiylashtirilmagan. Referatda ko'rsatilgan muammo bo'yicha zamonaviy fikr va qarashlar ochib berilgan. Mavzu yuzasidan talaba o'z mustaqil fikriga ega emas. Referat himoyasi jarayonida mantiq va tizimlilik birmuncha buzilgan. O'qituvchining yordami bilan berilgan savollarga javob bera oladi.
<b>16 ball (yaxshi)</b>	Mustaqil ish mundarija, so'zboshi, asosiy qism, adabiyotlar ro'yxati, ilovalardan iborat bo'lsa ham, talab darajasida rasmiylashtirilmagan. Referatda ko'rsatilgan muammo bo'yicha zamonaviy fikr va qarashlar qisman ochib berilgan. Mavzu yuzasidan talaba o'z mustaqil fikriga ega emas. Referat himoyasi jarayonida mantiq va tizimlilik birmuncha buzilgan. O'qituvchining yordami bilan berilgan savollarga javob bera oladi.
	Mustaqil ish mundarija, so'zboshi, asosiy qism, adabiyotlar

<b>15 ball (yaxshi)</b>	ro'yxati, ilovalardan iborat bo'lsa ham, talab darajasida rasmiylashtirilmagan. Referatda ko'rsatilgan muammo bo'yicha zamonaviy fikr va qarashlar kam olib berilgan. Mavzu yuzasidan talaba o'z mustaqil fikriga ega emas. Referat himoyasi jarayonida mantiq va tizimlilik buzilgan. O'qituvchining yordami bilan berilgan savollarga javob bera oladi.
<b>14 ball (qoniqarli)</b>	Mustaqil ish mundarija, so'zboshi, asosiy qism, adabiyotlar ro'yxati, ilovalardan iborat bo'lsa ham, talab darajasida rasmiylashtirilmagan. Ko'rsatilgan muammo bo'yicha zamonaviy fikr va qarashlar olib berilgan. Mavzu yuzasidan o'z mustaqil fikriga ega emas.
<b>13 ball (qoniqarli)</b>	Mustaqil ish talab darajasida rasmiylashtirilmagan. Ish jarayonida talaba xatolarga yo'l qo'yagan. Ko'rsatilgan muammo bo'yicha zamonaviy fikr va qarashlar olib berilgan. Sxema va chizmalardan foydalana olmaygan.
<b>12 ball (qoniqarli)</b>	Mustaqil ish talab darajasida rasmiylashtirilmagan. Ish jarayonida talaba qo'pol hatolarga yo'l qo'yagan. Sxema va chizmalar yetarli emas.
<b>11 ball (qoniqarli)</b>	Mustaqil ish talab darajasida rasmiylashtirilmagan. Ish jarayonida yozgan narsalarini yaxshi anglamagan. Sxema va chizmalar kam. Foydalangan manbalar noto'g'ri keltirilgan.
<b>10-5 ball (qoniqarsiz)</b>	Mustaqil ish talab darajasida rasmiylashtirilmagan. Ish mavzusi mazmuniga mos kelmaydi. Prezentasiya jarayonida yozgan narsalarini o'qib bermoqchi. Sxema va chizmalar yo'q. Foydalangan adabiyotlari kam.
<b>4-1 ball (qoniqarsiz)</b>	Mustaqil ish talab darajasida bajarilmagan. Talaba ishning prezentasiyasiga tayyor emas.
<b>0 ball</b>	Mustaqil ishni bajarmagan.

### **Yakuniy nazoratni baholash mezoni**

Yakuniy nazorat ishini bajarishga joriy va oraliq nazoratlardan yetarlicha ball (minimum 38,5 ball) to'plagan talabalargagina ruxsat etiladi.

Yakuniy nazorat test shaklida olinadi. Har bir variantda 30 tadan savollar va har bir savolga 4 tadan javoblar bo'ladi. Talaba har bir bergen to'g'ri javobi uchun 1 ball oladi.

Talabaning JN, ON va YaN lardan to'plangan ballari umumlashtiriladi va bahosi aniqlanadi.

<b>Ball</b>	<b>Baho</b>	<b>Talabalarning bilim darajasi</b>
86-100	A'lo	Xulosa va qaror qabo'l qilish. Ijodiy fikrlay olish. Mustaqil mushoxada yurita olish. Olgan bilimlarini amalda qullay olish. Mohiyatini tushuntirish. Bilish, aytib berish. Tasavvurga eta bo'lish.
71-85	Yaxshi	Mustaqil mushoxdda qilish. Olgan bilimlarini amalda qullay olish. Mohiyatinitushuntirish. Bilish, aytib berish. Tasavvurga ega bo'lish.

55-70	Qoniqarli	Mhiyatini tushuntirish. Bilish, aytib berish Tasavvurga ega bo'lish.
0-54	Qoniqarsiz	Aniq tasavvurga ega bo'lmaslik. Bilmaslik.

- Fan buyicha saralash bali 55 ballni tashkil etadi. Talabaning saralash balidan past bo'lgan uzlashtirishi reyting daftarchasida qayd etilmaydi.
- Talabalarning o'quv fani bo'yicha mustaqil ishi joriy, oraliq va yakuniy nazoratlar jarayonida tegishli topshiriqdarni bajarishi va unga ajratilgan ballar dan kelib chiqqan holda baholanadi.
- Talabaning fan buyicha reytingi quyidagicha aniqlanadi:  
 $K = V/U$ ,  
 bu yerda: V - semestrda fanga ajratilgan umumiyl o'quv yuklamasi (soatlarda); U - fan buyicha uzlashtirish darajasi (ballarda).
- Fan buyicha joriy va oraliq nazoratlarga ajratilgan umumiyl ballning 55 foizi saralash ball xisoblanib, ushbu foizdan kam ball to'plagan talaba yakuniy nazoratga kiritilmaydi.
  - Joriy **JN** va oraliq **ON** turlari buyicha 55 ball va undan yuqori ballni tuplagan talaba fanni o'zlashtirgan deb hisoblanadi va ushbu fan bo'yicha yakuniy nazoratga kirmasligiga yo'l quyiladi.
  - Talabaning semestr davomida fan buyicha to'plagan umumiyl bali har bir nazorat turidan belgilangan qoidalarga muvofiq to'plagan ballari yigindisiga teng.
  - **ON** va **YaN** turlari kalendar tematik rejaga muvofiq dekanat tomonidan tuzilgan reyting nazorat jadvallari asosida o'tkaziladi. YaN semestrning oxirgi 2 haftasi mobaynida o'tkaziladi.
    - **JN** va **ON** nazoratlarda saralash balidan kam ball tuplagan va uzrli sabablarga ko'ra nazoratlarda katnasha olmagan talabaga qayta topshirish uchun, navbatdagi shu nazorat turigacha, sunggi joriy va oraliq nazoratlar uchun esa yakuniy nazoratgacha bo'lgan muddat beriladi.
    - Talabaning semestrda **JN** va **ON** turlari bo'yicha tuplagan ballari ushbu nazorat turlari umumiyl balining 55 foizidan kam bo'lsa yoki semestr yakuniy joriy, oraliq; va yakuniy nazorat turlari buyicha tuplagan ballari yigindisi 55 baldan kam bo'lsa, u akademik qarzdor deb xisoblanadi.
    - Talaba nazorat natijalaridan norozi bo'lsa, fan buyicha nazorat turi natijalari e'lon qilingan vaqtadan boshlab bir kun mobaynida fakultet dekaniga ariza bilan murojaat etishi mumkin. Bunday holda fakultet dekanining takdimnomasiga ko'ra rektor buyrugi bilan 3 (uch) a'zodan kam bo'limgan tarkibda apellyasiya komissiyasi tashkil etiladi.

- Apellyasiya komissiyasi talabalarning arizalarini ko'rib chiqib, shu kunning o'zida xulosasini bildiradi.

- Baxolashning urnatilgan talablar asosida belgilangan muddatlarda utkazilishi hamda rasmiylashtirilishi fakultet dekani, kafedra muduri, o'quv-uslubiy boshkarma hamda ichki nazorat va monitoring bo'limi tomonidan nazorat qilinadi.

### **Foydalilaniladigan adabiyotlar ro'yxati**

1. Abdullayev N.U. San'at tarixi, T.2001.
2. Goryunov V.S., Tubli M. L. Arxitektura yepoxi moderna. SPb.: Stroyizdat, 1992.
3. Ilina T.V. Istorya Iskusstv. Zapadnoyevropeyskoye iskusstvo.M.: Vysshaya shkola, 2000.
4. Iskusstvo srednix vekov i Vozrojdeniya.Yensiklopediya/Avtor sost-l. Krasnova O.B. M.: OLMA-PRESS, 2001.
5. Yakimovich A.K. Dvadsatyi vek.Iskusstvo.Kultura.Kartina mira. M.: Iskusstvo, 2003
6. «Novaya istoriya iskusstva».SPb., 2000 g.
7. «Iskusstva yepoxi Vozrajdeniya». SPb., 2005 g.
8. «Novaya istoriya iskusstva. Modernizm.»SPb., 2005 g.
9. «Mirovoye iskusstvo».SPb., 2006 g.
10. «Vosstanovleniye modernizma».M., 2001 g.
11. Rempel L.I. Iskusstvo Srednego Vostoka.
12. Pod red. G.A. Pugachenkovoy.Xudojestvennaya kultura Sredney Azii. IX – XIII vv.T-83.

### **Qo'shimcha:**

4. Kun N.A «Legendsy i mifы Drevney Gresii» M. 1975
5. Tyajelev V.N, Soposinskiy O.I «Iskusstvo srednix vekov» M. 1975
6. Voshinina A.I «Antichnoye iskusstvo» M. 1962.

### **Elyektron ta'lif ryesurslari**

1. www. tdpu.uz
2. www. pedagog.uz
3. www. Zyonet.uz
4. www.edu.uz
5. tdpu-INTRANET.Ped
6. [www.nbgf](http://www.nbgf). Intal. Uz
7. [www.vgik.info](http://www.vgik.info)
8. [www.pencil.nm.ru](http://www.pencil.nm.ru)
9. [www.msus.org](http://www.msus.org).

---

---

**“САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ ТАРИХИ” ФАНИДАН  
МАЪРУЗАЛАР МАТНИ**

---

---

**1-Кириш мавзуси: “Санъат ва маданият тарихи” фани предметининг мақсад ва вазифалари. Санъатнинг вужудга келиши ”**

*1-илова*

### **МАЪРУЗА РЕЖАСИ:**

- 1. Санъат ва маданият тарихи фани предмети, фаннинг мақсад ва вазифалари.**
- 2. Санъат ва тасвирий санъатнинг фан сифатида шаклланиши ва ижтимоий хаётда тутган ўрни.**
- 3. Тасвирий санъатнинг Дунё миқёсида ривожланиш босқичлари.**
- 4. Жаҳон санъати тарихи ривожида юзага келган усул-услублар ва уларнинг хусусиятлари.**

*2-илова*

### **ТАЯНЧ ИБОРАЛАР:**

Санъат ва маданият. Тасвирий санъат. Архитектура. Амалий санъат. Хайкалтарошлик. Стил. Услуб. Йўналиш ва оқим. Реализм. Классицизм, барокко, модернизм, авангард, формализм, Поп Арт, видео Арт, Куббизм, Экпрессионизм, Сюрреализм, абстракционизм, дадаизм, Эстетика ва бадиийлик. Архитектуравий услуб. Ижодий профессионал маҳорат. Эвалюцион ривожланиш. Функция. Конструкция. Умумий ва хусусий архитектуравий шакллар.

*3-илова*

### **МАЪРУЗА МАТНИ**

**“Санъат ва маданият тарихи”** фанини ўқитишдан мақсад тарихий босқичларда тасвирий санъатда вужудга келган меъморий ва тасвирий усул-услублар ва қўлланилишларни ўрганиш билан бирга эстетик завқ олиш, интеллектуал бадиий савияни шакллантириш, турли даврларда жаҳон санъатида юзага келган оқим ва йўналишларни чуқур ўрганиш шунингдек, Жаҳон ва Ўзбекистон санъатида буюк ва эътиборли рассом, меъмор ва амалий санъат усталари ўзлаштирган ижодий профессионал услубни далилий мисолларда очиб бериш, улар яратган шоҳ намуналарни (шедевр) билиш ва ўрганиш, шу билан бирга ижодий профессионал услубнинг ўзига хос хусусиятларни аниқ далилларга асосланган холда намуна сифатида ёритиб беришdir.

“Санъат ва маданият тарихи” фани бошқа фанлар билан бирга бўлажак мутахасисни хар тарафлама интеллектуал билимни чархлайди ва ижодий маҳорати ва қобилиятини шакллантиради. Бу фан эстетика, тарих, лоихалаш, меъморлик тарихи, чизматасвир, рангтасвир, композиция, фалсафа, ва бошқа фанлар билан бўлажак мутахасисни тарбиялайди. Бўлажак мутахасис “Дизайнер”, “архитектор”, “қурувчи инженер”, “ландшафт архитектори” каби мутахасисликлар дунё санъатида юзага келган оқим ва йўналишлар, усул ва қўлланилишларни ўрганган ва ўзлаштирган холда, инновацион ғояга асосланган ижодий профессионал маҳоратини амалда қўллашга ёрдам беради.

Тасвирий санъат инсон фаолияти ва турмуш-тарзи билан узвий боғлиқ жараён бўлиб, у инсониятнинг дастлабки қадамларидан бошлаб айни вақтгача у билан ажралмас холда шаклланиб келаётган феномендир.

Санъат, тасвирий ва амалий санъат –ижтимоий онг шакларидан бири бўлиб, борлиқни билишнинг асосий воситасидир.

Маълумки, тасвирий ва амалий санъат инсоннинг эволюцион шаклланишида хали ибтидоий жамоа тузумидан бошланади. Неча манг йиллар ва асрлар давомида шаклланиб келаётган тасвирий санъат айни вақтда инсон ақлу -заковатининг маҳсули сифатида кулминацион нуқтасига эришди. Ибтидоий жамоа тузумидаёқ, санъатнинг маълум турлари : амалий санъат - (кулолчилик, курол аслаха ясаш тоштарошлиқ, сүяк ўймакорлиги) Тасвирий санъат - (чизиқли ва рангли тасвиirlар) ва меъморликнинг энг содда ва мураккаб кўринишлари юзага кела бошлади. Бунга яққол далил исботлар талайгина.

**Архитектура** – бу узлуксиз диалектик ривожланиш жараёни бўлиб, ибтидодий жамоа давридан бошлаб то хозирги кунгача бўлган эволюцион, даврий ва даврма-давр аста-секин ривожланган жараёндир.

Архитектура хар-бир даврда ижтимоий тузум, давлат сиёсати ва иқтисодиёти, ҳар-бир ҳалқнинг табий иқлим шароити ва ҳалқнинг урфодатлари билан чамбарчас боғлиқдир.

Инсоният архитектуравий-қурилиш фаолиятининг асосий мақсади – хаёти жараёнлар учун фазовий муҳитни ташқил қилиш.

Архитектура моддий талаблар билан бир қаторда маънавий талабларни хам қондириши шартдир.

Бино ва иншоатлар шаклининг мутаносиблиги, конструктив қисмларининг ҳажм-фазовий ва пластик ечими архитектуравий тектоникани ташкил қиласи.

Ҳар-бир тарихий давр ижодий услуби архитектуравий жихатдан ўзига ҳос хусусиятлари билан ажралиб туради:

- функционал жихатдан жамият эҳтиёжларни;
- конструктив жихатдан мустаҳкам ва чиройли бўлиши;
- иқтисодий жихатдан кам харажатли ва арzon бўлиши;
- эстетик ва бадиий жихатдан мутаносиб шаклга ва чиройли кўринишга эга бўлиши.

Архитектуравий услуг - бу хар-бир давр ва ҳар-бир ҳалқ архитектурасига ҳос бўлган функционал, конструктив ва бадиий хусусиятлар тўплами.

Архитектуравий услуг маълум тарихий даврда ривожланган, ва таназзулга йўл тутганлиги оқибатида бошқа усул билан алмашган демак, маълум тарихий даврда ҳос бўлган услуг сунъий равишда тикланиши мумкин эмас.

Архитектура бу бир вақтнинг ўзида ҳам техника ҳам санъатдир.

Архитектурада образ тушунчаси биринчи навбатда бино ва иншоатлариниг функционал вазифалари билан боғлиқдир.

Шунингдек, бинолар симметрик ёки асимметрик тузилиши, асосий қисмларнинг бўрттириб кўрсатилиши ва бошқа бир қанча ифодаланиш воситалари орқали маълум образларга эга бўлади. Архитектурада санъатларни уйғунлаштириш ёки санъатлар синтези ҳам иморатлар образини шакиллантирадиган асосий воситаларидан хисобланади.

Тасвирий санъат рангли ва чизиқли, хайкалтарошлиқ хам хали ибтидоий жамоадан бошланиши, шу даврга оид гор ва қояга ишланган суратлар далиллар. Замонавий босқичда тасвирий санъатнинг бир неча турлари ривожланиб келган. Махобатли, дастгоҳли, минниатюра, графика, литография, офорт китоб графикаси, плакат реклама, хайкалтарошлиқнинг бир неча қўринишлари: махобатли, дастгоҳли, бўртма, горрелеф, барелеф, бьюст ва хаказолар. Буларнинг барчаси асрлар оша шаклланиб, миллий характеристери ва худудий мактаблари билан шаклланмоқда.

Халқ амалий санъатининг инсон фаолиятида роли катта. У хам азалдан ривожланиб келган санъат турларидан биридир. Амалий санъат хам неча минг йиллар давомида турли хил қўринишларда ўз ривожини бошидан кечириб келди. Унинг энг қадимий турларидан кулолчиликдир. Бу тур инсоннинг кундалик турмуш тарзи билан боғланади. Тўқимачилик, тоштарошлиқ, суяқ ўймакорлиги, ёғоч ўймакорлиги, мато тўқиши, замонавий жараёнда – бадиий кулолчилик, каштадўзлик, зардўзлик, наққошлиқ, ганч ўймакорлиги ва бошқалар юзага келди.

*4-илюза*

#### **Ўтилган дарсни мустаҳкамлаш учун саволлар:**

1. Санъат ва маданият тарихи предмети қандай фан ва у бўлажак мутахасисни бадиий жихатдан тарбиялашдаги роли.
2. Санъат ва тасвирий санъатнинг инсон турмуш тарзида тутган ўрни.
3. Санъат ижтимоий онг шаклларидан бир борлиқни билишнинг асосий воситасидир.
4. Тасвирий санъатнинг юзага келиш сабаблари. Тасвирий санъатнинг турлари
5. Тасвирий санъатнинг бошқа фанлар билан узвий боғлиқлиги.
6. Архитектура қандай ривожланган? Архитектуравий услуг нима?
7. Тасвирий санъатда йўналиш ва оқим нима? Реализм, Барокко. Классицизм , рококо ва хоказо.
8. Тасвирий санъатда. Стил. Услуб, ва усул ва қўлланилишларга изох беринг?

*5-илюза*

#### **2- мавзу: *Тасвирий санъат тур ва жанрлари***

##### **МАЪРУЗА РЕЖАСИ:**

1. **Тасвирий санъат тур ва жанрларининг вужудга келиши.**
2. **Тасвирий санъат турлари: Рангтасвир,графика, хайкалтарошлиқ, меъморлик ва амалий санъат.**
3. **Тасвирий санъат жанрлари: Портрет, манзара, майший, тарихий. Батал ва натюрморт.**

- 3. Тасвирий санъат турларининг Дунё миқёсида ривожланиш босқичлари.**
- 4. Жаҳон санъати тарихи ривожида юзага келган усул-услублар, оқим ва йўналишлар хусусида.**

### **ТАЯНЧ ИБОРАЛАР:**

Тасвирий санъат. Стил. Услуб. Йўналиш ва оқим: реализм, классицизм, барокко, импрессионизм, кубизм, фовизм ва ҳаказо. Рангтасвир (живопись) Хайкалтарошлиқ, рельеф, горельеф, барельеф, бьюст, монументал стил. Графика, литография, ксилография, линогравюра, офорт, эстамп, плакат, реклама, иллюстрация. Архитектура. стил, услуб, барокко. классицизм, рококо, модерн. фреска, витраж, мозаика, панно, сграфито. композиция, пропорция, симметрия, ритм, форма, нур ва соя, колорит, перспектива. Амалий санъат: керамика. майда пластика, Триптих. чеканка, заргарлик, зардӯзлик, Ижодий профессионал маҳорат. Эволюцион ривожланиш. Функция. Конструкция. Эстетика ва бадиийлик. Умумий ва хусусий архитектуравий шакллар.

### **МАЪРУЗА МАТНИ**

Тасвирий санъат тур ва жанрларини ўтишдан мақсад, талабаларда даставвал жаҳон санъати –архитектура, тасвирий санъат ва амалий санъат соҳасида юзага келган турлар яъни санъатнинг хиллари, қўринишлари, шунингдек тасвирий жанрларни билиш, ўрганиш, тушуниш шунингдек, уларни хис қилган холда, жаҳон санъати ривожида юзага келган турли хил санъат турларини тушуна билиш орқали санъатни ўрганишга кириш ясалади. Яъни тасвирий санъат турларини ўрганиш дунё санъатини билиш демакдир. Тур ва жанрлар тасвирий санъат соҳасини эгаллашда калит вазифасини ўтайди.

Фанни ўтишдан асосий мақсад тарихий давларда тасвирий санъат соҳасида вужудга юзага келган ижодий профессионал услубни далилий мисолларда очиб бериб, турли давлардаги санъат ва архитектуравий профессионал услубнинг ўзига хос хусусиятларни характерли мисоллар орқали кўрсатиб беришдир.

Тасвирий санъат – бу узлуксиз диалектик ривожланиш жараёни бўлиб, ибтидоий жамоа давридан бошлаб то хозирги кунгача бўлган эволюцион ва босқичма-босқич секин-аста ривожланган жараёндир.

Тасвирий санъат, архитектура ва амалий санъат билан ўзаро уйғун ва бир-биридан ажралмас санъат турлари бўлиб, улар ҳар-бир даврда ижтимоий тузум, давлат сиёсати ва иқтисодиёти, ҳар-бир ҳалқнинг урф-одати билан чамбарчас боғлиқдир. Шунингдек, турли ҳалқ ва элатлар санъати ривожида юзага келган миллий анъаналар ва ижодий ютуқлар ва қўлланишишларни билиш ва ўрганиш давр талабидир. жаҳон санъати ривожида юзага келган турли усул услублар(стиллар), оқим ва йўналишларни ўрганиш бўлажак ёш мутахасисда эстетик дунёкараши, онги ва зеҳнини мукаммалаштиради.

**Рангтасвир** (живопись) санъатининг уч хил қўринишга эгалиги: 1. *Махобатли*, 2. *дастгоҳли тури ва 3. миниатюра* санъати. Бу санъат турлари ҳар бири бир-биридан кескин фарқ қиласи. Дастьгоҳли энг кенг тарқалган турлардан биридир. Бу санъат турининг пайдо бўлиши Уйғониш

даврига рассомлари томонидан илк бор амалга ошиши ва кейинроқ бутун жаҳон санъатида кенг қўлланиши диққатга сазовордир. Бунда матога (холст) рассом мой бўёқ орқали сурат ишлайди. бу турда ижод қилган рассомлар: Л. да Винчи, Р.Санти, Рембрандт, Веласкес, Рубенс, Ван Гог, Пол Сезанн, Репин, Суриков, Верешагин, Ахмедов, Тансиқбоев ва бошқалар. Бу санъат турининг заминида жанрлар хам юзага келган масалан, портрет, тарихий, батал, майший, манзара ва натюроморт ва анимал жанрлардир. Ушбу жанрларда ижод этган дунё рассомлари. Шунингдек, Махобатли рангтасвирни дастгохидан кескин фарқ қилиши, уни архитектуравий қурилмалар билан ўзаро боғлиги, бу санъат турида турли усулларнинг юзага келиши: фреска, витраж, мозаика, панно, сграфито.

**Минатюра санъати** аслида китоб графикаси билан боғлиқ санъат тури эканлиги, ва унинг ўрта асрлар шарқ санъатида кенг ёйилиши ва жойлик худудий макталарнинг юзага келиши ва унда ижод қилган уста мусаввирлар – Камолиддин Бехзод, Махмуд Музахҳиб, Муҳаммад Мурод Самарқандий ва бошқалар.

**Хайкалтарошлиқ** санъатининг бир неча хиллари – Махобатли, дастгохи, бьюст, рельеф, горельеф, юмалоқ ва хаказо.. Хайкалтарошлиқнинг меъморлик ва шахарсозлик билан уйғун холда ривожи. Махобатли хайкалтарошлиқнинг очик майдон, боғ-парк, сайдохлар ва биноларга мўлжалланганлиги. Уларнинг мазмун моҳияти ва бадиий ғояси ва талқини. Ушбу санъат турининг тарихий ривожи жараёнида юзага келган услублар: роман, готик, классик, реалистик, барокко, импрессионистик ва куббистик. Уларда ижод қилган буюк хайкалтарошлар, Фидий, Мирон, Праксител, Лиссип, Данотелло, Веркио, Микеланджело, Беринини, Мартос, Ф.Рюд, Роден, Майол, Бурдел, Шадр, Д.Рўзибоев, И.Жабборов а бошқалар

**Графика** санъатининг бир неча хиллари – дастгохи графика, литография, офорт, плакат, китоб графикаси, реклама ва хаказо.. Ушбу санъат турининг тасвирий санъатнинг бошланишига сабаб бўлиши. Унда чизиқ ва штрихнинг катта рол ўйнаши, шунингдек бу турнинг тарихий ривожи ва унда ижод қилган график рассомлар: А.Дюрер, Рембранд, Рубенс, Л.да Винчи, Ж.Калло, Қ.Башаров ва бошқалар.

**Амалий санъат**. Ўзбек халқ амалий санъатининг узоқ йиллик тарихий тараққиёти. Ундаги миллийлик ва анъанавийлик. Жойлик ва худудий мактаблар. Энг қадимий турлардан хисобланган кулолчилик, наққошлиқ, ганч ва ёғоч ўймакорлиги, мисгарлик, заргарлик, кашта ва зардўзи санъати локли миннатюра ва хаказо....

Тасвирий санъат жанрлари. Портрет, манзара, майший, тарихий. Батал ва натюроморт.

#### 4-илова

##### Ўтилган дарсни мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Тасвирий санъат турларига тўлиқ тафсилот беринг?
2. Рангтасвир ва унинг кўринишлари. Маҳобатли рангтасвир ва бу соҳада ижод қилган рассомлар?

3. Дастрохли рангтасвир ва миннайтиюра санъати. Бу соҳада ижод қилган рассомлар ва санъат асарлари.
4. Графика ва унинг турларига изоҳ киритинг?
5. Хайкалтарошлик ва унинг дастрохли, рельеф, маҳобатли, бьюст ва хаказо турларига тушунча беринг?
6. Архитектура ва жаҳон архитектураси тараққиёти хақида қисқача маълумот беринг?
7. Ҳалқ амалий санъатининг турлари: кулолчилик, ганч ва ёғоч ўймакорлиги, нақошлиқ, сувяк ўймакорлиги ва хаказо...
8. Тасвирий санъат жанрлари. Тарихий ва батал жанрига изоҳ беринг?
9. Портрет ва унинг хиллари. Бу жанрда ижод қилган рассомлар ва асарлар.
10. Манзара жанри ва бу жанрда ижод қилган рассомлар .
11. Майший жанрга тушунча беринг?
12. Натюрморт ва анимал жанрларига изоҳ беринг?

**Kafedra mudiri**  
**T.H.Yorqulov-----**  
“--- -----” 2016yil.

### KALENDAR REJASI

Fakultet: Arxitektura Bosqich: 2 Akademik guruh: 203 Dizayn (Ландшафт)

Fanning nomi: San'at va madaniyat tarixi

Ma’ruza o’qiydi: D.N. Sultonova.

<b>№</b>	<b>MA’RUZAning nomi qisqacha mazmuni</b>	<b>Ma’ruza uchun ajratilgan soat</b>
<b>1 bulim. Qadimgi dunyo san'ati tarixi. 3kurs.III - semestr</b>		
1.	Tasviriy san`at turvajanrlari.	1 soat
2.	Ibtidoiy jamoa tuzumi davri san`ati	1 soat
3.	Qadimgi dunyo san`ati. Qadimgi Misr san`ati.	1 soat
4.	Qadimgi Old Osiyo san`ati.	1 soat
5.	Qadimgi Eron va O’rta Osiyo san`ati.	1 soat
6.	Qadimgi Hindiston, Yaponiya va Xitoy san`ati.	1 soat
7.	Antik davri san`ati. Egey va Krit – Mikena davri san`ati.	1 soat
8.	Qadimgi Gresiya san`ati. Gomer davri san`ati.	1 soat
9.	Arxaika davri san`ati.	1 soat
10.	Klassikka davri san`ati.	1 soat
11.	Ellinizm davri san`ati.	1 soat
12.	Qadimgi Rim san`ati.	1 soat

13.	Rim Respublika va imperiya san'ati.	1 soat
14.	Qadimgi Amerika san'ati	1 soat
<b>2 bo'lim.Yevropada ilk urta asrlar davri san'ati</b>		
15.	O'rta asrlarda Yevropa san'ati. Vizantiyasan`ati (ravenna, miravinglar va karolinglar davri).	1 soat
16.	Romandavrisan`ati (varvarlar qirolligi va franklar imperiyasi davri ).	1 soat
17.	Gotika davrisan`ati.	1 soat
18.	III – XIXasrlargachabulganUzbekistonsan'ati.	1 soat
	<b>Jami</b>	<b>36 soat</b>

### 3- мавзу: “Ибтидоий жамоа санъати”

#### Маърузани олиб бориш технологияси модели

##### **МАЪРУЗА РЕЖАСИ.**

- Ибтидоий жамоа даври ва унинг босқичлари.**
- Палеолит даври санъати.(дастлабки ибтидоий санъатнинг юзага келиши.Чизиқли ва рангли тасвирлар.**
- Мезолит даври санъати. Ҳайкалтарошлик. Кулолчилик.**
- Неолит даври санъати. Архитектура. Мегалитик қурилмалар.**

##### **ТАЯНЧ ИБОРАЛАР:**

Ибтидоий жамият. Палеолит даври. Мезолит даври, Неолит даври, Бронза даври. Горлар. Ибтидоий композиция. Мадлен даври. Дастребаки чизиқли тасвир, рангли тасвирий санъат. Ҳайкалтарошлик. Суякка ўйиб ишлаш, гравюра, Матриархат даври, “Палеолит мадоннаси”. Ертўла. Чайла. Маросимлар майдони. Тош қуроллар. металл қуроллар. Мегалитик қурилма. Циклопик қурилмалар: Долмен. Менгир. Кромлех. Стоунхедж.

3-илова

##### **МАЪРУЗА МАТНИ**

Инсоният тасвирий ва амалий санъат фаолиятининг бошланиши хали ибтидоий жамоадан бошланган. Бунга қоя ва ғорларга ишланган чизиқли ва рангли суратлар яққол далил ва исботдир. Ибтидоий санъат палеолит давридан бошланади. Шу сабаб фанда ибтидоий санъат босқичларга бўлиб ўрганилган.

- Палеолит даври санъати.** (эр.ав. 20-12 м.й.)
- Мезолит даври санъати** (эр.ав.12 -8м.й )
- Неолит даври санъати** (эр.ав. 8-4-м.й.)

Тасвирий санъатнинг дастлабки дебочалари палеолит даврига тўғри келиб, Фон де Гом ва Алтамир ғорларига ишланган чизиқли тасвирлар бунга яққол исботдир. Юқори палеолитнинг **Мадлен даври** (40-60) ибтидоий санъатнинг гуллаб яшнаган давридир. Бу даврда Алтамир ғорига ишланган рангли ва чизиқли тасвирлар композицион жиҳатдан ҳам, ишланиши жиҳатдан ҳам шедеврларча яратилган санъат намуналариидир. Уларда асосан

**ов мавзуси** етакчилик қилади. Хайвонни овлаш ибтидоий инсонларнинг турмуш тарзидан хикоя қилади. “Ов сахнаси”, “Яраланган бизон”, “Пишқираётган бизон”, “Дарёдан кечиб ўтаётган кийиклар” каби суратлар. Шунингдек, бу даврда хайкалтарошлиқ, суюкка ўйиб ишлаш, тош қуроллар ясаш ҳам йўлга қўйилган.

Архитектуранинг пайдо бўлиши сўнгги палеолит даврига тўғри келади. Ибтидоий инсонларларнинг дастлабки уйлари - гор ва кулбалар бўлган. Инсоннинг яшаш учун дастлабки уйлари – оддий кулба бўлиб, улар тўғритуртбурчак ва айлана шаклидаги кулбалар атрофи қамиш ёки паҳол билан ўралган. Кейинроқ, бундай кулбалар иссиқроқ бўлиши учун лой билан сувалган ва содда безак берилган. Бундай кулбалар энг оддий тош қуроллари ёрдамида қурилган. Ёғочга бой жойларда конус – шакл ва икки томонга оғма томли шоҳлардан ясалган чайлалар кенг тарқалади. Бу даврга келиб қурилиш жараёни фақатгина техник фаолият бўлмасдан, балки одамларнинг маънавий талабларини ҳам қондиришга хизмат қилади.

Мезолит даврида ибтидоий инсонлар хаётида муҳим ўзгаришлар кузатилади. Энди инсонлар ингли равишда меҳнат билан машғул бўлиб, улар турмуш тарзида ҳам хусусан санъатда ҳам бир оз мукаммалик кузатилади. Овчиликдан –чорвачиликка ўтиш, дехқончиликда сув суғоришиш инсоннинг йўлга қўйилиши, тасвирий санъатда кулолчиликда дастгоҳнинг пайдо бўлиши мезолитик санъатнинг ютуғидир. Кулолчиликда дастгоҳнинг пайдо бўлиши унинг шаклан ва бадиий жихатдан пухта ва эстетик жихатдан нағис бўлишига олиб келди. Аввалги даврдагидек, зооморф ва ўсимликсимон нақшлар ўрнига геометрик нақшлар билан алмашина борди. Кулолчилик буюмлари шаклан ранг- баранг ва мазмунан бойиб борди. Шунингдек тасвирларда мукаммалик ва бадиийликка ҳам эътибор қаратила борди. Тасвирий санъатнинг кўплаб турлари юзага кела бошлади.

Неолит даври санъатида янада ўзгаришлар бўлиб ўтди. Энди инсоният аввалги даврга нисбатан янада онгли равишда санъат, архитектура ва амалий санъат билан машғул бўла борди.

Неолит даврида тош қуроллари такомиллаштирилиши билан инсоният моддий имкониятлари кенгайди. Бу даврга келиб ёғочдан ясалган уй-жойлар тўғри бурчакли шаклни қабул қилиб, деворлари устунлар ва уларга бириктирилган шоҳ-шаббалар ўримидан иборат эди.

Янги тош даври – неолит даврида меҳнат қуроллари кенг ривожланиши билан ибтидоий жамоа аъзолари дехқончилик ва чорвачилик билан шуғуллана бошлашди. Бу даврда дарёлар ва кўллар устида қозиқ қоқилиб қурилган бинолар тури кенг тарқалган. Бундай турдаги иморатларнинг қурилиши балиқчилик билан шуғулланиш учун яхши шароит яратган. Неолит даврининг сўнги палласида, яъни бронза асрида металлдан тайёрланган ҳар-хил иш қуроллари пайдо бўлди. Худди шу даврда мегалитик қурулмалар ҳам кенг тарқалди. Мегалитик қурулмалар жуда катта тош бўлакларидан қурилан бўлиб, улар ҳар-хил диний удумлар билан боғлиқ

бўлган. Мегалитик қурилмалар асосан уч турга бўлинади: Менгирлар, долменлар ва кромлеҳлар. Уларнинг шакли тамойили ва ўзига хос жихатлари.

Ибтидоий жамоа ривожланишининг сўнги даврларида мудофаа учун мўлжалланган қалъасимон иншоотлар ва ибодатхона вазифасини бажарадиган қурилмалар кенг тарқалади.

Циклопик қалъалар деб номланувчи қурилмалар деворлари катта ўлчамдаги вертикал тошлардан қурилган. Ёғочга бой жойларда эса қалъа деворлари одатда дараҳтлар танасидан ясалган. Одатда қалъалар икки ёки уч қатор деворлар билан ўраб олинган. Неолит даврининг сўнгида дастлабки синфий жамият – қулдорлик тузуми юзага кела бошлади.

**4-илова**

### **Ўтилган дарсни мустаҳкамлаш учун саволлар:**

1. Ибтидоий санъатнинг босқичлари?
2. Палеолит даврининг тасвирий санъат шох намуналарини қайд этинг ва тахлил қилинг?
3. Ибтидоий санъатда етакчилик қилган мавзу?
4. Дастребаки чизиқли тасвир қаердан топилган?
5. Рангли тасвир қачон пайдо бўлди?
6. “Палеолит мадоннаси” хайкалчасига изоҳ киритинг?
7. Суякка ўйиб ишланган кийиклар тасвирини тахлил қилинг?
8. Кулолчилик ва ундаги ўзгаришларни тушунириинг?
9. Архитектура қандай вужудга келган?
10. Ёввойилик даври тураржойлари қандай шаклланган?
11. Мегалитик қурилмалар нима? Долмен, Менгир ва Стонхеджлар.
12. Мехнат куроллари қурилиш жараёнига қандай таъсир кўрсатган?

### **4- мавзу: *Қадимги Миср санъати* ( Қадимги ва Ўрта подшолик санъати)**

#### **МАЪРУЗА РЕЖАСИ:**

1. Қадимги шарқ мустабид давлатлари шаклланиши.
2. Қадимги Миср санъатининг ривожланиш босқичлари.
3. Қадимги Подшолик даврида санъат. Хайкалтарошлиқ.
4. Қадимги Подшолик архитектураси.
5. Ўрта подшолик даврида архитектура ва санъат.

#### **ТАЯНЧ ИБОРАЛАР:**

Кулдорлик, деспотизм, номлар, Нармер, Фиравн, сулолалар, Архаика даври. Қадимги подшолик даври. Ўрта подшолик даври. Маастаба. Пирамида, Эхром. Катта Сфинкс.Рельефлар. Тасвирий канон,рамзийлик, шартлилик, иероглиф,инкрустация, Мумиёлаш, саркофаг,”ёлғон эшик”, кенотаф, Осирис, Исида, Гор, маъбуда Баст, Хатор, Ра, “Тириклар салтанати, Ўликлар салтанати, Кейинги хаётга ишонч эътиқоди, Хеопс, Хефрен, Микерин, Снофру,Жосер,Сенусерт II, Аменемхет III, Протодорийча устун, Шохлар водийси. Дейр эл-Бахри қасри, Мемфис, Фива, Стела,Обелиск, Сфинклар хиёбони. Пилон. Перистил зали. Гипостил зали, Ментухотиб II, Ш мақбараси.

## МАЛЬРУЗА МАТНИ

Ибтидоий жамоа инқирозга учраб, антогонистик қарама – қаршиликларга асосланган қулдорлик жамияти вужудга келди. Энг қадимги қулдорлик давлатлари Миср ва яқин Шарқда вужудга келди.

Инсоният тарихида ер юзида дастлабки цивилизация Африка қитъасининг шимолида Нил дарёси вохасида юзага келди. Хозирги “Арабистон” ва “араблар” нинг авлод аждодлари эрамиздан аввалги 5 мингинчи йилликдан бошлаб, Нил дарёсининг ўнг ва чап соҳилларида яшаб истқомат қилдилар. Нил водийсининг серхосил замини ва сув билан яхши таъминлангани боис, бу ерда энг қадимги инсонлар яшами учун қулай бўлди. Инсониятнинг энг қадимги ва дастлабки цивилизацияси яъни онгли равишда шаклланиш жараёни “Миср” деб аталган заминда юзага келди. “Миср” – “қора тупроқ” маъносини англатиб, мисрликлар ўзларини “қора замин кишилари” деб эълон қилдилар. Миср ерлари олтин ва бошқа металга бой бўлган. Бу ерда хали неолит даврининг сўнггидаёқ дастлабки қулдорлик тузумига асосланган давлат ташкил топди. Эрамиздан аввалги 4 мингинчи йилликда Куйи Миср ҳарбий саркардаси Нармер Юқори Мисрга қарши босқинчилик уруши олиб бориб, 6 минг аскарни мағлуб этиб, ғолиб бўлди. У Миср ерларини бирлаштириб, Марказлашган Миср давлатини барпо этади. Мисрнинг номлар томонидан босиб олиши унинг биринчи инқирозга юз тутишидир. Миср кейинги даврларда тоғлик халқлар, оссурияликлар, эфиоплар томонидан босиб олиниши унинг этник жихатдан кескин ўзгаришига сабаб бўлди. Шунингдек, Миср 332 йилда Александр томонидан бутунлай қўлга киритилиб, эллинистик маданият ва санъат таъсирида бўлаши оламшумул воқеа бўлган.

**Диний эътиқоди.** Қадимги Миср санъати диний эътиқод билан хам боғлик холда ривожланди. Санъатда маъбуллар образини мужассамлаштириш, улар билан боғлик афсоналар хаётий хақиқатга айлантирилди. Мисрликлар даставвал, *Осирис* худосига сифинганлар. Осирис қадимги мисрликлар эътиқоди бўйича тириклиқ, эзгулик ва саховат улашувчи маъбуд бўлиб, у укаси томонидан ўлдириб юборилгандан кейин, шахидлар (ўликлар) салтанатининг хукмдорига айлантирилган. Кейинги даврларда мисрликлар турли хайвон ва жонзорларни илохий хисоблашган. Арслон, мушук, қурбақа, илон, қалхат, сифинишган ва илохийлаштирганлар. **Мушук – маъбуда Баст** жасадини мумиёлаш йўлга қўйилгани шуни кўрсатади, ёки *Арслон* куч-қудрат рамзи саналиб, фиравнларни арслон билан тенглаштириш узоқ йиллар давом этади. **Сфинкс** каби хайкалларда бундай қарашлар ўз ифодасини топган. **Калхат – Гор** худоси саналиб, у ғалаба худоси рамзидир. **Сигир**, ёки **хўкиз** хам хосилдорлик тўкин-сочинлик рамзи сифатида қабул қилинган. Кейинги даврларда Ўрта подшолик давридан бошлаб, **Амон Рага** эътиқод қилиш йўлга қўйилди. Ра қуёш худоси бўлиб, қуёш мисрликлар учун ҳаёт, ва жонланиш рамзи бўлиб, у ерга ўзининг иссиқ нурлари билан ҳаёт ато этади ва инсонларга экин униши хосил етишиши учун хомий ва раҳнамодир. Мисрликлар унга бағишлиб ибодатхоналар

курдилар. Карнак ва Луксордаги Амон Ра ибодатхонаси бунга яққол мисолдир. Фиравн Амехотеп IУ катта диний ислохотни амалга оширади. У Атонга эътиқодни йўлга қўяди. Атон – юмалоқ қуёш демакдир, ўзини Атоннинг ўғли деб эълон қилди. Ахетатон шахрига асос солди.

Қадимги Миср санъатининг ўрганилиши. Қадимги Миср санъатининг эрамиздан олдинги 4 мингинчи йилликдан то 332 йилга қадар босқичмабосқич ривожланди.

1. Сулоларгача бўлган давр ёки **Илк Подшолик** даври; 2. **Қадимги Подшолик**; 3. **Ўрта Подшолик**; 4. **Янги подшолик**: 1. 18-сулолалар санъати 2. Эхнатон ва унинг ворислари даври санъати; 5. **Сўнгги подшолик** санъати.

**Қадимги Подшолик** (эр.ав. ) даври - 4-6-сулола фиравнлари –Снофру, Жосер, Хуфу, Хафра ва Минкауралар даври бўлиб, бу даврда Миср фиравнлари ўзга юртларга босқинчилик уруши олиб боради. Ер ва бойлик учун олиб борилган урушлар натижасида фиравнлик ва Миср давлати бойиб, ижтимоий хаётда фаровонлик хукм суради. Орттирилган бойлик эвазига Мисрда қурилиш ишлари авж олади. Шахарсозлик ривожланди. Фива пойтахт шахар бўлди. Диний ғоя ва қарашлар архитектура иншоатларининг ғоявий ечими ва шакли тамойилига таъсир этди. Шу боис архитектуранинг талайгина қисмини мақбара-дахма ва ибодатхоналар ташкил этган. Фиравнлар ўзларининг мангу ва абадий уйлари бўлмиш мақбара – дахмаларига алоҳида эътибор билан қарадилар. Қадимги мисрликларнинг “Ўлимдан кейинги хаёт”га бўлган қарашлари меъморлик ва тасвирий санъатнинг ривожи ва йўлини белгилаб берди. Фиравнлар мақбара – дахмлари ўзида айнан ўлимдан кейинги хаёт учун мўлжалланган уй бўлди. Улар айни вақтда **пирамида** яъни эхромлар деб аталди. Бу мақбаралар хажм жихатдан маҳобатли тус олди. Бунга ўзга юртлардан келтирилган бойлик ва қуллар кучи орқали эришилди. Бундай баҳайбат пирамидалар лоихасига кичик масрабалар (қабрлар) асос бўлди.

Уларнинг шакли тамойили тўғритурчак шаклга эга бўлиб, пастдан юқори томон кичрайиб борувчи устма -уст ташланган супачалардан иборат. Энг биринчи сулола фиръавнлари «мастаба» деб аталувчи қабрларга дафн этилганлар. Содда мастаба хом ғиштдан тўғри бурчак шаклида қурилган бўлиб, остки қисми 1,80 смга эга. Сирти хом ғишт ва сомон сувоқ қилинган.кейинроқ, мураккаб режали масрабалар юзга келди. бу кейинги хаётга бўлган ишонч орта бориш муносабати билан боғланди. Мастаба остки қисмида бир неча хоналар пайдо бўла борди. Вафот этган фиръавннинг барча буюмлари шу хоналарда сақланган. Мастабаларнинг ер усти пирамида шаклида бўлган, ер ости қисмида эса соғана ва бошқа хоналар жойлашган.

Дастлабки қурилган **Снофру** пирамидаси хом ғиштдан қурилган. Хом ғишт шарқ меъморлигидаги асосий қурилиш хом ашёси бўлган. Кейинроқ, йирик тош бўлаклари (песчанник) қўлланила борди. Саккарадаги - **Жосер** пирамидаси яъни фиравн Жосер мақбара – дахмаси етти масрабани ташкил қиласди. Унинг баландлиги 60 м. асослари эса 109.2 x 121 м. Миср

пирамидаларининг классик нусхаси Гиза яқинида қад кўтартган Фиравнлар-Хуфу, Хафра ва Минкаураларга (Хеопс, Хефрен, Микерин) бағишилаб қурилган мақбараларда ўз ифодасини топди. Бу пирамидалар атрофида уларнинг яқинлари ва оила аъзоларининг мастабалари ҳам ўрин олган. Гиза пирамидалари яхлит мажмуани ташкил қиласи. Улар айни вақтда “Дунёнинг етти мўжизаси” қаторидан ўрин эгаллаган. Миср номлар томонидан босиб олиниши гигант қурилиш ва фиравнлар мақбара қурилишларига якун ясади.

**Тасвирий санъат.** Миср санъатида - архитектура, тасвирий санъат ва хайкалтарошлиқ уйғун ҳолда ривожланди. Тасвирий санъатда асосан, “ўзга дунёга ишонч” ва “ўлган кишининг кейинги хаёти” бош мавзу бўлди. Мисрликлар инсон бу дунёдан кетгандан сўнг, унинг иккинчи хаёти кейинги дунёда давом этади” деган қарашларни илгари сурдилар. Шу боис ўлган кишининг қабрига (мангу уйига) алоҳида эътибор бердилар. Қабрга жасад билан шу инсоннинг хайкалини қўйишни одат қилдилар. Чунки жасад чирийди, хайкал абадий қолади ва иккинчи тана вазифасини ўтайди деб фикр юритдилар. Хайкаллар дафн учун ёки қабр узра қад кўтариб туриши зарур эди. Шу боис миср санъатида хайкалтарошлиқ санъати ривожланди. Хайкалтарошлиқ миср санъатида бошқа санъат турларига нисбатан етакчи ўрин эгаллади. У диний маросим ва дафн этиш билан боғланди. Миср хайкалтарошлигида ўзига хос қоидаларнинг юзага келиши. Бу даврнинг нодир хайкалтарошлиқ намуналари – “Нармер плитаси”, “Катта Сфинкс”, “Фиравн Хефрен ва Жосер хайкаллари”, “Хаттот Кай”, “Қишлоқ оқсоқоли”, “Рахотеп ва Нофрет” хайкаллари”, “Микерин маъбуздлар билан” ва бошқалар. Махобатли бўртма (рельеф) санъати асосан мақбара – дахмаларда ривожланиб, унда ўлимдан кейинги хаёт тушунчалари билан узвий боғланди. Аксарият хайкаллар тинч ўтирган холатда тасвирланган. Бу яна ўлган кишининг кейинги дунёда хаёти тинч ва осуда кечишини англатади.

Тасвирий санъатда каноннинг юзага келиши Миср санъатининг ўзига хос тарзда шаклланиши ва специфилигини кўрсатади. Бўртма ва деворий суратларда инсон тасвирининг “фас” ва “профил” холатда етказилиши кўзга ташланади. Бундай холат Нармер плитаси сиртидаги тасвирлардан бошланиб, кейинги даврда у янада ривожлантирилди.

**Ўрта Подшолик** даврида вақти-вақти билан сиёсий келишмовчиликларнинг авж олиб турди. Миср номлар томонидан босиб олиниши ва уларнинг Ўрта Мисрда қўним топиб, ўз пойтаклари бўлмиш -Фаюм шахрига асос солдилар. Фаюм сув омбори қурилиши бу даврдаги энг йирик ишлардан бири бўлди. Бу давр миср тарихида 11-12 сулолалар бошқариб, фиравн Сенусерт П ва унинг ўғли бошқарди. Тахликали даврда архитектурада маҳобатли қурилмалар қурилишининг сусаяди. Ўрта подшолик сўнгида миср иқтисодий таназзулга учраши монументал архитектурада пирамидалар қурилишининг ихчамлашувига олиб келди. Аммо шакл жихатдан ҳам, масштаби жихатдан ҳам Қадимги Подшолик давридаги пирамидалардан анча кичик ва кам дабдабалик бўлган. Бу даврнинг нодир қурилмалари - Дейр ал

Бахидаги – **Ментухотиблар мақбараси. Аменемхет II –III мақбараси.** Унинг режа ва лоихасидаги ўзгаришлар. Бу даврнинг энг кучли ва иқтидорли меъмори –Имхотепдир. У томонидан Жосер пирамидаси бунёд этилди.

Ўрта Подшолик давр санъати миср санъати ўзига хос тарзда ривожланиб алохиди сахифа очди. Тасвирий санъатда реализм қирралари намоён бўла бошлади. Бу даврда фан ва адабиётда хам маълум ютуқларга эришилди. Тасвирий санъатда қадимги подшолик даври санъатига тақлид қилиш ва канон асосида хайкалтарошлиқ ривожланди, бўртма тасвиirlарда шартлилик кузатилади. Бу даврнинг нодир санъат намуналари:” Сенусерт I боши”, “Аменемхет III нинг сфинкси”, ”Аменемхет боши””, ”Ментухотеп III хайкали” ва хаказо. Деворий суратлар. Уларда “Чўлдаги ов саҳнаси” ва майший, диний мавзуларнинг етакчилиги. Амалий санъат. Ўрта подшолик сўнгидаги сиёсий кескинлик.

### **Ўтилган дарсни мустаҳкамлаш учун саволлар:**

1. Қадимги Мисрнинг географик ва этник таркиби
2. Мисрдаги сиёсий вазият, кескинлик ва инқиз.
3. Миср санъатининг босқичларини қайд этинг?
4. Қадимги подшолик санъатининг ўзига хос хусусиятлари.
5. Тасвирий санъатда канон ва унинг кейинги ривожи хусусида.
6. Миср архитектураси. Мастаблар ва улардаги режалашув.
7. Гиза пирамidalари -“Дунёнинг етти мўжизасининг бири сифатида” иборасига изоҳ беринг?
8. Хеопс энг йирик ва эътиборли пирамида сифатида.
9. Қадимги Подшолик хайкалтарошлиқ намуларини қайд этинг?
10. Миср хайкалтарошлигининг ўзига хос хусусиятлари.
11. Ўрта подшолик давридаги сиёсий нотинчлик ва архитектурадаги ўзгаришлар.
12. Ўрта подшолик даври архитектураси ва бу даврга хос қурилмалардаги ўзгаришлар.
13. Аменемхет ва Ментухотиблар даҳмаларини таҳлил қилинг?
14. Ўрта подшолик даврига хос хайкал ва бўртмаларни таҳлил қилинг?

**5- мавзу:**

**“Қадимги Миср санъати –  
(Янги ва Сўнги подшолик санъати)**

### **МАЪРУЗА РЕЖАСИ:**

- 1.Қадимги Миср - Янги подшолик ва Сўнгги подшолик даврида сиёсий - маънавий хаёт.
- 2.18 -сулолалар даврида архитектура. Карнак ва Луксор қурилиши.
- 3.18-сулолалар санъати. (хайкалтарошлиқ, рангтасвир ва амалий санъат)
- 4.Эхнатон даври ва Ал-Амарна санъати.
- 5.Эхнатон ворислари даврида санъат. Тутанхамон даври санъати.
6. 19- сулолалар санъати. Меъморлик ва тасвирий санъат.

## **7. Сүнгги подшолик даври санъати.**

### **ТАЯНЧ ИБОРАЛАР:**

18-сулолалар, Янги подшолик даври фиравн Яхмес 1, Тутмес, Хатшепсут., Аменхотиб Ш, Аменхотиб 1У, Карнак, Луксор, ярим кояга ишланган мақбаралар. Обелиск, пилон, Колосслар, перестил, гипостил, каскад, пандус, Шохлар водийси. Дейр эл-Бахри қасри. Ибодатхона бўйлама композицияси. Сфинкслар хиёбони. Атон, Эхнатон, Ал -Амарна, Ахетатон, Нефертити, Меритатон, Тутанхамон, Тутанхамон саркофаги ва тахтиравони, Эхнатон боши-быюти. Нефертити бьюсти, Анхисенамон, Декоративизм, “Атонга эътиқод қилаётган Эхнатон” бўртмаси, Пер Рамсес, Рамессеум, Рамсес колосси, Тоҳарка хайкали, Эфиопия маликаси, Мисрнинг сўнгги инқирози.

*З-илова*

### **МАЪРУЗА МАТНИ**

**Янги Подшолик санъати.** Янги подшолик даврига асос солган Фивалик ҳокимлар фиравн Яхмес ва Тутмес 1 18 сулолага асос соладилар. Улар ўз пойттахтларини Фива шаҳрида (Юқори Миср) ташкил этдилар. Улар томонидан чет мамлакатларга олиб борилган босқинчилик урушлари 18 сулола фиравнларининг куч-кудрати ва салоҳиятини ошириб, дабдаба ва хашаматга бўлган талаб-ҳоҳишларини кучайтирги. Бу эса шу даврнинг маданий хаёти ва санъатига бевосита таъсирини ўтказди. Фиръавнларнинг дабдабали саройлари ва оқ суюкларининг серҳашам қасрлари қад кўтаради. Урф-одатлар ўзгарди. Кийиниш ва зеб-зийнатга берилиш, хаддан зиёд ортиқча безакларга ружу қўйиш 18-сулолалар санъатида декоратив тенденциянинг кучайишига сабаб бўлди.

**Архитектура.** 18 сулолалар меъморлиги янгича йўлдан борди. Энди аввалги гигант пирамидалар қурилиши сусайиб, улар ўрнини ўзгача лоиха ва ечимдаги қурилмалар эгаллай бошлади. Бу давр диний-маънавий хаётида Амон Рага эътиқод қилиш кучли бўлгани боис, унга бағишилаб катта ибодатхона қурилди. Карнакда қад кўтарган бу ибодатхона Янги подшолик меъморлигининг энг йирик ва эътиборли расмий бош ибодатхонаси бўлди. Унинг режаси аввалги фиравнлар даҳмаларидан кескин фарқ қилди.

**Карнак ибодатхонаси.** Карнак ибодатхонаси қурилишининг биринчи босқичи. Амон Ра ибодатхонасига бошлаб борувчи узун йўл 1км 200 метрни ташкил қилиб, икки чеккаси сфинкс деб аталувчи мавжудотлар билан гир ўралган. Ибодатхонага кириш вазифасини ўтовчи дарвоза бахайбат **Пилон** кўринишида бўлиб, у қуи қисми кенгроқ трапеция шаклида икки бўлакдан иборат. Унинг қаршисида обелиск ва фиравннинг бахайбат колоссал хайкали қад кўтариб туриши кейинги даврда хам давом этади. Пилон ортида гир айлана пешайвонга ўхшаш тўғри тўртбурчак ховли, ундан кейин **перестил** (коллонадали ховли), ундан сўнг ибодатхонанинг расмий асосий биноси **Гипостил** ўрин олган. бу ибодатхона гипости ва перстиллари бахайбат папирус ва нилуфар гулини кўринишидаги устунлар безатиб туради. Бу устунлар асрлар оша Миср тарихида кечиб ўтган тарихий воқеалар ва фиравнлар олиб борган сиёсати битилган ўзида тош манба бўлиб хизмат қиласди. Карнак ибодатхонасида қўлланилган режалашув кейинги давр қурилмалари учун намуна бўлди. Карнакнинг иккинчи босқичи кейинги

фиравн Аменхотиб Ш даврида кечиб ўтади. Унга яна қўшимча қурилмалар - маъбуда Мутга бағишланган кичик ибодатхона ва тақасимон кўл, ва яна ортиқча перестиллар қўшилиши билан якунланади.

Бу даврнинг яна бир этиборли ибодатхоналаридан **Луксордир**. У хам хажми ва режаси ва композицион ечимининг ажойиблиги билан Карнақдан кейин иккинчи ўринда туради.

18 сулолалар архитектурасининг сўнгига фиравн аёл **Хатшепсут мақбараси** хас энг эътиборли қурилмалардан бир ҳисобланади. У шохлар водийсида Дейр ал Бахрида ажойиб манзарали жойда қад кўтарди. Хатшепсут мақбараси ярим қояга йўниб ишланган қурилмалар турига мансуб бўлиб, у тоғнинг этагида каскадга жойлаштирилиб, композицион ечими ўта оригиналдир. Ибодатхонага узун йўл орқали борилади. Йўлнинг икки томонида баландлиги 10 м. бўлган сфинкслар аллеяси ўрнатилган. Ундан кейин текис яланглик устма-уст (террасалар) жойлашган. Уларга пандуслар(ясама текис қия йўл) орқали чиқилади. Ва нихоят асосий бино – Гипостил қад кўтарган. Гипостидан кейин қоя ичига ўйиб ишланган дахма – бунда маликанинг мумиёланган жасади турадиган жой ўрин олган.

**Хайкалтарошлиқ.** 18 сулолалар санъатида хайкалтарошлиқ асосий ўрин эгаллайди. Бу давр хайкалтарошлигида шу давр фиравнларининг хайкаллари билан бир қаторда июодатхонага мўлжалланган хайкалтарошлиқ ва бўртмалар шу давр тарихи ва хаётидан хикоя қиласи. Хайкалларда ортиқча дабдаба қа хашамдоликка берилиш айниқса 18 сулолалар ссанъатида яққол кўзга ташланади. Бу санъатда декоратив хусусиятларни орта боришидан далолат беради. Хатшепсут мақбара – дахмаси учун 200 яқин хайкаллар ишланган. Уларда Мисрнинг ilk аёл фиравнининг турли хил : фиравн тимсолидаги, сфинкс қиёфасидаги ва аёл образидаги ва бошқа кўплаб хайкаллардир.

**Эхнатон даври.** Фиравн Аменхотиб IVчи Миср тарихида энг эътиборли фиравнлардан бўлиб, у йирик диний-маънавий ислохотни амалга оширади. Шу билан бирга тасвирий санъатда хам. Эхнатон тўғридан тўғри Қуёш гардишига сифинишни йўлга кўяди. уни “Атон” деб, ўзига Атоннинг ўғли –“Эхнатон” деб ном беради. У ўзининг қишлоғи Амарна ўринида ажойиб шахар – Ахетатонни қуради. Бироқ унинг янгича диний ислохоти ўша даврдаги Амон Ра ибодатхонаси кохинлари билан бирга аслзодаларга хам қариши чиқадилар. Бу ислохот Миср тарихида узок вақт давом этмайди. Эхнатон даври санъатида айнан унинг янгича ислохоти яққол кўзга ташланади. Атонга эътиқод қилиш ва у билан боғлиқ диний урф одатлар шу давр миср санъатининг мазмун моҳиятини ташкил қиласи. Эхнатон даври санъати аввалги давр санъатидан кескин фарқ қиласи. Бу давр санъатида хар қандай кононлардан узоқлашиб, тасвирий санъатда Реализм қучаяди. Аввалги яъни хаётий хаққонийлик бу давр санъатининг туб моҳиятини ташкил қиласи. “Атонга сифинаётган Эхнатон оиласи билан”, “Тахтировондаги Эхнатон”, “Тушлик қилаётган фиравн” каби асарлар санъатда реалистик қирраларнинг кучлилигидан далолат беради. Шунингдек,

Ахетатонда яъни Ал-Амарна санъатида хайкалтарошлиқ мактаби юзага келади. Бу мактаб аввалги хайкалторошлиқ мактабларидан реалистик жихатлари билан кескин ажралиб турди. Ал-Амарна санъатидан бизгача етиб келган нодир санъат намуналаридан –“Эхнатоннинг турли хил хайкал бьюстлари”, “Малика Нефертити” ва “Малика Меритатон”, “Тутанхамон бьюсти” ва бошқалар... Эхнатоннинг миср тарихида олиб борган сиёсати пухта ўйланган бўлмагани сабаб, у тез оради инқирозга юз тутади. Унинг ўзли Тутанхамон миср тахтига ўтиради. У Амон Ра ибодатхонаси кохинлари билан яқиндан тил топишиб, яна Рага эътиқод қилиш йўлга кўйилди. Тутанхамон Миср тарихида энг ёш фиравнлардан бир эди. Бироқ унинг ёшлиги ва укуқизлиги давлатни бошқаришда мустақил сиёсат юрита олмасилиги тез оради тахтни қўлдан бой беришига олиб келади. Тутанхамон ва малика Анхисенамон даври санъатидан қолган ёдгорликлар “Тутанхамоннинг олтиндан ясалган саркофаги”, “Тутанхамон хайкали” ва бьюсти, “Малика Анхисенамон” ва хаказо....

Миср тарихида 19 сулолаларнинг боши фиравн Рамсес II билан бошланади. Бу давр санъати хам ўзига хос алохида эътиборга молик давлардандир. Бу даврда архитектура, маҳобатли хайкалтарошлиқ, бўртма ва амалий санъат ривожланди. Бу даврнинг ажойиб меъморий обидаларидан Абу Симбелдаги фиравн **Рамсес II мақбараасидир**. Миср меъморлиги ривожида учинчи тур: бутунлай қояга йўниб ишланган мақбара-дахмаси хисобланади. Унинг кириш порталида Рамсеснинг ўтирган холатдаги баҳайбат колосс хайкаллари қад кўтариб туради ва ўзига хос салобат баҳш этади. Бу мақбара нил бўйида жойлашгани учун емириб бориши шу давр олимларининг дикқат марказида. Айни вактда уни кўчириш ишлари бўлиб ўтган. Рамсес II даври санъатида ўтган миср санъатидаги анъана ва кононлар қайта йўлга кўйилди. Бу даврда Осирис худосига эътиқод қилиш санъатда ўз ифодасини топди. “Рамсес II хайкали”.

Миср тарихида **Сўнгги Подшолик** санъати мураккабдир. Сўнгги подшолик даврида Миср турли халқлар томонидан босиб олиниб, майда деспотик давлатга айланиши санъатда хам мураккабликларни юзага келтирди. Эфиоплар, оссурияликлар ва греклар томонидан босиб олинган Миср ерларида турли анъана ва қарашларни юзага келтириб, тасвирий санъатда хам турли хил анъаналар уйғунлигини кузатилади. Архитектурада Луқсорнинг қайта қурилиш ишлари олиб борилиб, унга катта гипостил заллари кўшилди. Кейинроқ, Александрия шахри қурилиши А.Македонский томонидан эллинистик анъаналарнинг кириб келиши Миср меъморлигига кескин ўзгаришларга сабаб бўлди. Бу давр тасвирий санъатида хам худди шундай хислатлар ўз ифодасини топган. Эфиоплар мирни бошқарган давридан бизгача етиб келган –“Эфиоп шохи хайкали”, Малика Каромама”, греклар давридан кўплаб эллинистик санъат билан уйғунлашган миср хайкалтарошлиқ намуналари миср санъатида улкан ўзгаришлар бўлиб ўтганидан далолат беради. Миср 332 йилда Греклар томонидан босиб олиниши унинг санъатининг хам инқирозга юз тутгандан далолат беради.

## **Ўтилган дарсни мустаҳкамлаш учун саволлар:**

1. Янги подшолик даврида 18 -сулолаларга қайси фиравнлар асос солдилар?
2. 18- сулолалар санъатида қандай ўзгаришлар кузатилади?
3. 18- сулолалар архитектурасида қандай ўзгаришлар бўлди?
4. Карнак ва Луксор ибодатхоналарини тахлил қилинг? уларнинг режаси ва лоихасини тушуниринг?
5. Фиравн Эхнатон даври сиёсий-маънавий ислохотига тафсилот беринг?
6. Ал -Амарна санъатига характеристика ва миср санъатида реализм.
7. Бу даврга оид тасвирий санъат намуналарини қайд этинг?
8. Тутанхамон даври ва бу даврга оид санъат асарлари.
9. Рамсес II даври меъморлиги ва санъатига тафсилот беринг?
10. “Пер Рамсес” ва “Рамессеум”ни тахлил қилинг?
11. Сўнги подшолик архитектурасидаги ишлар.
12. Сўнги подшолик даври санъатидаги мураккабликни тушуниринг?
13. Бу даврга оид санъат асарларини қайд этинг?
14. Миср ва эллинистик санъат уйғунлиги деганда нимани тушинасиз?
15. Александрия шаҳри қурилиш тарихига қисқача тафсилот.
16. Мисрнинг сўнгги инқирозига изох беринг?.

## **6- мавзу: “Қадимги Олд Осиё санъати”**

### **МАЪРУЗА РЕЖАСИ:**

1. Олд Осиё халқлари ва этник таркиби ва тараққиёти.
2. Олд Осиё санъатининг босқичлари.
3. Шумер- санъати. Меъморлик.
4. Аққод санъати. Хайкалтарошлиқ
5. Шумер- Аққод тасвирий ва амалий санъати

### **ТАЯНЧ ИБОРАЛАР:**

Месопотамия,Фрот ва Дажла,Ур, Урук, Жамдот-Наср,Убайд даврлари, Лагаш, Шумер, Аққод, Зиккуратлар, Урдаги зиккурат, Оқ ибодатхона, Вертикал ва горизантал парраклар,хом ғишт, подиум, жанубий ва шимолий мактаб, алебастран ясалган кубок, Гилгамеш, Саргон II боши, Стелалар: Нарамсин ва Хаммурапи стеласи,, муҳрлар, туморлар, нишонлар, Хаммурапи, хеттлар, митанилар, гутийлар, миххат, Полихромия, Шеркаллали бургут тасвири,

### **МАЪРУЗА МАТНИ**

**Эрамиздан аввалги 4 мингинчи йиллик охири ва 3 мингинчи йиллик бошида Икки дарё оралиги халқларининг қадимги санъати.**

Олд Осиё маданиятининг энг қадимгиси ва яхши ўрганилгани Икки дарё оралиги –яъни Месопатамия халқлари маданиятидир. Унинг дастлабки ривожланган босқичи эр.ав. 4 мингинчи аср ва 3 мингинчи асрнинг бошларига тўғри келиб, дастлабки синфий жамият қулдорлик тузумининг қарор топишига тўғри келади.

Мана шу илк даврларда –Убайд, Урук, Жамдот –Наср даврларига бўлиниб, уларнинг номлари хам шу ерлик жойдан келиб чиқади. Бу ерларда катта археологик ишлар олиб борилган.

**Убайд даврида** (эр.ав.4м.йиллик боши) овчилик ва балиқчиликдан –ер хайдаш ва чорвачиликка ўтиш билан характерланса, аср сўнгига –тошдан металга ўтиш билан фарқланади. Археологик қазилмалар шуни қўрсатадики, Убайд даврида энг эътиборлиси, кулолчиликда идишларга жило бериш йашлга қўйилиб, у нозик сарғиш-кўкимтири рангли тупроқдан қўлда ясалаб, сирти геометрик орнамент билан қопланган. Қолган кўп қисми қизғиши жигар рангда бўялиб, одам, усимлик ва хайвонот дунёсининг схематик тарздаги тасвирлари билан ишланган. Бунга ўхшаш кулолчилик буюмлари Яқин Шарқдан, Финикия, Сурия, Эрон ва Ўрта Осиёдан –Анаува Сузадан хам топилган. Сузадан топилган кулолчилик нозик шакли ва камсуқум безалиши билан фарқ қиласи.

**Убайд даври** қурилиш санъати хаддан зиёд примитивлиги (ибтидоча) содда ва оғирлиги билан фарқ қилиб, ахоли айлана ёки тўғри тўртбурчак шаклдаги тўқилган кулбаларда яшаб, унинг тепа қисми боғланиб, атрофи похол билан ўраб чиқилган. Бундай кулбалар иссиқроқ бўлиши учун лой билан сувалган. Сирти суратлар билан безатилган.

**Урук даврида** (эр.ав 4 м.йиллик) кулолчиликнинг янги турлари пайдо бўлди. Идишлар энди кулочилик дастгохларида, у қизил тупроқдан ишланиб, безалиши хам аввалги даврларга қараганда содда. Уларнинг буюмлар аксарияти ўчиб кетган ахволда етиб келган. Бу даврда ишланган буюмларнинг аксарияти узун жўмрак ва қулоқлари хам мавжуд. Сузадан шундай кўринишдаги идишлар топилган.

Бу даврда маҳобатли меъморлик хам ривожланди. Урукдан бир қанча ибодатхона қолдиqlари топилган. Улар ичидаги “**Оқ ибодатхона**” деб ном олган қурилма баланд бўлиб, пойдевори хом ғиштдан кўтарилган. Ибодатхона деворлари оқ рангга бўялгани учун шундай ном олган. Бу бино қурилмасида шундай принциплар хал этилганки, бундай лоиха ва режалашув кейинги Олд Осиё меъморлигига ўз аксини топади. Бунда платформа девори силлиқ бўлмай, девор қисми аввалги кулбалар кўринишини такрорлади. Ибодатхонага асос бўлиб хизмат қилган платформанинг ўзи кейинги давр зиккуратларида ва сарой қурилишида аксини топади.

Урукдан топилган шундай ибодатхона сал бошқачароқ охангда ишланган. Бу маҳобатли қурилма деворлари ярим колоннага ўхшаш ишлок берилиб, тош асосга ўрнатилган. Бино ола-була мозаика билан безатилиб, бу мозаикалар лойдан михга ўхшата ишланган ранглидир. У бинонинг лой билан сувалган юзасига ишланган. Михчалар гиламнусха суратни эслатади. Бу тўқима нақшлардан иборат эски қамишдан ишланган кулбалар деворини безаб турган. Бу иккидарё оралиғи маҳобатли қурилмаларини полихром инкрустация санъатининг энг қадимги намунасиdir.

Бу даврнинг яна бир янгилиги –босма санъати бўлиб, у аввал “амулет”тумор ясашда ишлатилиб, ундан сўнг шахсга тегишли нишонларни ясашда хам қўланилган.

Ёзувнинг йўлга қўйилиши энг мухим ютуқлардан бири бўлди. У пиктографик ёзувлардан иборат бўлди.

**Жамдот-Наср даврида** (эр.ав.4-3м.йилликда) барча соҳада сиёсий – иқтисод ва маданий борада ривожланиш бу давр хаётида тараққиёт бўлганлигидан гувохлик беради. Дехқончилик иррагиацион ишлар билан боғлиқ бўлиб, чорвачилик билан боғлиқ бўлди.

Мехнатнинг тақсимланиши техниканинг ривожи у эса, хунармандчиликнинг ривожига замин яратди. Элатлар орасида алмашинув кечиб ўтиб, бу жараён бутун иккидарё оралиғида кечиб, уни элам, Фарбий Эрон, Шимолий Суря ва бошқа мамлакатлар билан боғлади. Бир вақтнинг ўзида Иккидарё халқларининг табақаланиш ва мулк айирбошлиш жараёни тезлик билан кечиб, бу қуллар меҳнатининг юзага келиши билан яқун топди.

Бу даврда санъатда силжиш кузатилиб, у глиптика санъатида кўрина бошлади. Тошга ўйиб расм солиш, тумор ёки босма (мухр) тамғалар сиртига ихчам бўртмалар ишлаш йўлга қўйилди. Композицияда эркинлик ва манзара элементларининг киритилиши, тасвиrlарда маълум миқёс хаққонийлик ва жонланиш айниқса инсон тасвирида кўриниб, инсонни нафакат бу даврда ,балки бутун Олд Осиё санъатида реал тасвиrlаш кам учрайди. Санъатда жуда катта ижодий эркинлик кузатилиб, техник услубий ютуқлар етуклика эришилгандан далолат беради.

Худди шу вақтда хайкалторошлиқда бўртма (релеф) санъати хам хали ўта содда примитив шаклларда пайдо бўлиб, бу санъат(персонажи с перями)деб ном олди. Фигуралар хали бу даврда яхши ишланмай улар пластикликдан холи бўлиб, қиррадор. Айнан мана шу даврда хайкал – бўртмаларда кейинги давр санъатига хос канонлашган чизгиларни кузатиш мумкин. У асосан инсон фигураси талқин этишда кўзга ташланиб бунда –бош. оёқ –профиль, тана қисми –фас холатда тасвиrlанди. Худди шундай белгилар юз қисмини ифодалашда хам кўриниб, узун бурунлар, катта-катта ола кула кўзларда кейинроқ, қўллар хам юқорига оғизгача кўтарилиб, бундай холат унинг худо олдида доим тайёр турганини билдирган.

Жамдот- Наср даврида кўп фигурали композициялар хам етиб келган. Урукдан топилган алебастрандай ишланган ваза сиртига ишланган ўйма тасвиrlарда мавзуни хикоянависона яъни давомий етказилиши билан эътиборлидир. Бу композиция фризсимон шаклда яъни чизиқлар билан ажратилиб гардишга солинган. Вазанинг қорин қисмида мавзу гир айлана кетма-кет давом этади. Бу принцип 1 асрдан кейин бутун Олд Осиё санъатида давом эттирилади.

Бу даврда юмалоқ хайкалторошлиқ хам ривожланди. Урукдан топилган аёл боши бунга яққол мисол..

**Эрамиздан ав. 27-25 асрларда Шумер санъати.** Эрамиздан аввалги 3 мингинчи йиллар бошида синфий келишмовчиликларнинг орта бориши

иккидарй оралиғида хали ибтидоий жамоа қолдиқлари сақланиб қолган бўлсада. Бу даврда дастлабки унча катта бўлмаган қулдорлик давлати ташкил топишига олиб келди.

Даставвал, бундай қулдорлик давлатларига маълум шахарлар кириб, улар ибодатхона аторофида жойлашиб қарор топди. Улар ўртасида тинимсиз аёвсиз урушлар бўлиб, бу уруш хосилдор ерлар қуллар ва моллар баъзан ирригацион сув сугоришга мўлжалланган каналларни эгаллаш учун хам бўлиб турди.

Энг аввал иккидарё оралигининг жанубида, шумерийлар шахар давлати – Ур, Урук, Лагаш ва бошқа давлатлар юзага келиб, кейинроқ, иқтисодий сабаблар янада йирик давлатларнинг ташкил топиб, уларнинг бирлашувига олиб келди. Бунга харбий юришлар орқали эришилди. З м.чи йилликнинг 2чи ярмида шимолда-- Аккад давлати ташкил топиб, унинг хукмдори Саргон 1 бўлиб, у Шумер-Аққод давлатини барпо этади. Саргон 1 қулдорлардан бўлиб, аққод давридан бери золим хукмдорлигини қилиб, ўз халқини эзган. Саргон тарихда шарқнинг деспотик подшоси сифатида донг таратиб, шарқ деспотизми давлатни бошқаришнинг бирдан -бир таянчи бўлган деспотик давлатда хукмдорни илохийлаштириш ва уни кўкларга кўтариб унга сифингалар.

Иккидарё оралиғи халқлари эътиқодида табиий кучлар ва жониворларга сифиниш асосий рол ўйнайди. Илоҳлар инсон ёки хайвон қиёфасида : масалан кучли хайвон –буқа ёки қўтос ва шерга қиёслаш уни шу маҳлуққа ўхшата хар нарсага қодир ёки қудратли кучга эгалигидан далолат беради.

Бу даврда иккидаарё оралигининг қудратли тузуми даврига хос санъати ўзига хос чизгиси ва характери барқарорлашди. Бу даврда меъморлик санъати етакчи рол ўйнади. Меъморликда ибодатхона ва сарой қурилиши авж олди. Улар рангтасвир ва хайкалторошлиқ асарлари билан безатилди. Жанговар юришларга мўлжалланган шумерий давлатларида меъморлик қалъага хос кўринишга эга бўлиб, бунга бизгача етиб келган шахар ва мудофаа деворлари ва минорага эга мустахкам дарвозалари гувохлик беради.

Иккидарё оралиғи қурилмаларида асосий қурилиш материали-бу *хом гиши* бўлди. Пишган ғиши кейинроқ пайдо бўлиб жуда кам ишлатилган. Эр.ав. 4м.чи йилларда маҳобатди меъморликда лоиха ва режалашув ўзига хос тарзда бўлди. *Ясама баланд платформани* қўллаш шуни кўрсатадики, биринчидан бино хар тарафлама кўришга қулай бўлса, бошқа жихатдан уни намгарчиликдан сақлайди. Қурилмалардаги яна бир ўзига хослик – бу бино деворини *бўлакларга ажратиши* қадимдан одат тусига кирди. Натижада девор юзасида бўртиқлар хосил бўлди. Дераза дарча юқори қисмида жойлашиб, у узун тирқишига ўхшайди. Бино яна эшик ва томдаги ёриқ орқали хам ёритилган. Том ёпиш усули содда бўлиб, асосан, текис том ёпиш кенг қўлланилиб, баъзан равоқ хам қўлланилди. Шумернинг жанубий қисмида қазиш ишлари олиб борилганда яшаш учун мўлжалланган уйлар ички очик ховлига эга бўлиб, унинг атрофи гир айлана усти ёпиқ уйлар билан ўралган.

Бундай лоихалаш мамлакатнинг иқлими билан боғлиқ бўлиб, иккидарё оралиғи жанубидаги сарой қурилишида хам ўз аксини топди.

Шумернинг шимолида шундай уйлар топилдики, уларда очик ховли ўрнида усти ёпиқ берк хона марказлашган усти берк хонаси билан алмашинган. Одамлар яшайдиган уйлар баъзан 2 қаватли бўлиб, кўча томонга қаратса қурилган атрофи девор билан ўраб чиқилган. Бундай режалашув шарқнинг кўплаб шахарларида учратиш мумкин.

Эр.ав. З мингинчи йилларда Шумер шахарларидағи қадимий ибодатхоналар қандай бўлгани хақида Эл-Обайддан топилган(эр.ав. 2600 м.й.) ибодатхона харобалари тассаввур қилишга имкон беради. Бу ибодатхона хосилдорлик маъбудаси Нин –Хурсагга бағишилаб қурилган. Қайта таъмирлаш ишларида ибодатхона баланд тепаликда платформага асосланиб, майдони 32x25 метрни ташкил қилиб зич қилиб босилган тупроқдан янъи сунъий тепалик хосил қилинган. Ибодатхона ва платформа девори қадимги шумер анъана сига қўра вертикал бўртиқларга ажратилган. Бундан ташқари платформанинг таянч деворларининг пастки қисми қора сақич билан қопланган.вертикал ва горизонтал бўлаклар ибодатхонанинг деворларида хам тақрорланиб, ўзига хос ритмни хосил қиласди. Бу ердаги девордаги вертикал боғланишлар горизонтал холдаги фриз –лента билан бўлинган.

Бинони безатища илк марта бўртма ва хайкалторошлик қўлланилган. Бинога кираверишда ён томонларда шер хайкали қадимги даврлардан қолган Эл- Убайддаги бошқа хайкаллар каби ёғочдан ишланиб сирти битум билан қопланган. Худди мисдан ўйиб ясалганга ўхшаш таасурот қолдириб, осилган тиллари, инкрустацияланган кўзлари рангли тошдан ишланиб, бу эса хайкалга янада жозиба бағишлийди.

Девордан сал чеккароқда бўртиқлар орасидаги ўйиқларда харакатланаётган буқанинг мисдан ишланган хайкалчаси ўрин олган. Девор юзасининг юқори қисмида оралиғи унча узоқ бўлмаган жойда учта фриз безаб турибди. Мисдан ясалган ётган буқа хайкали горрелеф тарзида ишланиб, бундан ташқари 2та мозаикага ўхшаш яссироқ бўртмалар хам мавжуд бўлиб, у қора пластинкага оқ рангли перламутр билан ишланган.Шундай оснода ранглар гаммаси мисоли яралиб у платформанинг ранги билан уйғунлашиб кетади.

зиёрат қилиш учун келганлар бўлса, бошқасида—айлана хосил қилган муқаддас қуш ва хайвонлар тасвириланади.

Инкрустация техникаси фасаддаги колонокка ишлов беришда қўлланилиб, улардан бири чиғаноқ ёки перламутр рангли тош билан безатилган. Бошқаси – металл пластинка ва ёғоч асосга бошчаси рангли михлар билан безатилган.

Ибодатхонага кириш қисмининг юқорисида мисдан ясалган горрелеф мукаммаллиги билан эътиборни тортиб, секин аста у юмалоқ хайкалга ўхшаш таъсурот қолдиради.Унда шеркаллали бургут кийикка хамла қилаётгани тасвириланади. Бу композиция унча катта бўлмаган вариантларда

эрамиздан аввалги 3 мингинчи йилликда кўплаб санъат асарларида қайта такрорланади. Энтемена хукмдорининг кумушдан ясалган вазасида; тош ва битумдан қилинган вотивний” пластиналарда, хаттохи Нин-Хурсаг маъбудасининг тамғасини (эмблемаси) безатгандир. Бўртманинг ўзига хос жихати унинг аниқ симметрик гералдик композицияси бўлиб, кейинроқ, Олд Осиё бўртма санъатидаги характерли белгига айланди.

Шумерликлар томонидан зиккуратлар дунёга келди. У тоат ибодатга мўлжалланган ўзига хос қурилма бўлиб, минг йиллар давомида Олд Осиё меъморлигида асосий ўрин эгаллади. Зиккурат -шу жой, шу ерлик маъбудасига бағишланган муфаддас қурилма бўлиб, у хом ғиштдан ишланиб, баланд зинапоясимон минорага ўхшаш бўлиб, унинг энг юқори баланд қисмида “илоҳларининг уйи” ёки кошонаси деб номланган унча катта бўлмаган қурилма безаб туради.

Зиккуратлар ичидаги энг яхши холда сақлангани Урдаги зиккурат бўлиб, у эр.ав. 22-21 асрла мобайнида қурилган. Бу зиккурат кўп марта қайта таъмирланган. У учта бақувват минорадан ташкил топиб, устма-уст ташланган тўғритўртбурчак асосли террасалардан иборат. Атрофи кўкаламзорлаштирилган террасалар тўрт тарафдан зинапоялар орқали бирлаштирилган. Қуйи қисми тўғри тўртбурчак асосга эга бўлиб, томонлари—65x 43 мга тенг.бинонинг умумий баландлиги ўз автда 21 метга яқин бўлиб, бу айни вақтда 5 қаватли бино билан тенглашади.

Зиккуратларнинг ички макони кенг бўлмай. Улар унча катта бўлмаган хоналардан иборат. Урдаги зиккурат миноралари турли рангда – қуий қисми –қора рангда битум билан қопланган; ўртадагиси – қизил ғиштнинг табиий рангидан; юқори қисми – маъбуд учун мўлжалланган қисми –диний маросим учун мўлжалланиб, айни вақтда обсерватория вазифасини ўтаган шакли тоамойиининг содалиги улуғворлиги ва пропорциясининг лўндалиги билан зиккуратларнинг бошқа қурилмалардан ажратиб турувчи хусусиятидир. Зиккуратлар маҳобатли ечими билан миср эхромларидан қолишмайди.

Пластик санъат эр.ав 3 мингинчи йиликнинг ўртасида майдага пластиканинг сероблиги билан характерланади. Уларнинг аксарияти диний маросимлар учун мўлжалланиб, улар хали ўта ибтидоча (примитив) кўринишга эга. Қадимги Шумернинг турли жойли марказларда хайкалторошлиқ бир-биридан кескин фарқ фарқ қиласи. Уларни асосан икки гурухга – жанубий ва шимолий мактабларга ажратиш мумкин. Иккидарё оралигининг жанубий қисмида – Ур, Лагаш ва бошқаларда хайкалларнинг аксарияти тош блокка ўхшаш таассурот қолдириб, уларни ўзар боғланмаганлиги ва майдага деталларни енгил -елпи ишланганлиги билан характерланади. Хайкалларнинг аксарияти паст бўйли кисқа фигурали хайкаллар бўлиб, уларнинг характерли белгиси –узун тумшуксимон бурун, ола кула катта кўзлар ажратиб кўрсатади.

**Аққод санъати** Эр.ав. 24 -асрда семитлар шахри бўлган Аққод қад кўтариб, у ўз қўл остида иккидарё оралигининг катта қисмини бирлаштиради. Мамлакатни бирлаштириш учун бўлиб ўйган жанглар кенг

ахолини қўзгатиб, ва бу қўзголиш прогрессив ахамиятга эга бўлди. Иккидарё оралиғи халқларининг кўчиши ёки ўзаро киришуви хўжаликнинг ривожига хамин яратиб, сув сугориш тармоқларини ташкил қилишда зарур бўлди.

Эр.ав. 24-23-асрларда Аққод подшолиги санъатида реалистик тенденциялар ривожланди. Бу даврнинг энг нодир санъат асасларидан Шоҳ Нарамсининг ғалаба стеласи киради.

Нарамсин стеласининг баландлиги 2-метрга teng. У қизил қумтош (песчанник) дан ишланган. Унда шоҳ Нарамсиннинг тоғлик қабилалар устидан эришган ҳфалабаси хикоя қилинади. Бу стеланинг янгича сифати ва унга қадар мавжуд стелалардан фарқи ундаги композициясининг яхлитлиги ва аниқлиги билан аввалги Эннатум стеласидан ажратиб туради. Масалан бу стелада тасвирларни ажратиб турувчи белбоғлар йўқ. Номалум мусаввир композитцяда диагонал қуриш усулидан фойдаланиб, жангчиларни тоқقا кўтарилаётганини тасвирлайди. Бутун бўртма юзасида фигуralарни усталик билан жойлаштириб, мақон ва унда харакатни яратишга муваффақ бўлган. Шу билан бирга композицияни умумлаштиришда манзарани қўллади. Бўртмадаги қоялар тўлқинсимон чизиқларда берилиб, бир қанча дараҳталар эса ўрмонзор эканидан далолат беради. Инсон фигурасинининг талқинида эса реализм кучли хис қилинади. Бу эса Нарамсиннинг тасвирида кўзга ташланади. Унинг калта чопони (туника) янгича нусхадаги уст-боши тагидан сезилиб турган яланғоч танасининг мушаклари шундоқ сезилиб турибди. Тана нисбатлари қўл, оёқ ва елкалар қадимги шумер тасвирларига қараганда тўғри моделлаштирилган.

Композицияда воқеанинг рўй бериши хам ажойиб тарзда ечилади. Бунда Нарамсиннинг кучли, бақувват жангчилари тоқقا томон отланаётгани билан душманнинг мағлуб бўлган пастга қараб тушиб келаётган аскарлари бир-бирига қарама-қарши қўйилган. Найза зарбидан яралangan жангчининг холатини етказиш хам ишонарли талқин этилган. Бундай хислатлар иккидарё оралиғи санъатида аввал кузатилмаган. Бўртмада инсон жуссасининг хажм ва шаклини тўғри олишга бўлган интилиш хам янгича қарашлардан далолат беради. Бироқ, елка қисмининг бурилиш холати, калла ва оёқнинг профил берилиши шунингдек, шоҳ ва аскарларнинг турли ўлчамларда берилиши хали аввалгидек канонлашганлигича қолган.

Бу давр Аққод санъатида юмалоқ хайкал хам ривожланганлигидан – Ниневиядан топилган – мисдан ясалган калла ёки аққод сулоласининг асосчиси -- Саргон боши деб номласа хам бўлади. Ушбу хайкал қиёфасидаги жиддий- суронлилик билан жохиллик, умуман таъсирли ва характерли портрет чизгилар ва майда деталларга эътибор қилиниши нарамсин стеласининг яратган аққод усталари ишларига яқинлик сезилади.

Аққод даври санъатида босма санъатидаги бош мавзу Гилгамеш ва унинг қаҳромонликлари асосийлигича қолади. Худди шундай мавзу ва хислатлар маҳобатли бўртмаларда хам давом этади. Аққод хайкалторошлари инсон жуссасини симметрик жойлаштиришдан хали хам воз кечмайдилар. Композицияда лўндалик бахш этиб, характеристни хам табиийлаштиришга

интилдилар. Инсон ва хайвонлар жуссаси хажмдор етказилиб, уларнинг мушаклари бўрттириброк қўрсатилди. Шунингдек, манзара элементлар хам қўлланийди.

**Эр.ав.23 -21-асрларда Шумер санъати.** Эр.ав 3 мингинчи йилликнинг 2чи ярмида Иккидарё оралиғида тоғлик гуттийлар қабиласи хужум қилиб, Аққод давлатини қўлга киритади. Иккидарё оралиғида гуттийларнинг хукмронлиги бир асрга яқин давом этади. Шумернинг жанубидаги шахарлар бу урушдан камроқ азият чекди.

Ташки савдо - сотик ишлари билан боғлиқ янгича юксалиш бир неча қадимиш шахарлар ичиде Лагашни четда қолдирмади. Бу даврда лагашнинг хукмдори Гудеа бўлиб, у хокимиятни мустақиллигини сақлашга харакат қилган. Ўзга халқлар билан ўзаро яқин алоқалар ўрнатиш ва улар маданияти билан яқиндан танишув бу давр санъатининг ривожида катта ахамиятга эга бўлди.

Қадимги шумер санъатини билиш ва ўрганишда бизгача етиб келган ёзма манбалар миххатлар орқали меъморий обидалар ва санъат асарлари тўғрисида фикр мулоҳаза юритишга имкон беради.

Гудеа асосан ўзининг қурилиш ишлари ва бунёдкорлик фаолияти билан бирга, қадимиш меъморий обидаларни авайлаб асраш ва уларни тиклаш ишлари билан донг таратган. Бироқ, бу даврдан қолган меъморий обидалар бизгача кам етиб келган. Гудеа давридан бадиий маданий хаёт юқори даражага эганлиги энг аввал маҳобатли хайкалторошлик санъатида қўринади. Бу даврдан Гудеанинг хайкали бошқаларга нисбатан яхши холда етиб келган. Хайкалларнинг аксарияти маъбулларга бағишлиланган ибодатхоналарга мўлжалланган. Шу боис уларнинг аксарияти тоат-ибодатга мўлжалланиб, уларда анъанавий бўлган турғун қоидалашув қўзга ташланади. Шу билан бирга Гудеа хайкалида шумер санъатидаги катта ўзгаришларлар аниқ акс этиб, аққод даври санъатига хос кўплаб хислатларни хам ўзига сингдирган. Бизгача етиб келган Гудеа хайкали яхши холда сақланиб. У ўтирган холда тасвирланади. Хайкалда шумер-аққод санъатига хос ўхшаш жихатлар, тош бўлакни янгича ўзига хос боғланмаслиги, яланғоч тананинг майинроқ моделлаштириш, илк марта кийимдаги бурмаларни кўрсатишга харакат қилиш ушбу хайкалда эришилган ютуғдир. Хайкалнинг пастки қисми тош асос билан киришиб, у худди ғилофни эслатади. Унинг остида тана умуман сезилмай, бу жой баъзан ёзув ёзиш учун қулай жойдир. Хайкалнинг юқори қисми эса, бутунлай бошқача охангда ишланган. Гудеанинг кенг елкаси, қўл ва қўкрак қисми яхши ишланган. Елкаси узра ташланган мато енгил бурма хосил қилиб у тирсак ва бармоқларигача тушади. Яланғоч тана ва кийимдаги бурмаларни етказиш ўуни кўрсатадики, аввалги хайкалторошларга қараганда бу хайкалда пластик жихатларга эътибор кучайганинидан далолат беради.

Гудеанинг бош хайкали ўта эътиборлидир. Унинг юз қисмида портретга хос чизгиларни етказига интилиш кучли. Унинг қоп-қора қуюқ

қошлари бўртиқ яноклари қиррадор чуқур дахани бўрттириб ишланган. Шу билан бирга кучли ва ёш Гудеа қиёфаси умумлашма холда етказилган.

Эр.ав 21-32 йилликларда Гуттийлар қувғин қилингандан сўнг, иккидарёоралиги устидан хукмронлик Ур шахрига ўтиб. Бу вақтларда Ур шахрида Ш- сулола хукumatни бошқараётган эди. Ур Аққоддан кейин мамлакатни бирлаштиришга харакат қилган шахарлардан бири бўлди. У кудратли шумер- аққод давлатини ташкил қилиб, дунёга устунлик қилишга даъво қиласкан эди.

Гудеа хукмронлиги вақтида ва Урнинг Ш сулола хукumatни бошқарганда шундай ажойиб санъат асарлари дунёга келди. Шундайлардан; оқ мармардан ишланган аёл боши хайкалидир. Унда хайкалторошнинг нозик- нафислик сари интилишлари шаклни майин пластик етказишда, кўз ва соchlар талқинида кўринади. Аёл бошининг кўзлари инкрустацияланган ляпис –лазур билан. Бу билан хайкалторош уни жонлантиришга харакат қилган. Шу билан бирга хайкалдаги майин юз қиёфасидаги таъсирили кўкимтири кўзлари реалистик элементларнинг кучайишидан далолат беради. Бу аёл бўсти шумер санъатининг юқори даражали санъат асарлари қаторидан ўрин олган.

Урнинг Ш сулолалар даврига хос санъат асарларидан –“босма нусхадаги цилиндрлар”хам бизгача етиб келган. Цилиндрлар сиртига ишланган бўртмаларда деспотик давлатнинг кучайиши, подшо хукumatини кўкларга кўтариш каби мавзулар илгари сурилди. Иерархиянинг ривожи натижасида санъатда жиддий қоидаларнинг келиб чиқишига олиб келди ва маълум бир қоидага асосланган санъат ривожланди. Кейинроқ булар бобил глиптика санъатида ўз аксини топди. Уларда мавзуларнинг чекланиши ва бўртмаларга нисбатан хунармандларча ёндошиш кузатилади. “Стандарт” композицияларда илохларга сажда қилиш мавзуси қайта- қайта тақрорланади.

4-илова

### **Ўтилган дарсни мустаҳкамлаш учун саволлар:**

1. Олд Осиё халқлари ва элатлари этник таркибини тушунтиринг?
2. Олд Осиё –Иккидарё оралиги санъатининг босқичлари.
3. Шумер меъморлигига тариф беринг? Зиккуратлар ва уларнинг вазифаси.
4. Шумер-Аққод архитектураси ва унда эришилган ютуқлар.
5. Шумер хайкалтарошлиги намуналарини қайд этинг?
6. Жанубий ва шимолий худуд хайкалтарошлигининг бири -биридан фарқи.
7. Шумер –Аққод санъатидаги мавзу ва композицион ўзига хослик.
8. Мухрлар, нишон ва белгиларга изоҳ беринг?
9. Гилгамеш хақидаги афсонанинг кейинги давр санъатидаги роли.
10. Шумер –Аккод санъатининг кейинги Иккидарё оралиги халқлари санъатига таъсирини тушунтиринг?

### **МАЪРУЗА РЕЖАСИ:**

1. Қадимги Ашшур давлатининг ташкил топиши.
2. Оссурия меъморлиги.

- 3. Хайкалтарошлик ва амалий санъат.**
- 4. Қадимги Бобил санъати. Тасвирий ва амалий санъат.**
- 5. Янги Бобил санъати. Архитектура.**
- 6. Янги Бобил тасвирий санъати.**

### **ТАЯНЧ ИБОРАЛАР:**

Месопотамия, Дур-Шаруккин қасри. Ашшурбанапал, Ашшурнасирапал, Шеду, Полихромия.Халаф, Набопалассар, мабуда Иштар, Мардук, Бобил дарвозаси, Жараёнлар йўли, Бобил минораси.Этименянка, Эсағила, Осма боғлар, Бобил мудофаа деворлари.

### **МАЪРУЗА МАТНИ**

Олд Осиё –Иккидарё оралиғи Қадимги дунё маданияти ривожланган марказлардан биридир. Эрамиздан олдинги VI-IV минг йилликларда Иккидарё орлиғида яъни Тигр ва Ефрат дарёси оралиғида, Эрон тоғлари билан чегараланган ҳудудларда бир неча қулдорлик давлатлари ривожланди.–Ур, Лагаш, Жамдот Наср, Урук каби энг қадимий дастлабки шахар –давлтлар юзага келди. Иккидарё оралиғи санъатининг энг қадимгиси ва фанда юосифчларга ажратиш шу шахарлар номи билан боғланади. Шунингдек, хозирги Иккидарё оралиғида энг қадимий деспотик қулдорлик жамияти хам қарор топди. Шумер, Аққод, Бобил, Оссурия, хетт ва Митанилар давлати хам қрор топиб, уларнинг ўзига хос санъати ва меъморлиги ривожланди.

Эрамиздан олдинги 7-9-асрларда қадимги Ашшур давлати хукм сурди ва ўзига хос тарихий тараққиётини бошидан кечирди. Оссурия шаҳарлари қиёфаларида ибодатхоналар алоҳида ажралиб туради. Ассириядаги энг катта ва маҳобатли бино Ану ва Адат худолари ибодатхонасидир.Ибодатхона асосан икки баланд зиккуратларидан ҳамда Ану ва Адат худолари саждагоҳидан иборат. Зиккуратлар пойдевори ва ташқи қисми эса хом ғишт ва тупроқ билан тўлдирилган. Ибодатхона хоналари ҳам одатда хом ғиштдан курилиб, том ёпмаси ровоқ ва гумбазлардан бажарилган, чунки ёғоч бу ерларда танқис бўлган. Ёғоч ашёлари камчилиги Қадимий Мисопотамия ва Эронда ровоқли ва гумбазли қурулмалар кенг тарқалишининг асосий сабабларидан ҳисобланади. Гумбаз ва ровоқлар ўлчамлари мисли кўрилмаган даражада катталашади ва хилма-хил шаклларда бажарилади. Учинчи асрдан бошлаб тарҳ тузилишида квадрат шакил биноларни гумбаз билан ёпиш техникаси ривожланади. Қадимги Эрон архитектураси ютуқлари, шунингдек, устунли қурилмалар кенг ишлатиши билан ҳам боғлиқ эди.

Олд Осиё архитектураси Қадимги Миср архитектурасидан кескин фарқ қиласи, чунки бу ерларда мавжуд қурилиш хом ашёлари Мисрда мавжуд хом ашёларга ўхшамас эди. Яқин Шарқ маданий ўчоғи бўлмиш Месопатамияда асосий хом ашё сифатида лойдан тайёрланган хом ғиштдан фойдаланилган. Бу жойларда тош маабалари бўлмаган. Бинолар усти асосан ёғоч конструкциялари ёрдамида ёпилган.

Ашшурбанапал ва Ашшурнасирапал даврида санъат ва архитектура ривожланди. Бу даврнинг нодир меъморий обидаларидан Дур Шаррукен

саройидир. Бу сарой археологик қазишиш ишларида топилган бўлиб, унинг ўзига хос режа ва лоихаси билан эътиборлидир. Ундаги хайкалтарошлиқ намуналари билан бирга маҳобатли деворий суратлар, маҳобатли бўртмалар ишланиш даражасининг етуклиги ва юқори бадиий савияси билан лол қолдиради. Қадимги Оссурия хайкалтарошлигининг энг нодир намуналари – Ашшурбанапал ва Ашшурнасирапал даврига оид бўртмалардир. Бу бўртма сарой интерьери деворининг қуи қисмига ишланган. Унинг хажми 600 кв метрни ташкил қиласи. Ишланиш сифати ва даражаси юқори бадиий ечими билан хозирги давр бўртмаларидан қолишмайди. Уларда Хукмдорлар олиб борган жанг воқелари ва ов мавзуси етакчилик қиласи. Подшолар образинин илгари суриш ва тасвиirlарда уларнинг жусслари бошқаларга нисбатан йирикроқ ўлчамда берилиши билан миср санъатига яқиндир. Даврнинг нодир санъат асарлари- “Шеду хайкали”, “Ашшурбанапал ва Ашшурнасирапал саройи бўртмалари” ва хаказо. Оссурия Хайкалтарошлиқда ўтган Бобил ва Митанилар санъатига тақлид қилиш қузатилади.

**Янги Бобил санъати (эр.ав.7- 6 асрлар)** 612 -йилда Оссурия пойтахти Ниневиянинг Бобил шохи Набопалассар томонидан қўлга киритилади. Бу даврда Бобилнинг Олд Осиёда йирик сиёсий ва савдо -сотиқ марказларидан бирига айланади . Навуходоносор Янги Бобилнинг энг кўзга кўринган давлат арбоби сифатида тарихда ўчмас из қолдириди. (эр.ав. 604 -562 йй) **Янги Бобил Меъморлиги.** Навуходоносорнинг Янги Бобилда қайта қуриш ишларини бошлаб юборади. Унинг шахарсозлик ва ирригацион соҳаларда олиб борган ишлари тўғрисида грек тарихчи ва файласуфлари : Геродот, Диодор ва Страбонларнинг фикрлари. Бу даврда меъморликнинг етакчи ўриндалиги. Давлат ҳокимияти ва диний бошқарув бир-биридан ажralmas тузилмага айланганлиги сабабли маҳобатли иншоотлар таркиби ва топиниш қурулмаларидан иборат эди. Бундай диний маъмурий иншоотлар баланд деворлар билан ўралган бўлиб, шаҳарлар ҳудудлари ҳам қалъя деворлари ва мудофаа иншоотлари билан мустаҳкамланган.

Шаҳар марказида баланд деворлар билан ўралган диний –маъмурий мажмуа барпо этилади ва улкан зиккурат қурилади. Бу зиккурат зинапоясимон пирамида шаклида бўлиб, умумий баландлиги 90 м, асосий томонлари узунлиги 60 метр эди. Бобил шахрида турли кўринишдаги қурилмалар ривожланди. Унинг ташқи ва ички мудофаа деворлари. Унинг мудофаа деворлари 8 та кириш дарвозаларига эга бўлди. Ушбу дарвозаларнинг турли маъбудларга бағишилаб қурилганилиги. “Жараёнлар йўли”, “Бобилнинг Иштар дарвозаси”. Ундаги тасвиirlар ва технология. “Эсагила” ва “Этименянка”. Бобил осма боғлари, Асосий кириш “Иштар дарвозаси” ва ундаги декоратив тасвиirlар. Мардук маъбудига аталган “Бобил минораси” Бобилнинг бош ва расмий ибодатхонаси ва у хақидаги ривоятлар. Унинг сақланмаганлиги. Новуходоносор II саройи. Унинг баланд платформага эгалиги, мураккаб инженерлик лохаси ва декоратив безаклари. Хайкалтарошлиқ. Бобил санъатининг декоратив охангдалиги Амалий санъат. Босма санъати. майолика ва бошқалар. Бобилнинг инқизори.

## **Ўтилган дарсни мустаҳкамлаш учун саволлар:**

1. Қадимги Ашшур ва Бобил халқларининг этник таркибини тушунтиринг?
2. Оссурия санъатининг ўзига хос жихатлари.
3. Оссурия архитектурасининг ўзига хос хусусиятлари. Дур-Шаррукен саройини тахлил қилинг?
4. Ашшурбанипал ва Ашшурнасирапал саройи бўртмаларини тахлил қилинг?
5. Қадимги Бобил санъатига оид намуналарни қайд этинг ва шархланг?
6. Хаммурапи стеласи ва Хаммурапи хайкали.
7. Янги Бобил архитектураси. Бобил шахарсозлиги.
8. Бобилдаги “Эсагила” ва “Этименянка” сўзга изоҳ киритинг?
9. Жараёнлар йўли, ибодатхоналар, Бобил дарвозалари ва мудофаа деворлари.
10. Бобилнинг “Осма боғ”ларининг етти мўжизанинг бири сифатида қабул қилинишига изоҳ киритинг?

## **8- мавзу- Ахамонийлар ва Урарту санъати**

*1-илова*

### **МАЪРУЗА РЕЖАСИ:**

- 1. Ахамонийлар давлатининг ташкил топиши.**
- 2. Ахамонийлар санъати. Архитектура.**
- 3. Хайкалтарошлиқ ва амалий санъат**
- 4. Урарту санъати. Архитектура ва тасвирий санъат.**

*2-илова*

### **ТАЯНЧ СЎЗЛАР**

Сосониялар даври. Ахамонийлар даври. Кир П, Персепол қасри. Доро, Ксеркс, Артаксеркс П, Пропилей, Ападана зали. “Барча мамлакат эшиклари” Тахчара, Гумбаз ва равоқлар. Урарту. “Барча мамлакатлар дарвозаси, Ахурамазда, Шеду, Доро, Элам,

*3-илова*

### **МАЪРУЗА МАТНИ**

(эр.ав 6 аср ўртаеъдан то 330 йилликка қадар)

Қадимги эрон тоғлиқ худудлар оралиғида жойлашганлиги билан Олд Осиёдан кескин ажralиб турган. Бироқ, эр.ав. 4 – 3 мингингич йиллиқда Эроннинг ғарбий қисми тоғлиқ қисмида Элам жойлашиб, унинг шимолий ғарбий худудларида касситлар, шимолида –луллубийлар эгаллаб, улар иккидарё оралиғи халқлари билан ўзаро ҳарбий ва маданий алоқада бўлиб келишган.

Эрамирдан аввалги 6 аср ўрталарида ўн бир йил давомида -550 -539 йилга келиб, Ахамонийлардан чикқан форслар шохи Кир П (Кируш) Бобилга аёвсиз уруш очиб, қўлга киритади. Кир П бу босқинчилик урушлар натижасида Эрон билан бирга, Олд Осиёнинг катта қисмини, Кичик Осиё, Сурия ва Арманистон тоғлиқ қисмини хам қўлга киритиб, Ахамонийларнинг қудратли давлатини барпо этади. Кирнинг ўғли Камбиз эса эр.ав. 538 йилда Мисрни хам қўлга киритиб, ўз тассаруфига киритади. Шу сабаб эр.ав. 6 аср

сўнггида форсларнинг қулдорлик деспотик тузуми Қадимги Шарқда 200 йилга яқин қудратли империяларини бошқарганлар?

Шундай тарихий тараққиёт натижасида Эрон Ахамонийларнинг расмий сарой санъати юзага келиб, унинг ўзига хос хусусиятлари шакллана борди. Ахамонийлар санъатининг юзага келишида Олд Осиё халқлари санъатининг маълум қирралари ўз таъсирини ўtkазиб, у уйғунлашиб кетди.

Ахамонийлар Меъморлигидаги асосан, сарой қурилиши авж олди. Бу давр саройлари хажм жихатдан баҳайбат бўлиб, бой хайкалтарошлиқ беаклари билан уйғунлашган ахамонийлар салтанатининг қудратини ўзида намоиш этди. Сарой қурилиши асосан, пойтахт шахарлар – Персепол ва Сузада сақланиб қолган бўлиб, улар ахамонийлар Эронининг энг эътиборли қурилмалари қаторидан ўрин олган.

**Персепол шахри** эр.ав. 6 - 4 –асрлар қалья шахар бўлиб, бу шахарга греклар шундай ном бериб, унинг қурилиши эр.ав 520 йилларда бошланиб, Доронинг ўғли Ксеркснинг томонидан эроннинг тоғлик худудида қад кўтарган. Персепол ахамонийлар давлатининг шон-шуҳратини олқишилашга қаратилиши билан бирга янги йил байрами Наврузни ўтказишдаги умумдавлат ахамиятига хам молик бўлган шахардир.

Персеполдаги баҳайбат сарой меъморий мажмуаси ўзида гармоник яхлитликни мужассамлаштириб, уни баланд, мустахкам хом ғиштдан ишланган мудофаа деворлари ўраб туради. Бу сарой этакларида ахоли яшайдиган уйлар жой олган. Шахардаги ансамблдаги қурилмалар хам оссуря меъморлик анъаналарига таянган холда яхлит террасада қад кўтариб, унинг майдони 450 x 300 м, баландлиги 12 метрга teng. Бу майдон табиий тепаликда қад кўтариб, атрофи йирик тошлар билан мустахкамланган. Бу ялангликка фақат унинг шимоли ғарбида жойлашган икки қанотга эга битта пиллапоя орқалигина чиқиши мумкин. Бу пиллапоялардан кўтарилиган киши Ксеркс даврида қурилган тантанавор кириш қисмига - Пропилейга дуч келиб, бу пропилейлар баландлиги 8 метрга teng одам бошли қанотли буқаларга тўқнаш келади. Бу баҳайбат фонтантик мавжудот холоскорлар оссуря Шеду хайкалларига хос кўринишга эга бўлиб, фақат улар тошлардан ясалган. Пропилейлар ортида жануб томонда **“Барча мамлакатлар дарвозаси”** деб номланган ибодатхона жой олган. Унга кириш қисмида 10 метр баландликда буқа хайкали ўйиб ишланган. Платформадаги пропилейдан тортиб бошқа қурилмалар параллел жойлашган бир ўққа асосланган бўлсада аммо улар эркин жойлашгандир. Ансамблнинг композицион маркази бўлиб, **Доро Ксеркс Ападанаси** деб номланган шохнинг тантанавор зали хисобланиб, у пропилей ёнида янада баландроқ тепаликда жойлашган. Унинг ташқи деворлари бақувват хом ғиштдан қад кўтариб, унинг қалинлиги 5, 6 м. teng. Ападананинг кенг катта майдони 62,5X 62,6 м эга бўлиб, унииг томи енгил ва нозик ишланган баландлиги 18,6м.га teng 36 та устунга (устунлар 6 қаторга эга) таянган кедр дарахтидан ишланган тўсинлар билан беркитилган. Бу улкан ападана тантанали маросимларни ўтказиш учун мўлжалланиб, бир вақтнинг ўзида кўплаб одамларни сиғдириши ва шунингдек, империянинг

куч-қудратини намоиш қилишга хам қаратилган. Ападанинг катта зали ёруғ ва шинамлиги билан эътиборни тортиб, унинг ички безатилиши хам безакка бойдир. Устунлар юқори қисмидаги капител жуфт сонли буқа бошини эслатувчи хайкаллар билан алмашинади. Унинг баъзи қисмлари олтин зархалли бўлиб, кўзни қамаштиради. Ападана уч тарафдан пешайвонлар билан ўраб чиқилган. Улардан ўртасидаги худди Митани ва Оссурия меъморлигига ўхшаш кулранг мармар колоннага эга бўлиб, бақувват миноралар оралиғидан жой олган. Ападананинг чап томонида янада кенгроқ хонага эга бўлиб, бу ер балки шоҳ Артаксеркс П нинг юзта устунли ғазнаси бўлиши мумкин. Ападана билан ушбу зал оралиғида яна бир тантанавор зинапоя бўлиб, унинг икки қаноти **тахчара** деб номланган сокин дам оладиган хона томон бошлайди. Тахчара Доронинг қишки саройи ва харами бўлиб, у бир неча хоналардан иборат.

Персепол ансамблдаги Доро Ксеркснинг ападанаси билан бирга бошқа саройлардаги энг эътиборли нарса бу –уни безатишда қўлланилган бўртма тасвиirlардир. Бу бўртмалар турли рангли қизил, сариқ, кўк ва мовий рангларга бўялган. Платформанинг ён томонларида унга олиб боруқчи зинасининг чеккалари кўпфигурали сюжетли бўртмалар билан қопланган. Зинапоянинг марказий қисмидаги бўртмада бу ансамблнинг қурилиши хақида хикоя қилиниб, унинг ён томонларида буқага хамла қилаётган шер тасвиirlаниб, у рамзий маънода курашни англатади. Унинг ўнг қисмида – жангчилар, мидия ва эламитлик жангчилар тасвиirlанган бўлса, ўнг томонида эса, бир гурух бобилликлар. Мидия ва эламитлардан ташқари арманлар. араблар хатто негрлар хам шоҳга совға салом олиб кетаётгани кўрсатилади. Ансамблнинг бошқа тарафларида шоҳ Доро аёнлари билан Ахурамазда (куёш худоси) қаршисида тасвиirlанган. Персеполдаги ушбу ансамблнинг бадиий ечимида умумлашмалик ундаги хайкалтарошлиқ ва безатилишининг бир маромдаги ритми унинг умумий қиёфаси билан хамоханг бўлишида хис қилинади. Эр.ав. 330 йилда Персепол Александр Македонский томонидан вайрон қилиниб. Унинг кули кўкка совурилади. Бу ансамблдан бизгача фақат платформаси билан буқа боши унча кўп бўлмаган устунлар киришларидағи тош порталлари сақланиб келган.

**Урарту санъати.** Урартунинг хозирги арманистон тассаруфига кириши. Эрамиздан аввалги эр.ав. асрларда Урарту –хозирги арманистон санъатида ўтган Иккидарё оралиғи ва Эрон санъатининг таъсири. Архитектура. Урарту меъморлигининг ўзига хос характерли жихатлари. Урарту хайкалтарошлиғи. Уларнинг мавзуси ва характерли хусусияти. Амалий санъат. Амалий безак санъати. Кулолчилик.

4-илова

### Ўтилган дарсни мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Ахамонийлар давлатининг ташкил топиш тарихи.
2. Ахамонийлар архитектураси ва унинг ўзига хос жихатлари.
3. Персепол саройини тахлил қилинг?
4. Ахамонийлар хайкалтарошлиғи. Шу даврга оид намуналарини қайд этинг?

5. Урарту давлатининг ташкил топиши.
6. Урарту архитектураси ва ундаги ўзига хос жихатлари.
7. Урарту санъатининг ўзига хос хусусиятлари.
8. Хайкалтарошлик намуналарини мисол келтиринг?
9. Ахамонийлар ва Урарту амалий санъат намуларини қайд этинг ва тахлил қилинг?

5-илова

## **9- мавзу. Эгей дунёси ёки Крит –Микен санъати**

1-илова

### **МАЪРУЗА РЕЖАСИ:**

- 1.Эгей дунёси ёки Крит -Микен санъатининг кашф этилиши.**
- 2.Крит санъати. Меъморлик.**
- 3.Крит қулолчилиги.Амалий санъат**
- 4.Микена санъати.меъморлик.**
- 5. Крит- Микен маҳобатли санъати**

2-илова

### **ТАЯНЧ СЎЗЛАР**

А.Эванс, Г.Шлиман, Минотавр, Агамемнон, Ахил, Аякс, Приам, Гектор,Персефелея, Троя, Минос, Кносс саройи Камарес стили,лабиринт, Учаётган балиқ тасвири, Парижлик қиз,ясама платформа, циклопик қурилма,Шерлар дарвозаси, Акропол, полис,геометрик орнамент, меандр, дипилон, амфора, шахтасимон қурилмалар,толосс, дромос, Атрей, Антли ибодатхона, мегарон.

3-илова

### **МАЪРУЗА МАТНИ**

Эгей денгизи бўйларида жойлашган Крит ороли ва Микена санъати 19 аср ўрталарида чет эллик археолог ва саёхатчи олимлар томонидан кашф этилди. Булар Г.Шлиман, Дёрнфелд ва Артур Эванслар бўлиб, инсоният кўз олдида хали кашф этилмаган санъатни намоиш қиласидар. Бу кашфиётлар ичida энг иириги А.Эванснинг Крит оролида олиб кашфиётидир.У бу ерда Кносс саройини кашф этади. Ундаги бадиий бошликларни ўрганади. Айниқса Крит қулолчилиги Эванснинг эътиборини тортади. Бу ерда “Камарес стилидаги вазалар ва уларнинг ривожи ва инқирози А.Эвансга Эгей санъатини босқичларга ажратишга ёрдам беради. Бу босқичларни афсонавий шоҳ Минос номи билан боғлайди. 1.Илк Миной даври. 2.Юқори Миной даври; 3.Сўнгги Миной дааври. Эванснинг мақсади Троя шахрини излаш бўлган. У Гомернинг афсоанларида битиб қолдирган олтинга бой Трояни Крит оролида тахмин қиласиди. Унинг мақсади бойлик орттириш эди. У ўзининг кўзлаган мақсадига эриша олмайди албатта. Аммо у бебаҳо Кносс саройини кашф этади.

Афсонавий Троя хақидаги афсона тилдан тилга , оғиздан-оғизга кўчиб, кўплаб саёхатчилар ва олимларни жалб этган. Эгей санъати аслида қадимги грекларнинг авлод аждодлари санъатидир. Бу ерда қадимги ахеяликлар, эолийлар истиқомат қилиб, улар хозирги грекларнинг отабоболаридир. Қадимги грекларнинг келиб чиқиши хам айнан мана шу

давларга бориб тақалади. Эрамиздан олдинги 3000 м.чи йилликдан 1200 йилга қадар Критда ўзига хос санъат ва маданият ривожланди. Тахминларга қараганда табиий оғатми ёки босқинчилик юришлари натижасида Крит маданияти йўқолиб кетди.

**Крит санъати.** Критдаги Кносс саройи унинг меъморлиги қай даража ривожланганлигини кўрсатади. Унинг лабиринтга ўхшаш чалкаш режаси, мудофаага мўлжалланган қалъага хос кўриниши эътиборни тортади. Бу ерда турли мақсадга мўлжалланган қурилмалар ичида хукмдор ва унинг оиласи учун мўлжалланган бинолар яъни сарой эътиборлидир. Уларнинг ички қисми маҳобатли суратлар билан безатилиши диққатга сазовор. Крит кулолчилиги хам бошқа санъат турларига нисбатан энг кенг ривожланган санъатdir. Бу ерда “Камарес” стилидаги кулолчилик буюмлари (ваза) топилиб унинг номи камарес ғоридан топилгани учун шундай номланади. Бу кўзалар шакл жихатдан ранг-баранг, сиртига ўсимликсимон нақшлар чизилган. Бу стил “денгизча услугуб” деб хам юритилади. Бизгача етиб келган вазалардан –“Лола гулли ваза”, “Саккиз оёқ суратли ваза”, ва бошқалар ўзининг лаконик ишланиши ва бадиий савиясининг тугаллиги ва нағислиги билан эътиборни тортади. Камарес стилидаги вазалар инқирози уларнинг геометрик орнаментга қараб ўзгариши билан якун топади. Критдан топилган майда шаклдаги хайкалтарошлиқ эса, бу ерда маҳобатли хайкалтарошлиқ ривожланмаганидан далолат беради.”Илон ўйнатаётган аёл”, “Ер хайдовчи”, “Қаҳрамон ва кенгтавр” кабилар шу даврнинг шох намуналариdir.

**Микена санъати** хам ўзига хос тарзда шаклланган. Микена санъати кейинги грек халқи авлод аждодларининг санъатидир. Микена архитектурасида шахарсозликнинг дастлабки кўриниши акропол қурилиши Микена акрополи ярим ёрти холда етиб келиб, унинг кириш дарвозаси баҳайбат тошлардан бунёд этилган шер тасвирли “Шерлар дарвозаси” етиб келган. Микена меъморлигида турли нусхадаги қурилмалар ривожланди. Шахтасимон қурилмалар, мегарон типидаги қурилма энг аввал шох саройларида кузатилиб, у тўғритўртбурчак шаклдаги режаси, олд қисми икки ён омонида туртиб чиқсан девори ва икки устунга эгалиги билан, бинонинг ички қисми диний маросим учун мўлжалланган ўчоги билан характерланади. Шундайлардан Антадаги ибодатхонадир. Микенада шох Атрейга бағишланган қурилма даҳма вазифасини хам ўтайди. Унинг режаси хам ўзгача. Узун **дромос** (36м) деб номланган йўлакча концентрик айлана шаклидаги асосий хонага бошлайди. Бу ерда даҳма жойлашган. Шунингдек, у хазина омбори бўлиб хам хизмат қиласи. Микенадан шунингдек хайкалтарошлиқ. Маҳобатли рангтасвир ва амалий санъат намуналари хам топилган. Қурилмалар ички қисми деворий суратлар билан безатилган. Микена кулолчилигига – Дипилон амфоралари кенг ривожланган. Бундай хумлар одам бўй басти билан 1,80 мни ташкил қилган. У дафн маросимларида дон -дун сақлаш

учун асқотган. Улар сиртига геометрик нақшлар билан безатилган. Уларда меандр нақши кенг қўлланилган. Крит ва Микена санъати кейинги антик давр санъати учун асос бўлди.

4 илова

### **Ўтилган дарсни мустаҳкамлаш учун саволлар:**

1. Эгей дунёси ёки Крит Микен санъатига тафсилот.
2. Эгей санъатининг кашф этилиши ва архелогик тадқиқотлар.
3. А.Эванснинг Крит санъати ва маданиятини кашф этишдаги хизматлари.
4. Кносс саройини тахлил қилинг?
5. Кулолчилик. Камарес стилидаги вазаларни тушунириинг?
6. Маллин ва Фестадаги қалъя саройларни тахлил қилинг?
7. Эгей хайкалтарошлиқ намуналарини қайд этинг, тушунириинг?
8. Крит -Микен маҳобатли суратлардан мисол келтириинг?
9. Микена меймормонлигига характеристика беринг?Микена акрополи.
10. Мегарон нусхасини тушунириинг?
11. Шахтасимон қурилмалар қандай қурилмалар?
12. Циклопик қурилмаларга изоҳ беринг?

### **10-мавзу: *Антик санъат. Қадимги Юнон санъати* ( Архаика даври санъати)**

#### **МАЪРУЗА РЕЖАСИ:**

- 1. Антик давр антик санъатга муқаддима.**
- 2. Қадимги Грек санъатининг босқичлари. Гомер даври.**
- 3.Архаик даврда қад. грекларнинг сиёсий- маънавий хаёти.Архаик давр архитектураси.**
- 4.Архаик давр хайкалтарошлиқ ва амалий санъати.**

2-илова

#### **ТАЯНЧ СЎЗЛАР**

Антик, Антикус, Полис,акропол, Простил, Амфипростил, Периптер, Наос, Пронаос, Целла, Опистадом, Ордер,Фронтон,Антаблемент, Архитрав, Фриз, Карніз,Абак. Эхин, капител, стилобат, стереобат, Дорий. Ионий, Кора, Кариатида,Зофор, Горельеф,рельеф, Зевс, Пасейдон, АФина, Геракл, Гомер, Илиада. Оддисей, Кентавр, Циклоп, Амазонка, Кентавромахия, Медуза Гаргона, Архонт, Курос.

3-илова

#### **МАРУЗА МАТНИ**

Ер юзида инсоният тарихида Қадимги шарқдан кейин, Эгей,Ўрта ер денгизи бўйларида жойлашган кўплаб катта кичик оролларда: жумладан, Болқон ярим ороли, Крит, Делос, Феру, Мелос , шунингдек, Аппенин ярим ороли, Сицилия оролларида эрамиздан аввалги 5-4 (классика) асрдан то эрамизнинг 1-3-асригача (Рим) улкан цивилизация кечиб ўтди. Бу тарихий ва маданий жараён фанда **Антик** (“Антикус” - қадимги) деган ибора билан юригизлади. Антик давр санъати қадимги грек ва Рим санъати ва маданий

ривожига нисбатан қўлланилган. Жаҳон цивилизациянинг ривожида антик давр маданияти ва санъати улкан ахамиятга эгадир.

Қадимги грек санъатининг даврий босқичлари: Гомер, Архаика, Классика (Илк, Юқори ва Сўнги) Эллинистик даврларни ўз ичига олади. Инсоният тараққиётида антик давр ёки қадимги грек санъатининг роли улкандир. Айниқса классика даврида илму фан, адабиёт, фалсафа, комедия, трагедия, театр мусиқа билан қаторда архитектура, хайкалтарошлиқ ва тасвирий ва амалий соҳада юқори ютукларга эришилди. Греклар биринчилардан бўлиб, демократик принципларни илгари сурдилар. Шу билан бирга реалистик санъатга асос солдилар. Улар чукур маъноли ва бадий жихатдан савияли ва илмий асосланган архитектура ва хайкалтарошлиқ асарларининг яратувчиси сифатида дунёга машхур бўлдилар. Грек санъатида илк бор инсон хайкалини анатомик ва пропорционал жихатдан пухта асосланган хайкаллар яратилиши жаҳон санъатида оламшумул воқеа бўлди. Айниқса **Идеал инсон** образининг тараннум этилиши. Шунингдек, хайкалтарошлиқда пластика, мураккаб хатти харакат, динамика ва драматик холат ва эмоционал хислатлар очиб берилиши... Грек санъатида афсона ва ривоятнинг роли катта бўлди. Хайкалтарошлиқда худолар образини инсон қиёфасида талқин этилди. Санъатда Дорий ва Ионий йўналишлари бири-бири билан мусобақалашди. Жумладан, меъморлик ва хайкалтарошлиқда жойлик мактабларнинг ўзаро рақобати. Шунингдек, уларда эришилган ютуқлар..

Грек архитектурасининг илдизи ўтган даврларга хали микена ва Гомер давриларидан бошланади. Грек архитектурасида дастлабки шахарсозлик полис ва акропол қурилиши йўлга кўйилди. Улардаги энг эътиборли қурилма – ибодатхона бўлди. Ибодатхоналар полиснинг халоскори бўлган маъбуллар шарафига бағишланди. Архаика даврида инсоният тарихида дастабки демократик қарашлар дунёга келди. Бу даврда демослар билан эвпатрийлар ўртасида мунтазам урушлар бўлиб турди. Архаик меъморликда асосий қурилиш ибодатхоналарга қаратилди. Уларнинг бир неча хиллари (типлари) дунёга келди. Простил, Амфипростил, Периптерлар. Перниптер энг кенг тарқалган нусхаси бўлиб, у кейинги давр қўрилмаларида хам ривожлантирлди. Архаика даврининг нодир меъморий обидаларидан – Пестумдаги Гера ва Пасейдон ибодатхонаси, Афина Афайи ва Олимпиядаги Зевс иноодатхоналаридир. Ибодатхона полиснинг энг баланд тепалигида қад кўтарди. Унинг қаришисидаги майдон грек жамоасининг мажлис ва ийғинларини ўtkазадиган жой бўлди. Бу ерда илк демократик қарашларга асосланган Агоралар ўtkазилган. Архаик даврда икки бир бирига қарама-қарши бўлган Дорий ва Ионий мактаблари ёки услуби хам ривожланди. Бу меъморлик ва хайкалтарошлиқда яққол кўзга ташланди. Дорий йўналиши маҳобат ва куқ құдрат рамзи сифатида шаклнади. Ионийча йўналиш ўзининг жозибаси ва нафис ечими билан аёлларга қиёсланади. Меъморликда Дорий ва Ионий ордерлари хам дунёга келди. Бу икки йўналиш тасвирий ва амалий санъатда хам ўзаро рақобатдашди. Хайкалтарошлиқда хам худди шундай хислатлар кўзга ташланди. Дорийча мактаб улуғвор ва матонатли

образлари билан ажралиб турса, ионий мактаби томонидан яратилган хайкаллар жозибаси, латофати ва майнилиги билан фарқ қилди. Бу даврдан бизгача етиб келган –“Курослар “хайкаллари, “Кора” хайкали, “Клеобис ва Битон”, “Архонтлар”, ва фронтон бўртма композициялардир. Кулолчиликда бу даврда Қора қигурали вазалар ривожлантирлди. Улар шакл жихатдан ранг барангўлб, сиртига олимп ўйинлари билан бирга афсонавий мавзулар асосида суратлар ишланган. даврнинг энг кусли мусуввирларидан –Клитий, Эрготим ва Эксекийлардир. “Франсуа вазаси”, “Қайикдаги Дионис”, “Ахил ва Аякс”каби вазалар. Архаик давр санъати кейинги Классик санъатга йўл очди.

4-илова

### **Ўтилган дарсни мустаҳкамлаш учун саволлар:**

1. Архаик даврда қадимги грекларнинг сиёсий –маънавий хаёти.
2. Қадимги грециядаги дастлабки демократик принциплар тўғрисида.
3. Архаик давр меъморлигига эришилган ютуқлар.
4. Полис, акропол курилиши.
5. Грек ибодатхоналари нусхаларини тушунтиринг? Простил, Амфипростил, Периптерлар.
6. Дорий ордери ва унинг тузилиши. Қандай бўлаклардан ташкил топган.
7. Ионий ордери ва унинг тузилиши. Қандай бўлаклардан ташкил топган.
8. Пасейдон, Гера, Зевс ибодахоналарини тахлил қилинг?
9. Архаик давр хайкалтарошлиги намуналарини қайд этинг?
10. Куро. Кора, Архонт, Клеобис ва Битон хайкалларини тахлил қилинг?
11. Дорий ва Ионий йўналишининг бир биридан фарқини тушунтиринг?
12. Архаик давр санъатининг кейинги классик санъат учун пойdevор вазифасини ўташига изоҳ беринг?

### **11-мавзу:      “КЛАССИКА ДАВРИ САНЪАТИ ” (Илк, Юқори ва Сўнги классика)**

#### **МАЪРУЗА РЕЖАСИ:**

- 1.Грек классикасига таъриф ва унинг босқичлари.**
- 2.Илк классика санъати. Архитектура, хайкалтарошлиқ. Кулолчилик.**
- 3. Юқори классика. Архитектура, хайкалтарошлиқ.**
- 4.Сўнгти классика. Архитектура, тасвирий санъат.**
- 5.Классика санъатининг кейинги жаҳонцивилизациясида тутган ўрни.**

#### **ТАЯНЧ СЎЗЛАР**

Антик, Антикус, Полис, Акропол, Гипподам, Мунтазам режалашув, Простил, Амфипростил, Периптер, Наос, Пронаос, Целла, Опистадом, Ордер, Фронтон, Антаблемент, Архитрав, Фриз, Карніз, Абак. Эхин, капител, стилобат, стереобат, Дорий. Ионий, Кора, Кариатида, Зофор, Горельеф, рельеф, Хиазм, Зевс, Пасейдон, Афина, Геракл, Гомер, Илиада. Одиссей, Кентавр, Циклоп, Амазонка, Кентавромахия, Медуза Гаргона, Архонт, Идеал инсон, Апполлон, Афина, Фидий, Антик архитектура. Юнон полислари. Устунлик композиция. Ордер. Дорий, ионий, тоскан ва коринф ордерлари. База. Антаблемент. Модул ўлчови. Ант. Целла. Портик. Простил. Амфипростил. Периптер. Парфенон. Эрехтейон. Никки Аптерос. Пропилей. Акропол.

Гипподам системаси. Агора. Пританей. Булевтерий. Стадион. Гимнасий. Театрон. Орхестра. Перестил ва пастада тураржойлари.

## МАЪРУЗА МАТНИ

Антик давр: Қадимги грек ва Рим санъати ва маданий ривожига нисбатан қўлланилган. Қадимги грек санъатининг даврий босқичлари: Гомер, Архаика, Классика (Илк, Юқори ва Сўнгги) даврларни ўз ичига олади. Инсоният тараққиётида антик давр ёки қадимги грек санъатининг роли улкандир. Айниқса классика даври санъатида эришилган ютуқлар: архитектура, хайкалтарошлиқ ва кулолчилик соҳасида. Греклар биринчилардан бўлиб, демократик принципларни идгари сурдилар. Шу билан бирга реалистик санъатга асос солдилар. Улар чукур маъноли ва бадиий жихатдан савияли ва илмий асосланган хайкаллар, меъморий обидалар яратувчиси сифатида дунёга машхур бўлдилар. Грек санъатида илк бор инсон хайкалини анатомик ва пропорционал жихатдан пухта асосланган хайкаллар яратилиши жаҳон санъатида оламшумул воқеа бўлди. Айниқса Идеал инсон образининг тараннум этилиши. Шунингдек, хайкалтарошлиқда пластика, мураккаб хатти-харакат, динамика ва драматик холат ва эмоционал хислатлар очиб берилиши... Грек санъатида афсона ва ривоятнинг роли катта бўлди. Хайкалтарошлиқда худолар образини инсон қиёфасида талқин этилди. Санъатда Дорий ва Ионий йўналишлари бири-бири билан мусобақалашди. Жумладан, меъморлик ва хайкалтарошлиқда жойлик мактаблар ўзаро рақобатлашди. Шунингдек, уларда эришилган ютуқлар шу давр санъатида ўз аксини топди.

Грек Классикаси (эр.ав (5-4а) фанда уч босқичга бўлиб ўрганилади. Булар - **Илк классика** - 5 асрнинг 2та чорагини, **Юқори классика** - 5 асрнинг кейинги икки чораги; **Сўнгги классика** - 4 асрнинг икки чорагини ўз ичига олади. Классика нафакат грек санъатида балки жаҳон маданий ривожи ва архитектура ва тасвирий санъат соҳасида инсоният тарихида дадил қўйилган қадам бўлди.

**Илк классика.** Эрамиздан аввалги 5-асрнинг бошида греклар форслар билан алангали урушлар олиб борар эди. Шу боис грек полисларининг аксарияти вайрон бўлган эди. Аммо шунга қарамай қурилишда асосий эътибор яна ибодатхоналарга қаратилди. Бу давр архитектурасида ўтган архаик давр меъморлигида эришилган ютуқлар янада ривожлантирилди. Бу даврнинг нодир меъморий обидаларидан –архаикадан классикага ўтишда Олимпиядаги-Зевс ибодатхонасиadir. Унинг меъмори **Либон**. Ушбу ибодатхона пропорциясида энди архаик даврга хос оғирлик ва дағалликка бархам берилиб, бинонинг умумий қиёфаси енгиллаштирилиб, янада нафис ва жозибадор бўлишига эришилди. Устунлар –Ордерлар нисбатларида янада юқорига бўй чўзиб, тоқ сондан жуфт сонга айланиши, шунингдек. Дорий ва Ионий шаклларнинг уйғунлашуви билан эътиборни тортди. Шунингдек Пестумдаги Гера ибодатхонаси Эрта классиканинг нодир қурилмаларидандир. Греклар форслар устидан ғалаба қилиб, полисларга катта эътиборни қаратса бошладилар. Бу даврнинг буюк меъмори Гипподам

полисларда “Мунтазам тартибга солинган режалашувини” қўллайди. У тўғри паралел бўй чўзган кўчаларни кўндаланг кесишган кўчалар билан боғладиди. Натижада шахарлар тартибга солиниб, кўчаларга ном берилди. Гипподамнинг “Регулярний планировкаси” кейинги даврда кенг қўлланилди.

**Тасвирий санъат.** Илк классика санъатида хайкалаторошлиқ етакчи турлардан бири бўлди. Бу давр санъатида энди маъбудлар бўлмай, инсон шахси дикқат марказда туриб, унинг жисмоний ва пропорционал тузилиши бу давр хайкалтарошлигига бош масала бўлди. Шу билан бирга унинг хатти харакатини реал талқин этишга хам эътибор қаратилди. Шундай муаммолар устида талайгина жойлик мактаблар бир бири билан рақобатлашди. Аттика, Пелопоннес, Аргос-Скион, Ионий ва Дорий жойлик мактабларининг хар бири инсон гавда ва тана тузулишини тўғри етказиш ва буни аниқ далил исботлар билан назарий рисолалар ёзган холда амалга оширадилар. Шундай муаммолар устида бу даврнинг кучли хайкалтарошларидан – **П.Регийский, Поликлет, Мирон** ва бошқалар... Поликлатнинг “Найзабардор” хайкали яққол мисол бўлади. П.Регийский хайкалтарошлиқда “Хиазм” усулини дасталб қўллади. Бу инсон тана тузилишининг қуи ва юқори қисмини икки хил ракурсда берилишидир. Унинг “Оёғидан зирачани суғираётган бола”, “Эрот Соранцо” каби асарлари бунга далилдир. Хайкалтарош Мирон эса инсоннинг мураккаб хатти –харакатда ва ракурсда кўрсатишга муваффақ бўлди. Унинг “Диск отувчи” хайкали айни вақтгача барчани эътиборини тортиб келган.

**Юқори класика.** 5-асрнинг кейинги икки чорагини ўзи ичига олади. Бу давр грекларнинг хаётида форслар устидан бутунлай ғалабага эришилган давр бўлиб, меъморликда асосий эътибор полис қурилишига қаратилди. Афина полиси бутун грек халқининг ифтихори бўлган грек-форс урушида бутунлай вайрон бўлган эди. Уни қайта тиклаш шу даврнинг раҳнамоси бўлган Перикл ташаббуси бтлан амалга ошади. У кучли меъмор ва хайкалаторош. Усталарни бу ерга жалб этади. Юқори классика архитектурасидаги энг асосий ишлардан бу –Афина полисини қайта тиклаш бўлди. Унда меъморлар Иктин ва Калликрат, Либон ва бошқалар иштирок этадилар. Ундаги энг эътиборли қурилмалар –Кириш дарвозаси Пропилейлар, Нике ибодатхонаси, Парфенон, Эрехтейонлар. Уларни безатишда шу даврнинг кучли хайкалтарошлари-Фидий раҳбарлигига унинг шогирдлари билан Парфенон ибодатхонаси қурилди.

**Хайкалтарошлиқ.** Бу даврда барча эътибор Афина полисни қайта тиклашга қаратилиб, у грек-форс урушида бутунлай вайрон бўлган эди. Афина акрополини қайта қуриш ишларида шу даврнинг энг ташаббускор кишиларидан бўлган –Перикл раҳнамолик қиласи. Перикл ўз даврининг доно сиёсатдони ва йўлбошчиси бўлган. У вайрон бўлган Афинани тиклашда кучли архитектор ва санъаткорларни бир жойга жамлайди. Уларни моддий таъминлашга хам, умуман, бу улкан ишни йўлга қўйишда хам бош қош бўлди. Акрополни қайта тиклашда Калликрат, Иктин, Фидий кабиларга таянди. Даставвал бу ерда унинг бош лоихаси ишлаб чиқилди. Акрополнинг

кириш дарвозлари –яъни Пропилейлар устунлардан ташкил топган кириш – Ўнг ва Чап қанот, ўнг тарафи - меъмор Калликрат томонидан қурилди. У дорий ордеридан ташкил топди. Акрополнинг ўнг томонида кичик **Нике** ибодатхонаси аввал хам мавжуд эди. Бу ғалаба маъбудасига бағишиланган ибодатхона меъмор томонидан қурилган. Акрополнинг энг юқори қисмида – энг эътиборли ва бош ибодатхона –**Парфенон** жойлашган. У аввалги Гекатомпедон ўрнида қад кўтарди. Бу ибодатхона 447 йилдан 432 йилга қадар қурилиш ишлари давом эттирилган. Перфенон Иктин ва Калликратлар томонидан амалга ошди. Бу ибодатхона Афина қиз маъбудасига бағишилаб қурилди. Уни безатиш ишларида шу даврнинг энг кучли хайкалтароши Фидий шогирдлари билан иштирок этган. Фидий Парфенон учун Афинанинг уч –“Афина Варвакион”, ”Афина Лемния” ва “Афина –дева” хайкалини яратади. Бундан ташқари у ибодатхона пештоқига ўз шогирдлари билан – фронтон ва метопларига композициялар яратади. Уларнинг мавзулари – Грек форс уруши, ёки мифологик мавзуларга асосланади. Акрополда яна бир эътиборли ибодатхона бу – Эрехтейондир. У меъмор Мнесикл томонидан қурилган. Унинг режаси ассиметрик ечимга эга. Ушбу ибодатхона пештоқи томини кўтариб турган Коралар унга янада жозиба бағишилади. Акропол лойихаси шу давр фан тараққиётининг маҳсули сифатида пухта ўйланган режага асосланиб, меъморлар геометрия қонунларига асосланган холда биноларнинг нисбати ва тектоник жойлашуви ва ордерлар тизимини хам инобатга олганлар. Бу айни вақтгача фанда ўрганилишга асос бўлмоқда.

Юқори класикада хайкалтарошлиқдан қурилмани безатища фойдаланилди. Унинг маҳобатли тури, бўртма, горелеф турлари ривожланди.

**Сўнгги классика.** Эрамизнинг 4 асрининг икки чораги. Бу давр грек сиёсий хаётида кескин ўзгаришлар кузатилади. Асрнинг 30-йилларида Македониялик Филиппнинг кириб келиши ва грек ерларини истило қилиши, ундан сўнг Александрининг тахтга ўтириши ва Элладанинг барпо этиши маънавий хаётда хам тубдан бурилиш ясади. Меъморликда бу даврда катта ўзгаришлар бўлди. Энди қурилмалар дин ва маъбудалр учун эмас балки шахсга мўлжалланган ёки шахснинг эҳтиёжи ва уни олқишилашга қаратилди. Қурилмаларнинг турлари кўпайиб, улар ранг баранг қиёфаларда ўзини кўз-кўз қилди. Албатта ўтган давр анъаналарига таянишган холда янгича режа ва лоихадаги умуман янгича бинолар юзага кела бошлади. Шундайлардан – **Филиппейон** (шох Филипп ва унинг авлоди учун ёдгорлик) айлана шаклидаги бу қурилма гир айлана диптер услубида қурилган. Унинг ички қисмида македонскийлар сулоласининг хайкаллари ўрин олган. Қурилишда янги Коринф ордерининг пайдо бўлиши биноларнинг қиёфасида декоратив талабни кучайтирди. Давр талаби билан театрларнинг юзага келиши уларда комеодия ва трагедия актерлар фаолияти грек театр сахналарини вужудга келишига сабаб бўлди. Бунга Афина полиси ёнида қад кўтарган **Дионисий театр**, Эпидаврдаги театр ва хаказолар мисол бўлади. Бундай театр сахналари хозирги цирк арнасига ўхшаш, ярим айлана шаклида, қия тепалик ёки тоғ ён бағрида жойлашган бўлиб, ўзида театррон, орхестр ва скенани ўз

ичига олади.Лиссикрат ёдгорлиги. Бу даврда аслзодалар учун 3-4 қаватли уйлар хам қурилди.

**Хайкалтарошлиқ.** Сўнги классика хайкалтарошлиги меъморлик каби даврнинг сиёсий ва маънавий талабларига жавоб берди. Эллада ва эллин халқининг куч қудрати ва салоҳиятини очиб бериш шу давр санъатидаги бош масала бўлди. Албатта шахсни олқишилаш ва уни қўкларга қўтариш ғоялари Александрнинг бош хайкалида кўриш мумкин. Бу даврда Лиссип, Праксител, Леохар ва бошқалар ижод қиласидилар. Бу давр хайкалтарошлигига нафақат хатти харакат муаммоси балки энди инсоннинг ички эмоционал хиссиёти. Унинг кечинмаларига эътибор бериш кузатилади. Даврнинг нодир хайкатарошлиқ намуналари: “Дионисни кўтарган Гермес хайкали”, Книд Афродитаси, Мелос Афродитаси, Александр бўюсти, “Нике”, ”Менада”, “Лаакон” хайкал гурӯхлари.

*4-илова*

#### **Ўтилган дарсни мустаҳкамлаш учун саволлар:**

1. Классика санъатнинг босиқичларига изоҳ?
2. Классика санъат маданий ривожланишнинг кейинги жаҳон цивилизациясида тутганди роли.
3. Илк классикадаги сиёсий ижтимоий воқелар.
4. Илк классика архитектураси ва ундаги ўзгаришлар.
5. Даврнинг нодир меъморий обидаларини таҳлил қилинг?
6. Илк классика хайкалтарошлари П.Регийский ижоди.
7. Поликлетнинг классика хайкалтарошлигидаги хизмати.
8. Мирон ижоди ва унинг “Диск отувчи” ва “Эрот Саранцо” ва “Зевс” хайкалларини таҳлил қилинг?
9. Юқори классика меъморлигига қилинга ишлар –Афина акрополи қайта қуриш ишлари.
10. Парфенон ибодатхонасини таҳлил қилинг?
11. Эрехтейон ибодатхонаси таҳлил қилинг?
12. Фидий ва мактаби. Афина акрополидаги хайкал безаклари.
13. Сўнги классикадаги кескин ўзагришларнинг санъатга таъсири.
14. Меъморикдаги ўзагрилар ва даврнинг меъморий обидаларини таҳлил қилинг?
15. Сўнгги классика санъатидаги янгича фоя ва қарашлар.
16. Даврнинг нодир хайкалтарошлиқ намуналарини таҳлил қилинг?
17. Лиссип ижоди.
18. Праксител ижоди.
19. Классик санъатнинг кейинги эллинистик давр санъати ривожидаги ахамияти.
12. Дмитриева Н. А. Краткая история искусств: Очерки. - М., 1968.
13. Колпинский Ю. Д. Искусство Греции эпохи расцвета. - М., 1937.
14. М.С.Ибрагимова. Тасвирий санъат тарихи. Марузалар матни. Т., 2011.

## **12 -мавзу. ЭЛЛИНИСТИК ДАВР САНЪАТИ**

### **МАЪРУЗА РЕЖАСИ:**

1. Эллинистик империянинг барпо этилиш тарихи.
2. Эллинистик маданият ва санъат марказлари Пергам, Родос ва Александрия.
3. Эллинистик архитектура.
4. Эллинистик санъат: хайкалтарошлик, амалий санъат

## 5. Эллинистик санъатининг кейинги жаҳон цивилизациясида тутган ўрни

### ТАЯНЧ СЎЗЛАР

Мунтазам режалашув, Диpter, Периптер, Наос, Пронаос, Целла, Ордер, коринф, Фронтон, Антаблемент, Архитрав, Кариатида, Зофор, Горельеф, рельеф, Эллин архитектураси. Юнон полислари. Устунлик композиция. Тоскан ва Коринф ордерлари. Филипейон, Кари Мавсол мақбараси, Фарос маёғи, Александрия шахри, Пергам, Родос мактаби, Агесандр, Менада, Лаакон, Гелиос хайкали, Зевс хайкали, Зевс меҳроби, База. Модул ўлчови. Портик Пропилей. Акропол. Гипподам системаси, Булевтерий. Эклезиастерия, Стадион. Гимнасий. Театрон. Орхестра. Скена, Перестил ва пастада тураржойлари.

3-илюза

### МАЪРУЗА МАТНИ

Эллинистик давр ёки эллинизм ибораси фанда эрамиздан аввалги 4 аср ўрталаридан то эрамиздан аввалги 1 асрдагача бўлган давр Македониялик Филипп ва А.Македонский грек ерларини истило қилиб, ўзга юртларга босқинчилик урушларини олиб бориб, улкан Эллада империясини барпо этиб, то унинг инқирозигача бўлган даврга нисбатан ишлатилади.

Классика санъати эр.ав.4 аср ўрталарида инқирозга юз тута бошлади. Бунга Александрининг грек ерларини қўлга киритиши боис, классик анъаналар секин аста сўна бошлади. Энди эллин санъатида империя ва эллада сиёсатини олқишловчи, ғоя ва қарашлар ўрин эгаллай бошлади. Афсоналар хақиқатга айланиши хам ортда қолди. Маъбуллар образи хам санъатда куйланмади. Унинг ўринига шахсни улуғлаш ва кўкларга кўтариш каби ғоялар санъатда бош масала бўлди. Бу архитектура тасвирий санъат ва адабиётда хам ўз аксини топди. Эллинистик давр санъати мураккаб кўринишга эга бўлиши бу унинг маданийлашган марказларининг турлича жойлашганидир. Александрининг Миср, Олд Осиё ва сўнгра Сўғдиёнага қилган юришлари эллин санъатида турли халқлар ва анъаналарни ўзида уйғунлашишига олиб келди. Шундай бўлишига қарамай эллинистик санъат ўтган давр классика санъати анъаналарига тақлид қилган холда юзага келди.

**Архитектура.** Эллинистик меъморлик юқорида қайд этилгандек, империя чегараси улкан бўлгани сабаб, унинг санъатининг хам ранг ьяранг ва хилма хил бўлишига сабаб бўлди. Бундай хусусият архитектурада хам кўринди. Гречия худудида ривожланган меъморлик классик анъаналарни ўзида ривожлантириди. Александрияда эса миср ва эллин меъморлик анъаналари ривожлантириди. Пергам ва Родос хам шундай. Бақтрия ва Сўғдиёнада жойлик анъаналар билан бирга эллин санъати анъаналари ўзаро қоришилиб кетди. Эллин меъморлигининг нодир меъморий обидалари етти мўжизанинг бири қаторидан ўрин эгаллаган. “Александр маёғи”, “Пергам меҳроби”, “Кари Мавсол мақбараси”, ва бошқалар.

Эллинизм даврида эса шаҳарсозликда тўғри бурчакли бўлинишга асосланган «Гипподам» системаси кенг тарқалади. Бу система бўйича кўчалар геометрик шакли тўғри қилиб олинади, бир ёки икки кўча ўзининг кенглиги ва ахамияти асосида асоси қилиб танланиб жамоат марказлари шу кўчаларда жойлаштирилади. Туаржой бинолари асосан ички ховли

атрофида жойлаштирилиб, бино олдида айвонлар қурилган. Шунинг учун бу турдаги туаржой -«перестил» ҳилидаги иморат номини олган. Перестил тури асосан эллинизм даврида ривожланган. Эллинизм даврида бинонинг бадиий хусусиятлари күпроқ эркин композиция, антиқа ғоялар ва турли ҳайкаллар билан безатилиши сабабли характерланади. Устунлар копителига акант ўсимлиги шакли берилган бўлиб, натижада коринф ордер системаси яратилди.

**Тасвирий санъат.** Тасвирий санъатда хам шундай муаммолар санъатда бош масала бўлди. Хайкалтарошлиқ бошқа турларга қараганда етакчиликни кўлдан бой бермади. Грецияда хали 4 аср ўрталари талай хакалтарошлар ижод қилдаилар. Лиссипп, Агесандр, Праксител, Леохар ва бошқулар. Улар баъзилар классик анъаналарни ривожлантирган бўлсалар, бошқалари янгича ғоя билан йўғрилган санъатга асос солдилар. Эллинистик санъат марказларидан Пергам мактаби, Родас мактаби, Александрия мактаби ва унда ижод қилган хайкалтарошлар эллин санъатининг ривожига хисса кўшдилар. Даврнинг нодир санъат намуналари: “Александр бьюсти”, “Книд Афродитаси”, “Рақсга тушаётган Менада”, “Мелос афродитаси”, “Лакоон”, “Пергам алтари бўртмалари”, “Родосдаги Гелиос хайкали”, “Дионисни кўтарган Гермес” хайкали, Ғоз ва бола” ва бошқалар..

4-илюстрация

#### **Ўтилган дарсни мустаҳкамлаш учун саволлар:**

1. Эллинистик империянинг ташкил топиши.
2. “Эллин”, “Эллинизм” ииборасига изоҳ киритинг?
3. Эллинистик санъатдаги ғоя ва муаммолар хусусида
4. Эллинистик давлатнинг тарқоклиги:
  5. Эллинистик маданий марказлар хақида. Пергам, Родос ва Александрия мактаблари. Улардаги бадиий жараён ва ўзига хослик.
  6. Эллин архитектурасига характеристика. Даврнинг нодир меъморий обидаларини тахлил қилинг? “Пергам меҳроби”, “Александрия маёғи”, “Кари Мавсол” мақбараси ва бошқалар.
  7. Эллин санъати ва хайкалтарошлигининг ўзига хос жихатлари.
  8. Эллинистик давр мактаблари ва уларда ижод қилган хайкалтарошлар.
  9. Эллин санъат асарларини номланг. Тахлил қилинг?
10. Эллинистик давр санъатининг шарқ ва Ўрта осиё маданий ривожига таъсири.

### **13 –мавзу ЭТРУРИЯ САНЪАТИ**

#### **МАЪРУЗА РЕЖАСИ:**

1. Этрусскларнинг этник ва географик келиб чиқиши.
2. Этруссклар маданияти ва санъати.
3. Этруссклар меъморлиги.
4. Этруссклар хайкалтарошлиқ ва амалий санъати
5. Этруссек санъатининг кейинги Рим санъати ривожида тутган ўрни

## **ТАЯНЧ ИБОРАЛАР.**

Этрусск, Карфаген, Фъезолода, Палестрада ва Морчобаттода,урна, комплювиум, имплювиум, атриум, дромос,камера,тумулус. Фреска , Капитолия бўриси,

## **МАРУЗА МАТНИ**

Этруссклар римликларнинг авлод-ажодлариидир. Этрусскларнинг мамлакати –Тирен денгизи бўйларидан то шарққа томон Апенинин тоғларигача бўй чўзган Этруриянин шимолий чегараси эр.ав 7 асрнинг охирида По дарёсигача чўзилиб, унинг жанубий қисми –Неополитан ериларигача етиб борган. Этруссклар айни вақтда хозирги Тоскана худудида жойлашган.

Этрурия ўзида 12 шахар давлатни тасарруфига олган.Бу ерларда қадимда синфий жамият қарор топиб, қулдорлик тузуми хам жуда эрта бошланиб, ижтимоий хаётда аслзодалар хукмронлигига асосланиб, давлатни бошқариш харбий амалдорлар гурухи томонидан бошқарув олиб борилди.

Этруссклар дехқончилик билан шуғулланиб,, уларнинг ерларининг катта қисми ботқоқликдан иборат бўлгани боис, дехқончиликда сунъий сугориш усууларидан фойдаланганлар. Денгиз орқали савдо –сотиқнинг ривожи этрурия иқтисодини яхшилаб, унинг маданий ривожиша замин яратди. Этруссклар жуда кўп элатлар билан чатишиб ( грек, карфагенлар,мисрликлар) улардан кўплаб яхши хислатларни олиб, шу билан бирга бу халқ ўзига хос хусусиятларни хам йўқотмади.

Этрусскларга санъатига хос намуналар эр.ав 6 ва 5 аср бошига тўғри келади. Бу даврда этрурия грек санъатининг кучли таъсирини бошидан кечириб, худди шу даврда этруссклар ўз санъатининг гуддаган даврини хам бошидан кечирдилар.

Рим меъморчилигининг донғи кетган назариётчиси Витрувий эр.ав 1 асрда яшаб ўтган Этрусск меъморлиги ривожига улкан хисса қўшган.шунингдек Рим меъморлигига хам.

Шахарда муңтазам тартибга солинган параллел кесишган қўчаларни лоихалаш грецияда 5 асрда бошланган бўлса, этрурияда бундан аввалроқ бошланган эди. Аммо этруссклар меъморлигининг нодир обидари бизгача кам сонларда етиб келган. Уларнинг аксарияти даҳшатли урушлар натижасида, айниқса эр.ав. 1 мингинчи йиликда бирдамлик урушларида вайрон бўлган. Перуджияда шахар ва қалъа деворлари аркалари билан, Янги Фалериядаги, Сутриядаги, Перуджидаги кенг узун йўллар, хатто Фъезолода, Палестрада ва Морчобаттода кўприклар, каналлар ва водопровод( сув узатгич) лар қурилиб, бундан ташқари турли инженерлик лоихалари этрусск меъморлигининг юқори даражалилдигидан далолат беради

Меъморликда этрусск ибодатхоналарининг ташқи кўринишини билишда факат Орвиетто, Сеня ва қадимги Фалерияда ибодатхоналар қолдиқларидан билиш мумкин.

Этрусск ибодатхоналари **подиумга** яъни баланд тагликка эга бўлиб ва асосланиб, грек периптерига қараганда хар тарафдан бир хил кўринишга эга бўлиб? Фронтал композицион принцип асосида қурилган. Бинонинг бирор

торроқ ёки узунроқ тарафида фасад мўлжалланиб, у кенг пешайвон билан безатилган. Ички маконда целла - уч қисмга бўлиниб, уларнинг хаммаси худоларга боғишиланган. Этруссик ибодатхоналари хаддан зиёд хайкалтарошлиқ ва рангтасвир санъатига бой бўлиб, уларда кўзга ташланарли полихром техникаси хам йўлга қўйилган. Этруссик ибодатхоналарининг композицион принципи кейинги рим меъморлигида янада ривожлатирилди.

Этрусскларнинг ахоли истиқомат қилишига мўлжалланган уйлари тўғрисида маълумотлар етрали эмас. Бизгача етиб келмаган. Грекларнинг эркин лоихалаштириш пинципига қараганда этрусскларнинг яшаш учун мўлжалланган уйлари режаси жиддий симметрик режага асосланиб, бир ўқса асосланади. Бундай режалашув хам кейинги римда кенг қўлланилди.

Энг қадими қурилмалар яъни кулбалар – айлана ва овал шаклига эга бўлиб, бу дафн этиш учун мўлжалланган – лойдан ишланган **урналар** (ўралар) мисол бўла олади. Энг қадими қишлоқча италянча уйлар Кюзидағи уrnага ўхшаш қурилмадан тассаввур қилиш мумкин. Унинг режаси тўғритўртбурчак шаклга эга бўлиб, баланд томи навес) соявандга эга. Шип қисмида тўғритўртбурчак шаклда ўйиқ бўлиб, у “**комплювиум**” деб юитилиб, у бутун маконни ёруғлантириб туради. Худди шу хонада ўйиқнинг тагида полда “**имплювиум**” (ховуз) жойлашиб, у ёмғир суви билан тўлдирилган. Қишлоқдаги уйлар дағал тошдан, лойдан синчдан қурилиб, томи сомон сувоқ қилиниб, қамиш билан. Сўнг черепица билан қопланган.

Шахардаги уйлар марказида **атриумдан** иборат бўлиб, (ички ёпиқ ховли) унинг атрофида симметрик равишда бошқа қурилмалар жойлашган. Чапда ва ўнгда эркаклар ва ққуллар учун хоналар, ичкарида киришдан сал тепароқда – зодагоннинг хотин-халажлари учун шу бирга унинг қизлари ва хизматкорлари учун хоналар мўлжалланган.

Этруссик ахолиси яшайдиган уйлар хақида Морцобаттодан топилган уйлардан билиш мумкин. Улар бир қаватли катта уйлар бўлиб, у кўплаб хоналардан ташкил топган ва у ички ховлига олиб боради. Бундай уйларда дўкончалар ёки устахоналар мавжуд бўлиб, улар уйнинг кўча томонга қараган тарафида жойлашган.

Этрурия меъморлиги қурилмалари ичида энг яхши холда сақлангани бу -- **мақбара-дахмалардир**. Улар этрурияниң шимолида кўп учраб, худди **тумулусни ўзида музассамлаштириб**, -бу тупроқдан уюм холига келтирилган қўрғон бўлиб, у **дафн этишига мўлжалланган камера ва дромосга эга** бўлиб, катта- катта тош блоклардан қурилган. Бошқалари этрурияниң жанубида Черверти яқинида учраб, тумулус қўринишига эга бўлиб, у бўлак тошлардан қурилмай, балки яхлит қояга йўниб ишлаган. Бунга эр.ав 7 аср га хос **Ragolini Галласи** мақбараси Шер суратли мақбаралар.....

**Кейинги 3 чиси тўғритўртбурчак шаклидаги уйга ўхшаб**, худди ўлганларга хос шахар қўринишида? .Бу мақбаралар деворидаги суратлар хам эътиборни тортади. Эр.ав 6-5 аср бошида – Корнето, Кюзи, Черветри, Орвиетто ва бошқа

ерлардаги қурилмаларда күплаб суратлар солинган “склеплар” етиб келган. Масалан. Икки бир хил деворлар шипнинг шаклига мос равища улар суратлар билан безатилган. Бу тасвиirlар қурилманинг янада бойитиб күрсатади. Силлиқ охак сувоққа бўёқлар шундоқ ўз ўзида суртилиб, ғадирбудур юзалар сувоқ билан қопланиб, у эса, грунт вазифасини ўтайди. Этруссклар минерал бўёқлардан унумли фойдаланиб, тасвиirlар фреска техникасида ишланганяни нам сувоқ сиртига. Баъзи жойлари ажралиб туриши учун бўёқлар қуриук гурурт устига ишланган. Этрусск рассомининг палитрасида –қора, оқ, қизил, сариқ, кейинроқ, кўк, яшил ранглар ўрин эгаллаган. Оқ ва сариқ гурунт тасвир учун фон вазифасини ўтаган. Девордаги сурат худди белбоғга ўзашаш кўринишда гир айланган. Девор юқорисида хайвон тасвири декоратив фигура хақиқий гералдик холатда ишланган. М: Сиртлонлар мақбарасида –ўртадаги кенг белбоғ асосий тасвирни бўлиб, унинг юқорисида ва тагида фриз ўтиб, фигуralардан иборат.

### **Ўтилган дарсни мустаҳкамлаш учун саволлар:**

1. Этрурия, этрускларнинг этник ва географик тузулиши.
2. Этрусклар меъморлигининг ўзига хос жихатлари.
3. Ахоли турар жойларнинг ўзига хос режаси.
4. Этрусск ибодатхоналарини тушунтиринг. Уларнинг режаси .
5. Этрусск санъатининг ўзига хос хислатлари.
6. Этусск хайкалтарошлиги намуналарини номланг ва тахлил қилинг?
7. Этрусклар маҳобатли санъатининг ўзига хос усуллари
8. Этруск амалий санъатидан мисоллар келтиринг?

**14-мавзу.**

### **ҚАДИМГИ РИМ САНЪАТИ**

- 1. Қадимги римликларнинг сиёсий –ижтимоий ва маънавий хаёти.**
- 2. Қадимги Рим санъатининг ривожланиш босқичлари.**
- 3. Рим Республикачилар даври санъати ва архитектураси.**
- 4. Қадимги Рим Август даври архитектураси ва шаҳарсозлиги.**
- 5. Қадимги Рим Август даври хайкалтарошлиги.**
- 6. Қадимги Рим санъатининг кейинги жаҳон санъати ривожида тутган ўрни.**

**2-илова**

### **ТАЯНЧ ИБОРАЛАР:**

Республика даври. Империя даври. Концелярия даври. Реалистик портрет, “Капитолия она бўриси”, Оратор, “Ўз аждодларини кўтариб турган Римлик портрети”, Венера, Базилика. Амфитеатр. Терма. Арка. Колонна. Форум. Равоқли ва гумбазли конструкциялар. Бетон конструкцияси. Сувоқлаш. Акведук. Композит ордери. Ордерли аркада. Романум форуми. Цезар форуми, Август форуми, Антонинлар даври, Троян форуми. Троян колоннаси. Тит ва Константин аркаси.

## МАЪРУЗА МАТНИ

*Қадимги римликларнинг эр.ав. 1 йилликда сиёсий-маънавий хаёти* Рим республикаси эр.ав 6 аср охиридан то эрамиздан аввалги 1 аср охирида империягача бўлган давр республикачилар тизимининг ташкил топгандан тарихи бир неча босқичларга бўлинади. Дастреб Рим унча катта бўлмаган шахар-давлат бўлиб, ўз атрофидаги халқлар –лотинлар, экволар ва волсколар билан узлуксиз урушлар олиб бориб, уларни ўзига бўйсундиради.

Кейинги босқич бу - Рим томонидан бутун Италияning босиб олиниши бўлди. Республикачилар даврининг сўнгидаги барча ўрта аср давлатларини кўлга киритиб, Рим қудратли давлатга айланди.

Рим республикачилар даври рим халқининг тарихида аллангали урушлар даври эканлиги билан характерланади. Бу тўқнашувлар бир тарафдан, қулдорлик тузумига асосланган кескинлик натижаси бўлиб, қуллар ва қулдорлар ўртасида тез-тез келишмовчиликлар бўлиб, бошқа томондан плебейларнинг патрициялар билан қураши натижасида сиёсий хуқуқ ва иқтисодий ахволни яхшиланишига олиб келди. Республикачилар даврининг сўнгидаги эр.ав 2-1 асрларда жамоадаги қарама -қаршиликлар янада авжига чиқди. Қулларнинг сонининг орта бориши қуллар меҳнатидан фойдаланишнинг арzonлашувига олиб келди. Қулдорлик янги босқичга қадам кўйди. Бунда қулларни янгича эксплуатация қилиш йўлга қўйилиб, йирик дехқончилик хўжаликлари-латифундияда ва руда конларида кетма- кет бўлиб турган қуллар қўзғолонлари республикани ларзага келтириб, таҳликага солар эди. Эр.ав 2чи асрдаги Сицилиядаги *қуллар қўзғолони*, эр.ав 1 асрда *Спартак қўзғолони* бунинг исботидир.

Айни вақтда қулдорлар орасида турли гурух ва табақалар орасида хам келишмовчиликлар бўлиб туриб, хатто юқори табақа хам оддий халқ билан тез -тез тўқнашувларига олиб келди. Бу келишмовчиликлар эр.ав 1 асрда узоқ вақтлар давом этган фуқаролар урушида ўз аксини топди.

Рим қулдорлик империяси ўзида грек шахар-давлатларига ўхшамас юқори тарихий босқични босиб ўтди. Шу сабаб қадимги рим санъати янги тарихий босқичларда янгича муаммоларни хал этиши айни хақиқатdir.

Римликларнинг дунёқараси қадимги грекларга қараганда хаётни шоирона англашдан кўра янада теранроқ фикрлаш ва амалда тадбиқ этишга қаратилган бўлиб, у антик қулдорлик жамиятининг юқори босқичида шаклланди. У қудратли харбий административ Рим империясининг маданий ривожида санъат ва фан соҳасига хам эътибор кучли бўлди. *Шу сабаб, рим санъатида расмий фуқаролар меъморлиги етакчи рол ўйнаб, айнан шу ердан хайкалтарошлиқда индувидуал портрет ва тарихий хикоянависона бўртма санъати ривожланиб,* турли худудларда рим қонунчилиги ва хуқуқини хаддан зиёд кучайишига олиб келди. Бунинг акси ўлароқ римликлар маҳобатли рангтасвир ва поззияда у қадар донг таратмади. Шу боис улар эллин шерияти ва адабиётига кучли мурожаат этишлари кўринади.

Маълумки, грек санъатида мифологиянинг роли улкан ва беқиёсdir. Римликлар эътиқоди поэтик характердан йироқ бўлиб, вахоланки, бундай

поэтик талқин грек динининг асосини эгаллайди. Инсоннинг илохга бўлган муносабати аниқ бир маросим ёки удумни бажариш билан чекланган. Табиатдаги барча ходисалар ва инсоннинг хаётидаги мухум воқеалар бирор илох билан боғланиб, римликлар эса ўз илохларини узоқ вақт тасвирлашга ботинмаганлар. Уларнинг илохлари мавхум ёки умумий характерда бўгани боис ва чегарлангани сабаб хеч қандай хислатларга эга эмас эди. масалан. чақалоқнинг биринчи йизиси, ёки буғдойнинг унушидаги худо кабилар рим санъатида мифологик тематика рим санъатида у қадар ахамиятл бўлмади. Римликларнинг дастлабки диний эътиқодга мўлжалланган хайкалларини этруссклардан олиб ўзлаштиридилар ёки мерос қилиб олдилар.

Афсона ва ривоятнинг танқислиги маълум бир образларни яратишга асос бўлмади, шу билан бирга бошқа халқлар афсона ва ривоятларини кенг ўзлаштиришларига имкон яралди. Римликлар ўз мабудларини грекларга ўхшата тассавур ва тасвирлашни кейинроқ бошладилар. ....

Қадимги Рим архитектураси Қадимги Юнон архитектураси анъаналари асосида ривожланиб, асосан икки даврдан иборат. Республика даври – эрамиздан аввалги IV асрдан эрамиздан аввалги 30-чи йилларигача, императорлик даври - эрамиздан аввалги 30-чи йиллардан эрамизнинг V асригача.

Рим архитектураси назарий жиҳатдан яхши асосланган бўлиб, Витрувийнинг «Архитектура ҳақида 10 китоб» асари унга мисол бўла олади. Бу асар архитектура ва қурилиш соҳасининг ривожланишига катта ҳисса қўшган холда XX аср бошларигача кенг ишлатилган назарий ва амалий қисмлардан иборатdir. Витрувийнинг асарлари қўйдаги китоблардан иборат.

1-китоб –Шаҳарсозлик ва иншоотлар турлари;

2-китоб –Қурилиш ашёлари;

3-4 китоб –Ордер системалари ва ибодатхоналари қурилиши;

5-китоб –Жамоат бинолари қурилиши;

6-китоб –Туаржой уйлари қурилиши;

7-китоб –Сувоқ ва безак ишлари;

8-китоб –Акведуклар ва сув таъминоти;

9-китоб –Куёш ва сув энергиясидан фойдаланиш;

10-китоб –Қурилиш техникаси ва ускуналари;

Рим архитектурасида ордерларнинг беш тури ишлатилган:

1. Тоскан. Тоскан ордери ўзининг тузилиши билан оддий ва шакли бўйича оғир нисбатларга эга.

2. Дорий ордери. Ионон дорий ордерига нисбатан дорий ордери нафисроқ қилиб ишланган ва чиройли база устига қўйилган.

3. Ионий ордери. Шакли ва нисбатлари бўйича ион анъаналарига толик амал қилган холда ишлатилган.

4. Каринф ордери Рим архитектурасида энг кўп тарқалган ордер турига айланди. Бу ордер нафис нисбатлари ва чиройли капители билан ажralиб туради.

5. Композит ордери. Рим архитектурасида ишлаб чиқилди ва ўзида иони ва каринф ордедерлари хусусиятларини бирлаштириди.

Рим архитектурасида «ордерли аркада» номли янги тектоник таркиб кенг тарқалади. Бу системада устунлар юқ құттарувчи конструкция сифатида эмас, фақатгина безатувчи элемент сифатида ҳизмат қиласы. Рим архитектурасида устунли–равоқли аркада янги тектоник ва конструктив система сифатида кенг тарқалади.

Рим архитектурасида шаҳарларнинг асосий майдонлари –форумлар шакилланиши алоҳида аҳамиятга эга. Форум –савдо маркази ва халқ йиғинлари ўтказиладиган майдон. Форум бўйлами ўқ бўйича ривожланувчи композицияга эга бўлиб, бўйлами ўқ бўйича ибодатхона қурилган. Тўғри бурчакли планга эга ибодатхона форум композициясида асосий элемент бўлиб ҳизмат қиласы. Ибодатхонанинг кириш қисми одатда айвонга эга бўлиб, бу айвон колонналари ионий, каринф ва компазит ордерларида бажарилган.

Колизей амфитеатри 50 минг томошабин ўринларига эга. Коллизей эллипс шаклига эга бўлиб ўқлар бўйича ўлчамлари 156x188 метр ва баландлиги 48.5 метрни ташкил қиласы. Колизей асосан табиий тош ва бетондан қурилиб, беш қаватли ордерли девор билан ўралган.

Терма бинолар шакилланиши алоҳида эътиборга молик. Терма –шаҳсий гигиена ва спорт билан шуғилланиш учун мўлжалланган кўп функциали мураккаб комплекс. Терма комплекснинг асосий заллари чўмилиш ҳафзалари –бассейнларига эга. Бассейнлар хар ҳил ҳароратли: Совуқ, илиқ ва иисик сув билан таъминланган.

Базилика тўғри бурчакли бўйлами ўқ асосида ривожланувчи композицион тузилишга эга. Базиликалар турли йиғилишлар ва трибунал мажлислари ўтказиладиган бино бўлиб, унинг ички тузилиши устунлар ёрдамида уч ёки беш қисмга –нефларга бўлинган.

**Рим республикачилар даври меъморлиги.** Меъморлик қадимги римда етакчи санъат тури бўлди. Агар грек меъморлигидаги қурилишда ибодатхона етакчи ўрин эгаллаган бўлса, рим меъморлигидаги асосий ўрин эгаллаган қурилмалар: уларда рим ғоя ва қарашибарини ўзида куйлаб, кейинчалик императорлик ва қулдорлар табақаси талабларига жавоб бериб, оддий халқ орасида хам ўзининг жозибаси билан эътиборни тортиши керак эди. Булар **рим форумлари, зафар аркалари, амфитеатрлар, термалар, базиликалар сарой ва вилладар шунингдек, инженерлик поижалари асосида яратилган қурилмалари**дир. Булар, бутун бир рим империяси ва шаҳарларини таъминловчи ва энг аввал рим шаҳрининг гигант маркази – метрополиялардир. Рим меъморлигидаги қурилиш техникаси юқори даражага кўтарилиб, инженерлик санъати ва ихтиrolари янада авжига чиқди. Бунда грек эллин меъморлиги усул ва қўлланилишларидан унумли фойдаланилди. Римликлар баҳайбат акведукларни барпо этиб, у сувни бир неча 10 километрга етказиб берган. **Аппий Клавдий** акведуги эр.ав 34 йилда

курилган. Эр.ав. 312 йилда ***Via Appia*** –йўли қурилди. Кўприклар қазилма каналлар -римдаги Максим Клоаки .

Эрамиздан аввалги 3-1 асрларда Қадимги Римга хос жиддий суронли қиёфадан асар хам қолмади. Бу давр хукмдорларини чет мамлакатларга қилган юришлари натижасида Рим, эндиликда бойиб бориб, бу бойликлар унинг умумий ташқи қиёфасини ўзгаришига, қолаверса, бой задогонларнинг бойлик ортидан қувиши натижасида серхашамлилик сари интилишларни юзага келтирди. Хукмрон синф орасида хашамдорлик авжига чиқди.

Римга жуда катта микдорда грек юонон санъат асарлари келтирила бошлади. Римликлар юонон меъморлигига эришилган ютуқлардан кенг ва унумли фойдалана билдилар. Бироқ, грек меъморлиги баъзи типлари ва меъморий шаклларига, композицион ечим ва усулларига қайта ишлов бердилар. Римликлар уларни таг-туби билан қайта ишлов бериб ўзгартирдилар. Масалан юононлар томонидан йўлга қўйилган меъморий ордерлар тизими римликларда янгича қарашлар билан мослаштрилиб, у рим меъморлигига янгича талқинини топди. Даставвал, ордер лоихалашда мантиқан пухта ва аниқ бўлиши керак бўлган бўлса, рим меъморлари ордерни бинони безатишдаги асосий безак сифатида кенг қўлладилар.

Энг қадими махалий рим ибодатхоналаридан айланна шаклига эга бўлган **Тиволидаги унча катта бўлмаган ибодатхона** ( эр.ав 1 йилда) баланд подиумда қад кўтариб, айланасимон целласи гир айланна енгил ва нозик 18 та коринф устунлари билан безатилган. Ибодатхона каскад ва қоялар ўртасида қад кўтарган. Тибурдаги ибодатхонанинг безатилишидаги меъморий элементлари –фриз, плафон кассеталари –эллинистик меъморлик ёдгорликлари яхши ўрганганлигидан далолат беради. Қара? Тибр қирғоқларида жойлашган бу ибодатхона хам илгариги буқалар бозоридаги ибодатхона каби айланна шаклига эга.

Рим ибодатхоналари учун яна бир характерли тип-нусхадаги –***псевдопериптер*** нусхасидир. У ўзида грек периптерининг элементлари билан этруск ибодатхоналари композицион принципларини мужассамлаштиради. Бундай нусхадаги ибодатхонанинг дастлабкиси Римдаги - **Фортуна Вирилис** ибодатхонасидир. Ибодатхона баланд подиумда қад кўтариб, тўғритўртбурчак шаклидаги целласи янада ичкарида жойлашиб, ундаги узун пешайвон (портик) икки қатор устун билан терилиб, целлани хар уч тарафдан гир айланна ўраб турган устунлари худди деворидан ошиб кетаётганга ўхшаш ярим устунларга айланиб кетади. Пешайвонга чиқищдаги зинапоя бино фасадига ургу беради. Ибодатхона ионий устунларидан ташкил топган.

Римда сўнгги республикачилар даврида театр биносининг нусхаси яратилди. Бунга Помпейдаги театр биноси мисол бўла олади. Римдаги Марс майдонидаги **Помпей театрри** (эр.ав.55-52й.) тарихчи Плинийнинг ёзмаларидан маълум.

Рим театрларининг грек театрларидан принципиал фарқи агар грек театрлари қоя ёки қир- адир кўйнида жойлашган бўлса, рим театрлар ўзининг

шахсий мустақил биносига эга бўлган. Рим театрларининг яна бир афзаллиги саҳнанинг бино ички қисмида жойлашуви дадир. Грек театр саҳнаси ортида реал ландшафт мавжуд эди. Шу сабаб рим театрининг ички макони ёпиқ берк ва алохидаги ажралган яъни холидир. Агар грек театри табиат билан ўйғунлашган бўлса, рим театри – шахар типидаги қурилмадир. Субстракцияси – равоқли галерея тизимида бўлиб, ундан худди фойега ўхшаш системадан фойдаланилган, шунингдек, бинонинг одамлар билан тез тўлиши хамда бўшаси хам инобатга олинган.

**Субстракция** – тиргак ёки тирговуч бўлиб хизмат қиласидиган қурилма. Унда асосий бино қад кўтаради. Худди баланд платформа каби ғишт ёки тупроқ уюмидан хосил қилинган тепалик каби.

Амфитеатр мисоли икки айланага ўхшаш театрни бирлаштириб, унда турли томошалар ва чиқишлиар – масалан. Гладиаторлар жангги, хайвонларни захарлаш ёки якка курашлар ва турли кўринишдаги ўйинлар олиб борилган. Бундай ўйинлар бутунлай римликлар ихтиросига хос саҳналардир. Бундай кураш ва ўйинлар кейинроқ императорлик даврида тўлақонли ривожлантирилди. Бундай ўйинлар ва саҳна кўринишлар Флавиевлар даврида **Колизей** биносида (80 й.) олиб борилди.

Республикачилар даври маҳобатли қурилма турига – рим аслзодаларига мўлжалланган мақбара – даҳмалар хам хос бўлиб, у Рим дарвозасига ортида катта йўл ёқасида жойлашган. Қабртошлар – саркофаг, обелиск ёки устун кўринишида бунёд этилиб, бундай мақбаралардан – Аппенин йўлидаги – **Цецилия Метелла** мақбараси эр.ав 1 аср ўрталарида қурилган. Бу маҳобатли қурилма баҳайбат цилиндрик шаклда квадрат асосли. мақбара томонлари – 22.3 teng. Қабрнинг юқори қисми конус шаклида якунланган. Қурилма бетондан қурилиб, тош билан пардозланган. Минорасини безаб турган фриз ва карниз, жижимадор мармардан ишланган чўққиси антик даврдан кўра ўртаасрга хос. Бу меъморий ёдгорлик ўз шакли тамойили билан этруск мақбара – даҳмаси – Тумулусни эслатади. Цецилия Метелла мақбараси бақувват барабани билан ўзгача охангда қурилиб, карниз билан якунланган.

Республикачилар даврида Қадимги Рим умумжамоа маркази бўлган Форумларни қуриш ва барпо этиш йўлга қўйилган. Шундайлардан – Романум форумидир. Бу майдон ўзининг хажми, ўзидағи умумжамоа бинолари ва ташкил қиласиди. У эркин лоихалаш принципида бунёд этилган.

Республикачилар даври турар жой яъни ахоли яшайдиган уйларнинг энг эътиборлиси – Помпейда қурилиб, Римда бу вактда қўплаб уйлар бузилиб кетган бўлиб, улар ўрнида кейинги даврда бинолар қад кўтарган.

Шу ерлик италий уйлари – атриум ва перестил (ички ховли у коллонадалар билан ўралган) билан бойитилиб, шу билан бирга бундай уйлар хайкаллар ва фонтан билан хам алохидаги эътибор берилган. Перестиль атрофида яшайдиган уйларнинг эркин жойлашуви – Делос (Греция) га хос бўлган ечим. Бундай ечим римликларда бир ўқ атрофида жойлашганилиги билан алмашинади. Бундай ўзига хослик яна этруск турар жойларига хос хислатдир. Республикачилар даврида Помпейдаги энг яхши холда сақланган уйлардан

**“Пансилар уйи”, Фавна уйи”, ва “Кумуш тўйлар уйи”**дир. Бадавлат кишиларнинг виллалари юзага келишида турли сабаблар мавжуд. Бу биринчидан рим юқори табақасининг хаддан зиёд бойигани бўлса, бошка томондан индувидуализмнинг кучайишидан, яна бир сабаби шахардаги шовқин-сурондан қочиш ва табиат сари интилишнинг белгисидир.

Витрувий қишлоқ вилласини – хўжаликка ва ишлаб чиқаришга мўлжалланганини таъкидлаб ажратади. Шахардаги виллаларнинг аксарияти кўплаб Неополитан қўлтиғида жойлашгани ва улардан энг яхши сақлангани – **Мистерия вилласи ва Диомеда вилласи** Геркуланум яқинида, **Папируслар вилласи, Боскореалдаги виллалари**дир. Шахар чеккасидаги виллалар хам худди шахардаги виллалар каби режалаштирилиб, перестили каттароқ бўлиб, хақиқий боғга айлантирилган. Қурилманинг асосий қисмида хўжалик ёки фойдаланиш учун мўлжалланган уйлар –гир айлана ёки тўғритурчак шаклида жойлашган. Виллаларнинг лоихалашда маҳаллий ернинг тектоник жойлашуви хам хисобга олинган. Улардаги усталик билан ўйлаб топилган – боғ, фонтан, беседка, ғорлар ва хайкалтарошлиқ бутун бир мажмуа билан киришиб кетади. Вилладаги энг ажойиби бу –**писцина** –катта сув омбори хам алохида эътиборли.

Рим вилларининг меморий принципи эр.ав. 1 асрнинг охирида юзага келди. Императорлар давридаги виллалар нафақат хажми билан хатто серхашамлилиги ва қимматбаҳо материалларнинг қўлланилиши билан хам ажралиб туради.

**Махобатли рангтасвир.** Республикачилар даврида хашаматли уйларнинг ажралмас қисми махобатли суратлар бўлди. Махобатли рангтасвирнинг энг нодир намуналари –Помпей шахрида кўплаб топилгани боис бу шахар антик рангтасвирни ўрганишдаги макон бўлди. 19 аср охирида Помпей деворий суратларини ўрганиш бошланиб, уни 4 стилга ажратилиб, аниқ бир тарихий босқич билан боғлиқлиги ўрганилди. Бу бўлиниш ёки ажратиш нафақат Помпей учун, балки, эрамизнинг 1 арининг 3 чорагида рим декоратив рангтасвир санъатини ўрганиш ва аниқлашда хам зарур бўлди.

Эр.ав 2-1 асрларда республикачилар даврида – **1чи ва 2чи стиллар** ривож топади. Биринчи ёки “**инкрустацион стил**” ўзида рангли мармарга тақлиднамо охангни мужассамлаштириб, алохида квадралар, карніз ва пиястрлар, рельеф тарзида штукатурка қилиниб, бўртиқ кўринишга эга. Биринчи стилга хос суратларнинг ранги-тўқ қизил, сариқ ва оқ бўлиб, тоза тонларда ишланиб, ўта мазмундорлиги билан ажралиб туради. Ундаги рангни сингдирувчи штукатурка бир неча қаватдан иборат бўлиб, кейинги хар бир қавати майинлашиб майдалашиб боради. 1чи стил қатор уйларда қўлланилиб, хатто Помпейдаги Фавна уйида хам учратиш мумкин.

**Иккинчиси –архитектуравий стил-меъморий стил-деб** номланган аввалги яssi стилга нисбатан маконий ечимга эга. Деворларда калонналар, капителлар, карніз, пилястрлар тасвирланиб, у томошабинни чалғитишга қаратилган.

**Хайкалтарошлик.** Хайкалтарошлик бу даврда шахсни кўкларга кўтариш ва унинг шон шухратини кўйлаш масалаларини илгари сурди. Республикачилар даври хайкалтарошлигига маҳобатли турдан кўрапортретчилик ривожланди. Айниқса реалистик портретчилик рим хайкалтарошлигидаги ўзига хос турлардан бири бўлди. Бундай хайкаллар асосан ўлган кишининг юзидан ниқоб олиш асосида шаклланди. Шундай хайкал портретлардан “шу даврнинг хукмдори “Ю.Цезар портрети”

**Август даври санъати** (эр.ав. 27 й –эрамизнинг 14 йили) Қуллар ва камбағалларнинг бош кўтариши натижасида бой қулдорлик республикасига қаттиқ зарба берди. Рим хали у қадар йирик шахар бўлмаган вақтданоқ у сиёсий жихатдан хали кучсиз бўлишига қарамай, Ўртаер денгизидаги улкан империяни бошқаришга кучи етмас эди. Бу вақтларда қулдорларни табақаланишини химоя қилишда? Бақувват марказлашган хокимият зарур эди. Айни худди шу даврда республикачиларнинг олиб борган сиёсати хали жуда мустахкам эди.

30-йиллардан Рим тарихида янги сахифа очила бошлайди. Рим империяга айланаётган бир вақтда сиёсий тўнтарилишлар оқибатида давлат вақтинчалик монархия ва харбий диктатурага айланишига сабаб бўлди. Бу муваққат диктатурага Октавиан Август (эр.ав. 27й.- эр.ав. 14 аср.) асос солди. Октавиан хам худди Цезар каби республикачилар тузумига хос бўлган кескинликлардан четлашишга харакат қилди. Римда сенат иш олиб бориб, у билан бирга халқ мажлиси ва сайлов магистратлари хам фаолият юритар эди. Бироқ, империяни бошқаришдаги энг асосий лавозимлар харбий диктатор Августга бўйсуниб, унинг йўриғи билан иш олиб борар эди. Янги давлат тузуми принципиат мақомига эга бўлди. Принципиатнинг ўрнатилиши даврнинг асосий сиёсий муаммоларини хал қилишга қаратилиб, империя рухи ва масштабига (ўлчовлари) мос бўлган. Жумладан, эксплуатация қилинаётганларни бости-бости қилишда хам. Бошқарувнинг янгича шакли чекка жойлардаги аслзодалар ва чавандоз ва нобилларнинг эътиборини тортиб, уларни хам четда қолдирмади.

Рим фуқаролари узоқ йиллик фуқаролар урушидан сўнг, энг аввал, тинч-осуда хаёт кечиришни тиклашга харакат қилдилар. О.Август томонидан “Рах Романа”( рим тинчлиги) шиори остидаги сиёсат илгари сурилиб, ахолининг турли табақалари томнидан қўллаб қувватланди. О. Август ўзининг давлатни бошқаришдаги ички расмий сиёсатини олиб борища ўзининг айёrona сиёсатини йўлга қўйди.

**Август даври меъморлиги.** Август давр меъморлиги албатта императорлик авторитетини мустажмлашга қаратилиб, қурилган қурилмаларда унинг бойлиги ва очиқ қўллиги хам акс этиши керак эди. Империя шарт шароитдан келиб чиқсан холда бу даврда қурилмалар улкан масштабларга эга бўла борди. Август даври меъморлигига қурилиш техникаси хам мукаммалашди. Қурилишда бинони қуришда ва унинг равоқ, девор ва умуман уни лоихалашда Рим бетони (пишган ғиштнинг майдалаб аралашган холда) пайдо бўлиб ундан унумли фойдаланилди. Бундай ғиштин

—бетон қориshmанинг юзага келиши қурилишда мустахкам ва улкан хажмга эга гумбазларни қуриш имкониятини яратди. Айни вактда бу қориshmанинг қўлланилиши қурилиш ишларини билмайдиган қуллар меҳнатини хам енгиллаштирди. Ғиштин —бетонга асосланган қурилмалар сирти ёки мармар билан баъзида охакли травертинали аралашма билан сувалиб пардозланган. Бу хақида тарихчи Светонийнинг ажойиб сўзлари : “Август Римни лой холда қўлга киритиб, уни мармардан бунёд этиб ташлаб кетди”-деган эди. Бундай ажойиб иборалар шундан далолат берадики, яъни императорлик даврининг бошланғич даври қурилиш ишларида янгича техник усул ва қўлланилишлар юксалганлигидан ва бу усуллардан унумли фойдалана билишганлигидан далолат беради.

Римда империянинг чегараси кенгайганлиги сабаб, савдо-сотик ривожланиб, шахарда хаёт жонлангани боис –форумлар, умумжамоа бинолари –базиликалар, томошагох қурилмалар: театр,амфитеатрлар, цирклар) термалар, саройлар ва турар жойлар,ибодатхоналар, меъмориал ёдгорликлар, кўприклар, йўллар, акведуклар ва триумфал аркалар қурилиши авжига чиқди.

Рим императорлик даври меъморлиги бизгача ўша холда етиб келмаган, улар тарихий жараёнлар ва табиий офатлар натижасида вайрон бўлган, қайта ўзгаришлар киритилган ва яна қайтадан тикланган. Август даври қурилишлари композицион ечими ва режалашуви ўзининг ўта соддалиги билан ажралиб туради. Масалан, Август Форуми композицион лоихасида ўтган Цезар даври лоихалашуви (тўғритўртбурчак режадаги перестил ховли ва унинг қоқ марказида ибодатхона жойлашаган.) қайта ривожлантирилди. Августнинг ушбу форумининг ичкарисида – **Марс Ултор** ибодатхонаси жойлашган. Бу баҳайбат майдонда ибодатхонанинг ўнг ва чап томонларида – айлана шаклини хосил қилувчи деворлари охак сувоқли бинолар қад кўтарган. Ўша даврда бу айлана майдонлар хайкаллар, яримустунлар ва портиклар билан безатилган эди.

Бу даврга оид бизгача яхшироқ ахволда сақланиб қолган эр.ав 1 асрга хос қурилмалардан – **Марцелла театри** бўлиб, у ярим айлана шаклига эга бўлиб, бу театр антик қурилмаларига қараганда бирмунча яхшироқ холда сақланган. Марцелла театри грек театрларига қараганда кўп ярусли фасадга эга бўлиб, у аркали ордерларлардан иборат. Бизгача бу театрнинг фақат икки қавати сақланиб қолган. Биринчи қаватида – столб ва аркалар ярим калонна ва тоскан ордери антаблементи билан қиёсланса, иккинчиси эса, ионий ордерлар билан.

Август даврига оид қурилмалардан яна бир – бу термалар бўлиб, шундайлардан **Агринна термаси** бизгача сақланмаган.

Римда Августга бағищланган мавзолей хам бунёд этилиб – у катта цилиндр шаклига эга бўлиб, олий канипча (насип) қум билан якунланган.?

Асрнинг биринчи ярмида шунингдек, қатор инженерлик қурилмалари хам яратилиб, булардан **Клавдийнинг** баҳайбат **Акведуги** бизгача қисман сақланиб қолган. Август даври турар жойлари яъни истиқомат қилиш учун

мүлжалланган уйлар ассоан, хос уйлар ва кўп қатлатли уйлар нусхаси ривожланиб, улардан кўп қаватли уйлар римнинг кўплаб худудларидан жой олди. Помпейда шунга хос уйлар -**домуслар** кўплаб сақланиб қолган. Уларда этрусклар уйи билан эллинистик нусхадаги уйлар кўриниши қоришилиб кетган. Этрускча уйлардан атриум мерос қилиниб, у марказдаги энг эътиборли расмий хона бўлган бўлса, эллинча уйлардан –перестил ховлиси, асосий яшайдиган хона сифатида хизмат қилиб, у интим ётоқхона қисми бўлган.

**Август даври тасвирий санъати** Август даври тасвирий санъатида алоҳида расмий стил юзага келиб, у портрет ва бўртма санъатида ривожланади. Бу давр санъатининг илк босқичида эр.ав.5-4 аср грек санъати анъаналари ривожлантирилиб, классицизм стили бу даврнинг хумрон стилига айланади.

4-и洛ва

#### **Ўтилган дарсни мустаҳкамлаш учун саволлар:**

1. Қадимги Рим ёки Антик давр цивилизациясида изоҳ беринг?
2. Қадимги Рим империясининг худудий чегараси ва этник тарикиби.
3. Рим Республикачилар даври сиёсий- маънавий хаёти.
4. Рим Республикачилар даври меъморлигига характеристика.
5. Қадимги Рим архитектурасида қандай янги қурилиш ашёлари ва конструкциялари ишлатилган?
6. Форум ансамбларининг шаклланиш хусусиятлари.
7. Қадимги Рим ордер системаси қандай хусусиятларга эга?
8. Республикачилар даври тасвирий санъати.хайкалтарошлиқ.
9. Бу даврга оид хайкалларни қайд этинг ва тахлил қилинг?
10. Август даври рим санъати ва маданиятининг “олтин асли”га изоҳ беринг?
11. Август даври меъморлигига қилинган ишлар ва Форум ва ундаги қурилмалар.
12. Қадимги Рим архитектурасида Гумбаз ва Равоқлар.
13. Қадимги Рим қурилиш ашёлари ва техникаси.
14. Рим архитектурасида ордер системалари.
15. Ордерли аркада типтоник структураси.
16. Рим архитектурасида бинолар ва архитектуравий ансамблар.
17. Август даври хайкалтарошлиги ундаги ғоя ва қарашлар. Улардан мисол келтиринг ва тахлил қилинг?

5-и洛ва

#### **15 - Мавзу. II-III -АСРЛАРДА ҚАДИМГИ РИМ САНЪАТИ**

#### **МАЪРУЗА РЕЖАСИ**

1. **Рим 2 аср санъатига характеристика ва бу даврдаги сиёсий ахвол.**
2. **2-3- аср Рим архитектураси.**
3. **Траян даври меъморлиги ва санъати.**
4. **2-аср Рим санъати. Антонинлар даври архитектураси ва хайкалтарошлиги.**
5. **3-аср Рим архитектураси.**
6. **Рим провинциялари санъати.**
7. **Илк христан санъати.**

## ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

Республика даври. Империя даври. Концепция. Базилика. Амфитеатр. Терма. Акведук, Арка. Аркада, Колонна. Форум. Равоқли ва гумбазли конструкциялар. Бетон конструкцияси. Сувоқлаш. Акведук. Композит ордери. Ордерли аркада. Романиум форуми. Траян форуми. Траян колоннаси. Нерон, Нероннинг олтин саройи, Колизей, Тит ва Константин аркаси. Палатин қасри. Колизей амфитеатри. Каракалла ва Диоклетиан термалари. Витрувий, Пантеон ибодатхонаси. Апполодор Домаский, Константин базиликаси. Инсуллар. Христианлик, Исо, Мария, сахобалар, оташпаратлар, катакомба, рамзлар: узум бошоги, балиқ, юлдуз, хоч.

3- иловга

## МАЪРУЗА МАТНИ

**2- аср рим империяси санъати** 2-аср Римга хос характерли хислат - бу даставвал унинг худудий чегарасининг кенгайиши бўлса, бошқа тарафдан маданий юксалиши шу билан бирга санъатининг хам энг юксалган даври эканлиги билан белгиланади. Айнан бу давр Рим қулдорлик давлатининг ички хамда ташки сиёсий қарама-қаршиликлар авж олган даври хамдир. асрнинг иккинчи ярмига келиб бу зиддиятлар ва кескинлик бирмунча енгиллашади. Императорларнинг рим метрополиясида иқтисодий сиёсатларини ривожлантириш учун олиб борган сай харакатларига қарамай, Италия иқтисоди сустлаша бориб, аксинча римнинг кўплаб чекка худудларида хаёт жонланди. Жумладан, Гарбда Испаниядан то Галлиягача, Шарқда Мисрдан Суриягача бўлган худудлар маданияти юксалиб, уларда ўзига хос тарда санъат ривожланди. 2 асрда Римдан чекка худудларида бўлиб турган қўзғолонлар: Греция, Миср, Киренанка ва Иudeядаги қўзғолонлар римликлар томонидан вахшиёна бостирилиб, натижада рим қулдорлик давлатининг социал ва иқтисодий инқирозидан дарак берар эди. Унинг акси айниқса, бу давр маънавий хаётида ва маданий борада ўз ифодасини топди. Турли шарқона мистик-диний қарашларнинг кенг ёйилиши, м, Мисрча Исида маъбудасига ёки эронликларнинг Митра худосига эътиқод қилиш кабилар, шунингдек, христианликнинг юзага келиши хам бунга яққол мисолдир.

Император **Траян** (98-117) римнинг энг кўзга кўринган императори хамда харбий қўмондонларидан бўлиб, Дунайда у даклар устидан, Осиёда Парфия ва Арманистон билан урушиб, кўплаб қулларга эга бўлиб, шу билан бирга ўз худудини кенгайтириб, давлат ғазнасини хам бойитди. шунингдек у римнинг иқтисодий ахволини яхшилаб, инқирозига хам чек қўйди. Траяннинг давлатни идора қилишида ўзи якка бошқаришга амал қилиб, бироқ, у хам халқ олдида кўз бўямачилик қилиб, республикачилар даври сиёсатини илгари суриб, сенатга катта эътиборини жалб қилди. Бундай хислатлар албатта Траян даври саройидаги портретчиликда ўз муҳринии қолдириди, бу даврга хос портертчиликда республикачилар даври анънаналарига тўғридан тўғри тақлид қилинганлиги шундоқ сезилиб туради. Шу даврга хос шундай хислатларни ўзида аниқ акс эттирган портретлардан Траяннинг хайкал портретидир. Бу портретда шахсан император Траяннинг хақиқий шижаоткор ва жасур қиёфаси мужассамлашган. Бироқ ушбу портрет ўзининг хаддан зиёд бўрттирилганлиги ясалиши жихатдан қуруқ ва

графикага хос хислати билан бошқа рим реалистик портретларидан ажралиб туради.

**Троян даври меъморлиги.** Троян даврига хос меъморлик эллинистик давр меъморлиги анъналарини давом эттирган Флавиевлар меъморлиги анъналарини ривожлантириди. Траяннинг қурилишга иштиёқмандлиги ва серғайратлиги Қадимги Римнинг донғи кетган меъмори Апполодор Домашқийдек меъморнинг номи билан узвий боғланди. Апполодор Домашқий асли сурялийк греклардан бўлиб, у меъморлик соҳасида ўз малакасини шарқда оширди. Апполодор Траян саройининг шахсий меъмори хамда инженери бўлиб ишлади. У ўзи бунёд этган – Дунай узра қад кўтарган энг бахайбат ёғоч кўприк ва осадних машина тўғрисида битилган икки трактатнинг муаллифи хамdir.

Апполодор томонидан ўзидағи барча турли нусхадаги қурилмалари билан Траян форуми дунёга келди. Бу форум аввалги бошқа форумларга қараганда меъморий ечими ва лоихаси билан энг катта ва серҳашам императорлик форуми эди. Унга кириш бўлиб триумфал арка йўл бошлаб, унинг ортида 120x120 метрли катта ховлига эга. Ховли ёки майдонча эса икки портикка эга бўлиб, натижада ён деворлар ярим айланани хосил қиласди. Бу майдонга Улпия деб номланган беш нефли базилика бириктирилиб, унинг ортида унча катта бўлмаган айланасимон майдончада лотинча грекча ва лотинча кутубхона биноси ўрин олган. Бу кутубхона биноси қоқ марказида Траян устуни қад кўтариб туради. Майдоннинг ичкари қисмида худди шу туташ жойда Траяннинг ўлимидан кейин императорга бағишлаб ибодатхона хам қурилди.

Майдоннинг шимолий-шарқий ярим айланана қисмида беш қаватли бахайбат биноси савдо расталари билан бириккан. Унинг қолдиқлари айни вақтгача сақланиб қолинган. Траян бозори ўзининг бетон ғиштинли меъморий ечими билан эътиборлидир. Бозорнинг асаосий зали уч қаватли хочсимон равоқ қўлланилган.

Форумнинг бутун меъморий комплексининг бир тизимга асосланиши, майдонларнинг продолжение? Бир маромда кетма кет кесишуви ва гир айланана қурилмалар билан ўралгани – буларнинг барчаси ўтган давр форумларига хос белгидир. Траян форумидаги кетма кетлик ярим айланана “эксадра”лар билан безалиши, форумнинг кўндаланг кесишган марказига урғу бераб, шу билан бирга кўндаланг жойлашган Улпия биноси билан хам. Майдоннинг қоқ марказида Траяннинг тилла ранг бронзадан ясалган отлик хайкали қад кўтарган. Майдон рангли мармар плита билан қопланган. Форум деворларининг ички тарафи хам мармар билан ишлов берилган. Экседралар олтин суви қопланган трофей яъни (хайроннинг қотирилган боши) бидан безатилган. Майдоннинг очиқ айлонлари, ибодатхона ва базиликалар кўп сонли хайкаллар билан безатилган. Ички безатилишда мармар ва гранитдан ишланган колонналар бири билан қиёслашиб, базиликанинг том қисми зар хал бронза лист билан қопланган. Ундаги римга хос гумбаз ва аркалар

ўринга колоннадалар ва ёғоч тўсинлардан унумли фойдаланиш балки, Апполодорнинг грек мъеморлиги билан хамоханглигини кўрсатади.

Форумдаги бошқа қурилмаларга қараганда энг яхши сақлангани бу Траян колоннасиdir. Унинг баландлиги 38 метрга тенг. Колонна тўғритурчак шаклдаги пойдеворда қад кўтариб, у юмaloқ мармар бўлаклардан ишланган. Колоннанинг асоси яъни ўзаги ионий устуни ўзагидан олиниб, у 27 метр бўлиб, сирти спиралсимон бурама бўртма билан қопланиб, 22 та бурамани ташкил қилади. Бўртма лентанинг узунлиги 200 метрга тенг. Ундағи фигуralар сони 2500 мингтага яқин. бўртмаларда Траяннинг дакларга қарши юриши тасвирланган. Колонна дорий устуни капители билан якуnlаниб, капител узра Траяннинг хайкали жойлашган. Колонна асосида яъни ичида Траян ва унинг рафиқасининг вақт соати келиб куни битса, жасадни сақлаш учун (урна) хам яшириб қўйилган. 1басрга келиб Траян хайкали олиб ташланиб унинг ўрнига сахоба Петр хайкали билан алмаштирилди.

Траян колоннасига ишланган бўртмалар рим хайкалтарошлигининг ўзига хос тарихий-хикоянависона жанрни илгари суриб, унда римликларга хос кузатувчанлик ва назидателнийликка қараб бурилиш каби хислатлар яққол кўзга ташланади. Бўртмада - римликларнинг даклар устидан эришган ғалабаси мазмунли батафсил хикоя қилинади. Воқеалар реал ва хақиқий хаётдан олиниб: тинч оқаётган Дунай дарёси, уфқда римликларнинг бунёд этган қурилмалар узоқдан ғира шира кўриниб, ундан кейин римликларнинг даклар билан олиб борган алангали урушлари, дакларнинг аср тушиши, қўлга тушган дакларни қамалиши, кули кўкка совурилган дакларнинг уйи, ва қалъя ва саройларни ишғол қилиш ва хаказо..бу сахналар шу давр тарихини ўрганида қолаверса, шу даврга хос маданият ва урфларни билишда, ўша давр кишиларининг қиёфаси ва либосларни тассаввур қилишда хам ўта ноёб хужжатли далилдир. Тасвирларда рим жангариларини бўрттириб кўрсатишга интилиш кучли хис қилинади. Айниқса, Траяннинг қиёфасини ифода этишга алоҳида эътибор қаратилган. У бу композицияда 90 га яқин портрет қиёфаси кузатилади. Улар Траяннинг қандай рим императори ва йўлбошчиси бўлганилигидан далолат бериб, шу билан бирга унинг ички маънавий оламини ёритишга хам харакат қилинган.

Бироқ Траян даврига хос маҳобатли хайкалтарошликтининг энг сира асарларида архаик қолдиқлар йўқолиб боради. Траян аркасига ишланган аср тушган даклар хайкалларида нафақат инсонларни этник қиёфасини етказиши билан бирга, уларнинг хам ташки қиёфаси хамда ички дунёсини хам ёритишга интилиш кузатилади. Айниқса аср тушган даклар образини фожиавий дарматик тарзда тўлақонли очиб берилиши бу давр хайкалтарошлигининг эришган ютуғидир.

#### 4-илова

#### Ўтилган дарсни мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Қадимги Рим 2-асрдаги тарихий сиёсий ахволга изоҳ беринг?
2. 2 аср Антонинлар сулоласи давридаги сиёсий- маънавий хаёт.
3. Траян даври архитектураси. А.Домашкий фаолияти.
4. Траян форуми, Траян устуни ва ундағи бўртмалар.

5. Траян даври санъати. Хайкалтарошлиқ ва портретчилик.
6. 3- аср Рим санъатига тушунча беринг?
7. 3- аср Рим архитектураси.”Каркалла термаси”, “Аврелиан девори”, “Диоклетиан саройи ва термаси” ни тахлил қилинг?
8. Христианлик ва илк христиан санъати.
9. Катаомбалар .Улардаги христиан тасвирлари

*5-илова*

**16 мавзу.**

## **ҚАДИМГИ ХИТОЙ САНЪАТИ**

### **МАЪРУЗА РЕЖАСИ**

- 1. Қадимги Хитой географик -этник таркиби ,дини, урф- одати.**
- 2. Қадимги Хитой санъати босқичлари ва миллий анъаналари.**
- 3. Қадимги Хитой архитектураси.**
- 4. Қадимги Хитой тасвирий ва амалий санъати.**

*2-илова*

### **ИЗОХЛИ СЎЗЛАР**

Яншоа, Луншан, будда, буддизм, Шан ин даври, Чжоу даври, Цин ва Хан даври, Буюк Хитой девори. Синдундаги даҳма. Чжоу даври бронза идишлари.

*3-илова*

### **МАЪРУЗА МАТНИ**

Қадимги Хитой санъатининг даврий чегараси. Эр.ав. 4 мингинчи йилликдан то 3 мингинчи йилликкача хитой санъати қатор босқичларни ўз ичига олади. Хитойнинг этник таркиби ва географик тузулиши. Қадимги Хитойнинг сиёсий ва маънавий хаёти. Қадимги Хитой ёзуви ва санъатининг юзага келиши. Кулолчилик. эр.ав. 4 мингинчи йилликда қадимги хитойликлар кулочилик билан машғул бўлган. Бу даврда кулолчилик буюмлари дастгоҳда ясала бошлаган. Улар ситри оқ. Қора, кизил ранглар билан ромб. Зиг заг ва панжара симон нақшлар билан безатилган. бундай кўзалар чақмоқ чақиши, ўт олов ёки яхши хосил унишига аталган сирли маросим учун мўлжалланган. ”Яншоа” кулолчилик намуналари деб номланган бу идиш ва буюмлар шу жойнинг номи билан боғланади. ”Луншан” кулолчилиги услуби яншаога қараганда анча нафис ва шакл жихатдан хам нозик бўлган.

**Шан-Ин ва Чжоу даври санъати** (Эр.ав.2-й. ўртаси ва 1 м.йиллик) Кулолчилик. бронзадан ишланган идиш ва буюмлар. Улар сиртига ишланган геометрик ва бўртма тасвирлар. **Чжоу даври санъати.** (эр.ав 11 аср) Чжоу даврида фалсафа, адабиёт ва санъатнинг гуллаб яшанаши. Чжоу даври шахарсозлиги. Хунармандчилик ривожи. **Чжанъго даври.** (эр.ав 1 м.йиллик охири). Патриархал қулдорлик тузумининг емирилиши. Тасвирий ва амалий санъатнинг ривожи, турли метал ва суюқдан ишланган идиш ва буюм ва уй жихозлари.

**Цин ва Хан** (эр.ав.3м.й.-эрамизнинг Засри) даври санъати. Марказлашган империянинг вужудга келиши. Меморлиқ. Буюк Хитой девори қурилиши (эр.ав.4м.й-3м.й.) Сандун ва Сичуандаги қирол ва унинг оиласига мўлжалланган даҳмалар. Улардаги хайкал бўртмалар. Қадимий Хан империясининг қуллар қўзғолони натижасида инқирозга юз тутиши.

### **Ўтилган дарсни мустаҳкамлаш учун саволлар:**

1. Қадимги Хитойнинг географик тузилиши.
2. Қадимги Хитой халқининг урф одати, дини ва ривояти.
3. Яншао ва Лунишан кулолчилиги. Уларнинг услуби ва шакли.
4. Чжоу даври санъатининг равнақи.
5. Цин ва Хан даври санъатига тариф беринг?
6. Буюк Хитой девори қурилиши тарихи.
7. Сандум ва Синчундаги қирол даҳмалари.

**17- мавзу.**

### **Қадимги Хиндистон санъати МАЪРУЗА РЕЖАСИ**

1. Қадимги Хинд халқининг этник таркиби , дини ва урф одати.
2. Қадимги хинд адабиёти, шерияти ва фалсафаси.”Махабхорат” ва “Рамаяна” эпик асари.
3. Қадимги .Хиндистон меъморлиги.
4. Қадимги Хинд санъати.
- 5.Хинд хайкалтарошлиқ ва амалий санъати

2-илова

### **ТАЯНЧ СЎЗЛАР**

Шива, Махобхорат, Рамаяна, Веда, Индра, Агни, Сура, Митра, Савитари, Брахман, Брахманизм, Варна, Вишна, Кришна, Маури, Ступа, Стамбх, Будда, Буддизм, Чайтя, шудр, Гандхар, Гупта, Аджанта, кушон, Бодхисатва, Шива. Индуизм.

3-илова

### **МАЪРУЗА МАТНИ**

Қадимги Хиндистон санъатининг даврий чегараси. Қадимги Хиндистоннинг тектоник жойлашуви ва этник таркиби ва дини эр. ав. 3-2-йилликда шимоли –ғарбий Хиндистонда дастлабки синфий жамиятнинг қарор топиши. Қадимги Хиндистоннинг ўзга юртлар билан савдо-сотиқ алоқаси натижасида амалий санъат ривожи. Бронздан ишланган буюмлар, заргарлик, кулолчилик ва хайкалтарошлиқнинг ўзига хос ривожи. Эр. ав 1 мингинчи йилликда йирик марказлашган қулдорлик давлатининг ташкил топиши. Эр. ав 1 мингинчи йиллик иккинчи ярмида Хинд адабиётининг ривожи. “Махабхорат” ва “Рамаяна” бадиий асарининг дунёга келиши.

Қадимги Хиндистон санъатининг илдизлари археологик қазилмаларга қараганда палеолит ва неолит давридан бошланади. Махенджо Даро ва Хараппдаги қазиз ишлари бу ерда синфий жамият қарор топганидан, эр. ав 3-2-асрларда хиндоллар ўзга халқлар Миср ва Шумер билан савдо-сотиқ ишларини олиб бориб, ёзув яъни ўз алифбосига эга бўлган. Шунингдек халқ амалий санъати хам азалдан ривожланган. Бу ерлардан бронздан қуйма идишлар, заргарлик кулолчилик буюмлари билан бирга хайкалтарошлиқ хам ривожланган. Хатто харобага айланган шахар қолдиқларидан бу ерда кенг кўчалар, пишган ғиштдан қурилган уч қаватли уйлар хам мавжуд бўлган. турли хил тумор ва белгиларда фонтантик илоҳлар тасвири билан безатилган. Эрамиздан олдинги 2 аср ўрталарида хиндоллар Инда водийсида

кўним топиб, ўтрор яшаб, ўзига хос тарздаги турмушларини четдан келган кўчманчи қабилаарилар томонидан босиб олиниб, қадимги хинд элатлар билан аралашиб кетади. Айнан мана шу аврда хинд адабиётининг дастлабки дебочаси “Веда”(билим) асари дунёга келган. Бу асар қадимги хинд маданияти, урф одати ва турмуш тарзи хақида шерият орқали баён этади. Унда худолар образи ва уларга бағишлиланган қасидалар ва мусиқалар ўз ифодасини топган. Қўишқларда табиат кучлари бўлган маъбуллар –Индра –мамақолдироқ, Агни – олов, Сура. Митра ва Савитарилар –қуёш худоси тимсолида мужассамлашади. Унда меъморлик ва мусиқа хақида хам баён этилади.

Инда водийсида истиқомат қилган ахоли яшайдиган уйлар асосан ёғочдан қурилиб, айланана шаклдаги режаси, усти ярим айланана гумбазсимон томига эга бўлган.

**Эр.ав.1 м.йилликда Хинд санъати.** Эрамиздан олдинги 1 асрда хинdistонда қулдорлик жамияти ташкил топиб, бу Магадха қулдорлари бутун Ганг даврёсида хукмронлик қилганлар.бу даврда мамлакат сиёсий ва иқтисодий жихатдан юксалиб, қулдорлик эса у қадар ривожланмаган эди.айниқса, адабиёт ва санъат соҳасида муҳим силжишлар бўлди. Янги давлатда брахман коҳинлар эгаллаб. Албатта брахманизм дини ривожаланди. Бу дин аввалги динлардан синфий характеристи билан фарқ қилиб, у хиндерни табақаларга ажратиб хам берди. Коҳинлар табақасига мансублар - **Варналар** деб аталди: коҳин брахманлар кўп нарсада хақ хуқуқга эга эди.қуий табақадагилар –**шудр** деб аталган. Брахманлар эски худоларни инкор этиб янги маъбулларга эътиқодни кучайтиридилар.Браhma –оламни яратувчиси сифатида мужассамлашди; Вишна –қуёш худоси тимсолида; Шива эса- ёвуз кучларни даф қилувчи маъбуд сифатида, Индра –салтанат ва бойлик ва давлат рамзи сифатида гавдаланди. Эрамиздан олдинги 1мингинчи йилликнинг иккинчи яримда хинд адабиёти гуллаб яшнади. Бу даврда “**Махабхорат**”, “**Рамаяна**” каби бадиий-фалсафий асарлар дунёга келди.Бу махобатли бадиий асар хинд халқининг бадиий бойлиги сифатида, ўзида шерият, мусиқа, фласафа, санъатни намоиш қилиб, шу билан бирга қадимги хиндерни тарихи, урф-одти ва анъанасини тараннум этади.

Эр.ав 1 мингинчи йилликнинг сўнгида **Маурилар сулоласи** (322-185) даврида маданий юксалиши кечиб ўтади. А.Македонскийнинг юришларидан кейин Хинdistон бирлашиб, марказлашган давлатга айланади. Бу даврда Миср ва Сурия билан савдо сотик ишлари йўлга қўйилади. Будда динининг кириб келиши ва у билан боғлиқ меъморий обидалар яъни ибодатхоналарнинг яратилишига сабаб бўлади. Архитектура, хайкалтарошлик ва тасвирий санъат гуллаб яшнади. Буддизмга оид қурилмалар ривожи. Меъморлик ва хайкалтарошлик уйғунлиги. Ступалар.Санчидаги Ступа.(эр.ав 1 аср) Стамбх-устунлар. Сарнатхдаги стамбха.(Эр.ав Зм.й.) буддага бағишлиланган қоя ва тоғларга ўйиб ишланган ибодатхона чайтялар.Карлидаги “чайтЯ”(эр.ав.1 аср) Анджантидаги ғорга ўйиб ишланган ибодатхоналар.

Эрамизнинг 1-3 –асрида Хинdistоннинг Кушонлар томонидан босиб олиниши.Янгича будда тимсолининг яратилиши ва хайкалтарошликда идеал

образлар талқини.Хинд ва эллин санъати анъаналари уйғунылиги. Гандхар хайкалтарошлиқ мактаби ва унинг ўзига хос хусусияти

**4-5 – асрлар Гупталар даврида санъати.** 4-5-асрда Хинди斯顿нинг бирлашуви. Кулдорлик тузуми ва янгича феодал тузумга ўтиш.Гупталар даври санъатидаги жонланиш. Хайкалтарошлиқ ва рангтасвир. Аджанта ибодатхонаси хайкалтарошлиги. Ундаги маҳобатли суратлар.

4-илова

### Ўтилган дарсни мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Қадимги хиндларнинг тарихий тараққиёти ва этник таркиби.
2. Қадимги Хинд динларининг келиб чиқиш тарихи .
3. Хинд адабиёти, фалсафаси ва шерияти ва мусиқасининг шаклланиш манбалари.
4. Қадимги хинд меъморлиги нинг шаклланиш сабаблари.
5. Чайтъя ва Стамбхларни тахлил қилинг? Карлидаги чайтъяни тахлил қилинг?  
Сарнатхдаги стамбх.
- 6.Буддага бағишланган Ступалар. Санчидаги ступа.
7. Қадимги хинд тасвирий санъати. Буддага бағишланган хайкаллар.
8. Гандхар хайкалтарошлиқ мактаби. Ундаги грек –рим хайкалтарошлиқ анъаналари.
9. Гупталар даври санъати. Аджантадаги ғорларга ишланган суратлар.
10. Аджанта ғори пештоқи бўртмалари, уларнинг мавзуси ва ишланиши.
11. Ўрта асрларда Хинд санъати.Индуизм дини ва унинг тасвирий санъатда акс этиши.
12. Элурдаги Кайласанатха ибодатхонаси.
13. Кайласанатха хайкалтарошлиги, Шиванинг маҳобатли хайкали.

**18- мавзуу.**

### ҚАДИМГИ ЯПОН САНЪАТИ

#### *МАЪРУЗА РЕЖАСИ*

1. Қадимги японларнинг географик ва этник таркиби.
2. Қадимги япон маданияти ва санъатининг юзага келиши
3. Қадимги япон архитектураси ва унинг миллий характери.
4. Қадимги япон хайкалтарошлиги ва амалий санъати

2 -илова

#### *ТАЯНЧ СЎЗЛАР*

Япон. Исида, Аматерасу, Тоёукага ,Будда, буддизм, Хайян, Япон боғлари, Камакура буддаси, Яматео мактаби, Суйбоу стили, Капура ансамбли.

3-илова

#### *МАЪРУЗА МАТНИ*

Қадимги Япония санъатининг илдизлари хали эр.ав. 4 мингинчи йилликдан бошланган. Бироқ япон санъатининг қадимги даврига қараганда ўрта асрларда кўрина бошлади. Феодал жамиятнинг қарор топиши билан 6-8- асрлардан то 19 асрга қадар япон санъати ўз ривожини бошиданн кечиради. 6 асрдан бошлаб японлар буддага эътиқод қилишни бошлаганлар ва расмий двлат дини сифтида қабул қилинган.унга бағишилаб ибодатхоналар қад кўтарди. Тасвирий санъат хайкалтарошлиқ будда дини тарғиб этишга қаратилди. Япон халқи ўта нозик дид фаросатли бўлиб, уларнинг маданияти ва

санъати ўзига хос тарзда шаклланган. Улар ҳар қандай ортиқча нарсани эътироф этган формулани илгари сурдилар. Қадимги Япон халқи ва этник таркиби. Қадимги японларнинг дини ва урф одати.

**Архитектура.** Япон архитектураси ўзига хос тарзда миллий анъаналарни ўзида мужассамлаштирган холда шаклланди. Айниқса ўрта асрда япон меъморлиги гуллаб яшнаган даврини бошидан кечиради. Япон меъморлигида ёғоч меъморлик ривожланиб, унда ибодатхона ва туар жой биноларига катта эътибор қаратилади. Бунга сабаб япониянинг табиий иқлим ва шароити ва сейсмик носозлигидир. Шу боис япон меъморлигида маҳобатли архитектура, хашаматли сарой ва мажмуалар ривожланмади. Уларнинг қурилмалари ўзининг содда ечими ва енгил материаллардан қурилиши билан эътиборлидир. Уларни безатиш қадимдан миллий анъаналарга таянган холда .. қурилишда каркас услуби асосийси бўлиб, бинолар ер билан уй оралиғида намгарчикдан сақланиш учун ажратилган. Уларда қўлланилган устун-тиргаклар ер қимирлаганда таянч сифатида бинони сақлашга мўлжалланган. Деворлар ўзида таянч вазифасини зиммасига олмайди. Уларни иссиқ ва совуқлан сақланишда, ёки боғ тарафни томошакилишда осон суриб қўйса хам бўлади. Деразалар ўрнини девордаги панжара ёриқлар эгаллаб, улар сиртига қоғоз ташлаб қўйилган. Томининг кенг ва катта карнизи қисми қуёш нуридан химоя қилишга мўлжалланган. Бинонинг ички деворлари суриладиган силлиқ деворлар билан ажратилган. Суриладиган деворлар кези келганда хонани ажратишда ва кенгайтиришга қратилган. Шундай қадимий услуг ва анъаналарга таянган холда япон меъморлигида ибодатхоналар хам қурилган. Шундай ибодатхонларнинг энг дастлабкиси Иса шахрида эр. ав 1 асрда қурилиб, у хар 20 йилда қайта қурилган. Бу ибодатхона ўрмоннинг қоқ ўртасида қад кўтариб, у икки бир-бирига яқин (комплекс) мажмуадан иборат бўлиб, маъбуд қуёш худоси **Аматерасуга** атаб қурилган. Бошқаси хосилдорлик маъбудаси – **Тоёукага** бағишлиланган. Уларнинг хар бири тўғритўртбурчак шаклдаги режада атрофи девор билан ўралган, япон тилла жилвали кипарисидан қурилган. Уибодахонани шакарқамишнинг ишлов берилган пояси безатиб туради. Унга кўндаланг ташланган ёғоч ғўлалар мос равища ётқизилган. Исадаги бу анмабл япон меъморлигининг нодир меъморий обидаси сифатида донг таратган.

6-7 асрдан бошлаб японияда Буддага бағишлиланган ибодатхоналар қурила бошлади. Бундай ибодатхоналар типи Хитой ва Кореяда ривожланган бўлиб, уларнинг қурилишида жойлик анъаналар мавжуд эди. Бундай хислатар Нарадаги будда ибодатхонасида( 7 аср) кўзга ташлданади. Ундаги қизил лакка бўялган устунлари, “черепицали” томининг чеккасидаги юқорига букилган жойлари ва бинонинг тош платформа устида қад кўтариши шунингдек, том остида кронштейннинг қўлланилиши япон меъморлигида янгилик бўлди. Унинг атрофидаги қуюқ кўкаламзорга бурканган беш қаватли Кондо хам хам унга ўзгача хусн ва жозибу бахш этади. У танлар сулоласи даврига хос ибодатхоналардан ихчам ва жозибалиги билан эътиборни тортади.

Будда ва буддизмга оид қурилмалар қурилишининг авж олиши 8 асрға түғри келади. Бу даврда япон марказлашган феодал жамиятнинг қарор топиши ва илк пойтахт – *Nara* (Хайдәё-кё) шахрининг бунёд этилиши билан боғланади. Ундаги **Тодайзи** ансамблиниң аниқ симметрик режаси маҳобати ва қурати шу давр ғоя ва қарашларини ўзида аксёттиради.

Япон архитектурасининг янги босқичга эришиши *Хайанлар даврига* (794-1185) түғри келади. Бу хозирги Киото шахри бўлиб, у хайанларнинг Хайан- кё пойтахт шахри бўлган. Бу даврда миллий ўзни англаш билан бирга япон ҳалқи маданийлашиб, цивилизациялашган сари будда ибодатхоналаридан ташқари аслзодалар сарой ва қасрлари хам қурила бошлади.Хэйандаги сарой ансамбллари тантанпворлиги ва дабдаси билан муфтун этади. Унда миллий ананалар билан бирга дунёвий оханглар хам уфуриб турди. Хэйандаги императорлар саройида тантанавор залини чеккадаги хоналардан ажратиб кўрсатилиши , пол қисмини силлиқланганлиги, плиткалар билан. Юинони галаериялар билан бирлаштириши, жанубда жойлашаган асосий майдонни тош, кўл ва боққа эга манзарали тарафга қаратилиши шу давр меъморлигининг характерли хусусияидир.

Япониянинг Етук феодализмга қадам қўйиши 12 аср охиirlарида ,көодал иерархиясининг кучайиши ва унинг тепасида харбий хукмдорларнинг туриши архитектурада янгича талаб ва тенденцияларни юзага келтирди.13-16 асрлар мобайнида тантанавор услугуб бўлган **Синдэн** ўринига **Сёин** деб номланган услугуб билан алмашинади. Сёиннинг Синдэндан фарқи утилитар характердалиги эканлигидир. Энди бино бир неча қисмларга бўлиниб, уларда ниша ( ўйик)лар пайдо бўлиб, улар рангтасвир безакларига мўлжалланган. Деворда эса китоб жавонлари пайдо бўла борди. Полга (циновка) ётқизилди.Энди бу даврда шахар чеккасида сарой ва қароргохлар қурилиши йўлга қўйилиб, улар 3-4 қатани ташкил қилиб, бир вақтнинг ўзида яримибодатхона ва ярим саройни мужассамлаштириди. Бундай мажмулар табиатнинг ажойиб манзарали. Кўлли ва сояванд еридан ўрин олиб, улар ўзининг лўнда ва пухта режаси ва байрамона қиёфаси билан ажралиб турди. Шундайлардан - **Гинкакудзидаги –Кумуши павilon** табиат билан уйғунлиги билан эътиборлидир.

Япон санъатининг яна бир эътиборли жихати 14-15 асрларда йўлга қўйила бошлаган **Япон боғлари**дир. Бу юоғлар биро меъморий мажмуа билан боғликдир. Бу боғлар япон буддавийлар пантеистик Дзен таълимоти таъсирида юзага келиб, ўзида буддавийликкни илгари суради. “**Қуриқ боғлар**” фақат тош ва шағаллардан иборат бўлиб, унга Киотодаги Рёандзи монастири боғлари яққол намуна бўлади. бундай декоратив боғлар қурилмаларни безатишга қаратилган. 16-17 асрларда йирик боғ-сайлгоҳи сарой мажмуалари юзага кела борди. Уларнин режаси эркин ассиметрик лоихалашган бўлиб, Киото яқинидаги Кацура боғ ансамблидир. Японияда чой ўсимлиги муқаддас саналгани учун унинг ичидаги чойга бағишлиланган маросимларни ўтказиш учун миллий кулбачалар хам ўрин олган.

17 аср япон меъморлигига феодал қурилиши кучайиши муносабати билан серхашам ва безакка бой мақбара -ибодатхоналар қурилиши йўлга қўйила борди. Шундайлардан –Никкиодаги **-Сёгунлар Такутава мақбара** мажмуасидир. Шунингдек бу даврда феодалларнинг мустахкам мудофаага мўлжалангандан қалъя ва кўргонлари хам бунёдэтилди.

**Хайкалтарошлиқ.** Япон хайкалтарошлигининг даслабки намуналари эрамизнинг 3-5 арсларига тўғри келади. Булар турли туман қиёфадаги лойдан ишланган хайлачалра бўлиб, уларда коҳинлар, амалдорлар.хизматкор ва жониворлар ифода этилгандир.

Будда дининг кириб келиши (6-7а) япон хайкалтарошлигига катта ўзгаришлар бўлишига олб келди. Аксарият хайкллар ибодатхоналар учун мўлжжаланиб. Уларнинг мазмун мохияти хам, образли масаласи хам улар билан боғлик бўлди. Хорюдзидағи Кондонинг бош биносида бронзадан ишланган хайкал гурухи хайкалтарош тори томонидан ишланган. Унда Будда нилуфар гулига ўхшаш таҳтировонда икки бодхисатва билан қовушган холда тасвирланиб, у саховат пешаси сифатида мужассамлашган. Хайкалнинг умумий ечимининг соддалиги, геометрик чизгиларга эгалиги ундағи симметрия ва фронтал холат пропорциясининг юқорига нтилувчанлиги, ундағи маънавий ва хиссий эҳтиросдан маҳрумлиги хитойнинг Вей даври санъати таъсирида ишланганлигини эслатади.

8- асрдан бошлаб Буддага бағищланган ибодатхоналар қурилиши ва унлар ички хоналарининг кенгайиши билан Будда хайкалининг хилма хил кўплаб хайкллари яратилиб. уларнинг янгича образларининг талқин этишга эътибор қаратила борди. Бу хайкллар асоан бронза лой . ёғочдан ясалиб. Сиртида лак билан қопланган. Давлатнинг кўплаб урушларни бошидан кечири ва юксалиши будда хайклларининг қаҳрамонона образини яратилишига сабаб бўлди. Бу даврда портрет хайкалтарошлиқ пайдо бўлади.

Буддага атлаган миннатюрний бўртмаларда –“**Нирвана будда**” деб номланган сахна кўринишида монахлар буддаг аза тутиб йиғлаётганлари тасвирланади.

Янгича буддавийлик таълимоти ва қарашлари будда хайкалида хам катта ўзгаришларга олиб келди.бу айниқаса 9-10 асрларда Хайан аслзодалари дврида кўпкўлли ва ҳисиётга бой образлари яратилди. Бундай хайкалларда хатти харакат ва олатларда алоҳида қоидалар ишлаб чиқилди.энг севимли ашё албатта ёғоч бўлиб, унинг сирти у бевосита мато ёки тери билан тортилиб, лак билан ишлов берилди.бундай хайкаллар диний маросимларда сиқшларда кўтариб юришга қулай бўлган. Уларнинг ташки қиёфаси нсонга хос кўринишида ранглар билан бўялган.

12-13 асрларда хайкалтарошлиқда янгича тенденциялар илгари сурилди. Бундай хислатлар **Камакурадаги - Будда хайкалида** ўз аксини топди. Буддага бағищланган диний маосимлар ва тадбирларнинг орта бориши будда хайкалларидағи хар хил образларни йўқолишига олиб келди. Энди бу давр санъатида портретчилик ривожланиб, уларда йирик сиёсий арбоблар билан бирга дзен монахлари ва азиз авлиёлар ва дин йўлида жон фидо қилган

шахсларнинг портрет хайкаллари пайдо бўлди. Уларда шу даврнинг рухи ва индувидуал чизгилари ўз ифодасини топган.

**Рангтасвир.** Яматео рангтасвир мактаби.”Суйбоу”стили. Япон ксилография санъати. Хисикава Морунобу, Судзуки Хурунобулар. Гравюра санъати Китигава Утамаро. Амалий санъат. Кулолчилик. Чиннисозлик, фарфор ва тўқувчилик санъати ривожланди.

4-илова

### **Ўтилган дарсни мустаҳкамлаш учун саволлар:**

1. Қадимги японларнинг географик тузилиши ва этник таркибига тушунча беринг?
2. Қадимги япон маданияти ва урф одати ва дини хақида маълумот беринг?
3. Қадимги японлар санъатининг юзага келиши.
4. Қадимги япон архитектурасининг шаклланиши.
5. Даврнинг тарихий меъморий обидаларини таҳлил қилинг?
6. Япон рангтасвири ва ундаги усул ва қўлланишилар. Яматео мактаби. Суйбоку стили.
7. Япон хайкалтарошлиги ва уларнинг ўзига хос хусусияти.
8. Будда хайклларига ва улардаги ўзгаришлар. Камакурадаги баҳайбат будда хайкали.
9. Япон амалий санъати. Кулолчилик намуналари стиллари.
- 10 Япон гравюраси ва унда ижод қилган рассомлар.

### **Адабиётлар:**

1. Каримов И. А. Маънавий юксалиш йўлида. – Т.: Ўзбекистон, 1998.
2. Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёsat, мафкура. 1 жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
3. Всеобщая ист. Искусств. 1-8 т. Под ред Ю.Д.Колпинского. М., 1956.- 60.
4. Всеобщая история архитектуры в 12-ти томах. М. 1966-77 гг
5. Соколов Г.И. Иск-ва Древнего Рима. М., 71.
6. Древнеримская живопись. М., 87. 5. Соколов Г.И. Иск-ва Рима III века до нашей эри. 83.
7. Хафнер Г. Выдающиеся портреты античности: 337 портретов в слове и образе. М, 1984.
8. М.С.Ибрагимова. Тасвирий санъат тарихи. Марузалар матни. Т., 2011.
- Е.П.Львова, Н.Н. Фомина и др. Мировая художественная культура. От рождения до XVII века. М.2008
9. Искусство Древней Индии М., “И” 1980.
10. Всеобщая история архитектуры в 12-ти томах. М. 1966-77 гг
- 11 Всеобщая ист. Искусств. 1-8 т.Под ред Ю.Д.Колпинского. М., 1956.- 60.
12. 6.Мусский С.Л. 100 великих скульпторов М.: 2002.
13. Ионина Н.А. 100 великих дворцов мира. М.: 2004.
14. Мифы народов мира. М., 1980й.
15. М.С.Ибрагимова. Қадимги Дунё санъати тарихи. Марузалар матни. Т., 2011.

16. Е.П.Львова, Н.Н. Фомина и др. Мировая художественная культура. От рождения до XVII века. М.2008
17. Искусство и культура Древней Японии. М. С.П. 2004.
18. Роттенберг В. Памятники мирового искусства. Древний Восток. М.,75й.
19. Всеобщая история архитектуры в 12-ти томах. М. 1966-77 гг
20. Всеобщая ист. Искусств. 1-8 т.Под ред Ю.Д.Колпинского. М., 1956.- 60.
21. Ионина Н.А. 100 великих дворцов мира. М.: 2004.
22. Мифы народов мира. М., 1980й.
23. М.С.Ибрагимова. Тасвирий санъат тарихи. Марузалар матни. Т., 2011.

**Интернет сайtlари:**

[www.msus.org](http://www.msus.org)

[www.students.ru](http://www.students.ru)

[www.curasia.mst.ru](http://www.curasia.mst.ru)

## МУАЛЛИФ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ СУЛТОНОВА ДИЛШОДА НАМОЗОВНА



**1970**-йил, 24-сентябрда Самарқанд вилояти, Пайариқ туманида туғилган.

**1988-1994** йилларда СамДАҚИда “Архитектура” мутахассислиги бўйича таълим олган.

**1994** йилда илк шахсий ижодий ишлари кўргазмасини ташкил этган (75 асар). Мунтазам равишда вилоят, республика ва халқаро кўргазма тадбирларида иштирок этиб келади.

**2004** йил ТАҚИда “Меъморчилик назарияси ва тарихи, меъморий ёдгорликлар таъмири” ихтиослиги бўйича “Ўзбекистон меъморчилигига деворий рангтасвирни уйғунлаштириш тамойиллари” номли номзодлик диссертациясини ҳимоя қилиб, архитектура фанлари номзоди илмий даражасини олди.

**2006** йилдан “Архитектура назарияси ва тарихи” кафедраси доценти.  
**2007** йилдан ЎзР “Меъморлар уюшмаси” ҳамда ЎзР Бадиий Академиясининг “Бадиий ижодкорлар уюшмаси” аъзоси.

**2008** йилдан Самарқанд вилояти “Олим” аёллар уюшмаси вице-президенти ҳамда “Тасвирий санъат” кафедраси доценти.

**2011-2014** йилларда Археология институти фойеси интерьерида Афросиёб деворий рангтасвири нусхаси реконструкциясини бажарган.

Тасвирий санъат тарихи йўналиши фанларидан “Архитектура” ва “Дизайн” мутахассислигига талабаларга назарий ва амалий фанлардан таълим бериб келмокда. Институтда илғор педагог, кафедра илмий бўлимни мудири, фаол жамоатчи. Отаси – устоз-рассом Н.Т. Султонов хотирасига бағишлиланган 9 та шахсий ижодий хотира-кўргазмалари ташкилотчиси (2006, 2008, 2011, 2012, 2013, 2015 йй.).

Халқаро ва республика илмий конференцияларининг мунтазам қатнашчиси. 130 дан зиёд илмий ва оммабоп мақолалар, 10 га яқин услубий кўрсатма ва 2 та илмий монография (“Ўзбекистон меъморчилигига тасвирий ва бадиий воситаларни уйғунлаштириш”, “Намоз Султонов”) лар муаллифи. Асрлари ўзбек, тоҷик, рус ва инглиз тилларида чоп этилган. “Ўзбекистон меъморчилигига тасвирий ва бадиий воситаларни уйғунлаштириш” мавзусидаги докторлик ишини ҳимоя қилиш арафасида. У “Тасвирий санъат” кафедрасида “Санъат, архитектура ва шаҳарсозлик тарихи”, “Тасвирий санъат умумий тарихи”, “Санъат ва маданият тарихи”, “Санъат, маданият ва дизайн тарихи”, “Ўзбекистон тасвирий санъати тарихи”, “Бадиий асрлар таҳлили”, “Қаламтасвир”, “Академик қаламтасвир асослари”, “Рангтасвир”, “Рангтасвир ва композиция” ва “Ҳайкалтарошлиқ” фанларидан назарий ва амалий дарс бериб келади.